Шунинг учун ҳам инсон тарбиясида қўлланиладиган ҳар қандай тарбиянинг турли шакллари жисмоний тарбия жараёни билан иложсиз боғлангандир. Бусиз ҳар томонлама гармоник тарбия амалга ошмайди.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципининг асосий талаблари:

1. Тарбиянинг барча томонларининг бир бутунлигига эришиш. Жисмоний тарбия орқали эришилган юқори натижанинг ўзи шахснинг ҳар томонлама ривожланганлигини белгилайди, деб бўлмайди. Жисмоний сифатларга қўшиб ақлий, аҳлоқий, руҳий, эстетик, ва маънавий сифатлар ҳам қўшиб тарбиялансин. Шахс ўшандагина меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёр бўлади. Бунга риоя қилинганда, бизнинг физкультурачиларимиз ҳал қилувчи вақтда, меҳнатдами, мудофаадами, қонуний демократик давлатни барпо этишдек шарафли ишларда олдинда бўладилар.

2. Ҳар томонлама умумий жисмоний тайёргарликка эга бўлиш. Жамият аъзоларининг барча ишлари аниқ маънодаги мутахассисликка йўналтирилган ҳолда бўлади. Бунга айниқса меҳнат ва ҳарбий фаолият давомида дуч келамиз. У ёки бу фаолиятдаги ютуқ жисмоний тайёргарликка боғлиқ. Жисмоний сифатлар инсонда қанчалик яхши ривожланган, малакалари етарли бўлса, бошқа фаолиятни осон ва тез ўзлаштиради. Жисмоний тайёргарликни йўлга қўйиш учун олиб борилган режали фаолият ҳар томонлама гармоник ривожлантиришнинг омилидир.

Адабиётлар

1. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. – Т.: ЎзДЖТИ, 2001. – С. 286.
2. Кузнецов В.В. Специальная силовая подготовка спортсмена высших разрядов. – М.: Физкультура и спорт. 1970, – С. 208.
3. Курысь В.Н. Основы обшей теории спорта и системы подготовки спортсмена. – М.: Советская Россия, 1975, – С. 208.
4. Курысь В.Н. Основы силовой подготовки юношей. – М.: Советский спорт. 2004, – С. 264.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жисмоний тарбиянинг бошқа йўналишлари билан боғлиқлиги масалалари тўғрисида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются отношения между физическим воспитанием и другими сферами образования.

SUMMARY

The article discusses the relationship between physical education and other areas of education.

КАСБИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

А.Набиев – *техника фанлари номзоди, профессор*
Ш.Ҳайдарова - *катта ўқитувчи*
Тошкент кимё технология институти
К.А.Каримов - *техника фанлари доктори, профессор*
Тошкент давлат техника университети

Таянч сўзлар: компетентлик, компетенциявий ёндашув, дидактика, мустаҳкамлик, бикрлик, устуворлик.
Ключевые слова: компетентность, компетентный подход, дидактика, прочность, жёсткость, устойчивость.
Key words: competency, competency-based approach, didactics, durability, fixity, stability.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган кенг қамровли ва ўта долзарб амалий стратегик вазифа-топшириқлар мажмуаси реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинадиган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича маънавий етук ва жаҳон андазалари талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош кадрларни назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтишни талаб этади [1].

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳаёт суръатлари шиддат билан тезлашаётган глобаллашув: юксак технология, ялпи ахборотлашув, иқтисодиётнинг реал тармоқларида рақамлаштириш даврида таълим назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашув ғоят аҳамиятлидир. Мазкур ёндашувнинг концепциал жиҳати шундаки, бунда компетенция таълим олаётганлар мустақил фаолият олиб бораётган пайтлари, масалан, бевосита педагог ёки уста иштирокисиз ёхуд ҳаётга мустақил қадам қўйишнинг дастлабки йилларидаги фаолияти даврида муҳим муҳандислик муаммо ёки масалаларни ҳал этиш жараёнида нечоғли ўзининг шахсий сифатларини амалда кўрсата олиш қобилиятига қаратилади.

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш муаммоси билимлар стихияли – пассив равишда “узатилмаслиги”ни, ҳатто юртимизга четдан кириб келган коронавирус пандимеяси оқибатларини бартараф этиш баробарида масофавий таълимни янада кучайтириш, онлайн дарсларини ташкил қилиш сингари долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган инновацион ечимлар олишни тақозо этмоқда. Аниқроғи, билимлар таълим олувчига таклиф қилиниши, билимни ўзлаштириш эса таълим берувчи кўмаги ва жараённи мувофиқлаштириб бориши эвазига мустақил таълим доирасида талабалар қобилияти ва қизиқишига онгли таъсир кўрсатиш йўсинида амалга оширилмоқда. Табиийки, бундай ёндашув натижасида касб танлаш ёки эгалланаётган касбга хос мотивлар билан таълимий, яъни ўқув-билув мотивлари уйғунлашуви таъминланади.

Касбий-техникавий таълимда кенг фойдаланилаётган “Компетентлик” ёки “Компетенция” ибораларининг мазмун-моҳиятини бўлажак мутахассис (ходим) таълим-тарбия жараёнларида ўзи эришган ҳаётий тажрибаси, қадриятлари ва мойилликларига асосланган ҳолда амалий фаолиятда ҳаётий муаммоларни ҳал этиш баробарида ўзининг шахсий сифатларини мустақил намоён эта олиш қобилиятлари мажмуаси деб тушунмоқ лозим.

Энди бевосита “Материаллар қаршилиги” ва “Техника механикаси” фанлари мисолида муҳандис кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим-тарбия жараёнларини янада такомиллаштиришда профессор-ўқитувчилар томонидан мавжуд педагогик муаммоларнинг инновацион ечимларини топишга ҳамда таълим олувчиларнинг фан сирларини ўзлаштиришларига йўналтирилган компетентлик талабларини компетенциявий ёндашув асосида таҳлил этамиз.

Табиийки, фан, техника ва технологиялар жадал суръатлар билан ривожланган сари рақобатга қодир

муҳандис кадрларга бўлган эҳтиёж ошаверади. Муҳандислик ишлари кўлами илмий-ижодий ёндашувни талаб қилиши баробарида янги замонавий муҳандислик конструкция (бино, иншоот, машина)ларини яратиш ҳамда мавжудларидан самарали фойдаланиш, технология ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишни такомиллаштириш каби муҳим жабҳаларда тезкор ечим-хулосалар топишда алоҳида аҳамият касб этади. Қайсики, "муҳандис" сўзининг луғавий маъноси лотинчада ingenium – яратувчанлик, қобилиятлилик деган маъноларни англатади.

Олий техника таълим муассасаларида қурилиш ва транспорт ҳамда саноатнинг машинасозлик, самолётсозлик, автомобилсозлик, металлургия, кимё-технология сингари соҳаларида малакали, рақобатбардош муҳандис кадрлар тайёрлаш жараёнларида "Материаллар қаршилиги" фани азалдан деярли барча техника фанларининг алифбоси сифатида ўрганилади.

Пўлат, чўян, мис, ёғоч, тош, ғишт, шиша, пластмасса ва турли қотишма кабилардан тайёрланган барча конструкциялар ва уларнинг қисмлари (тўсин, стержен, вал, рама, арка кабилар) ташқи юклар ва ҳарорат таъсирига чидамли ҳолда хавф-хатарсиз ишлашлари учун табиийки, мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворлик деб номланувчи конструктив талабларни қаноатлантиришлари зарур ва етарлидир. Одатда, ташқи юклар ва ҳарорат таъсиридаги конструкция қисмларининг бузилмасдан, яъни бўлакларга ажралиб кетмасдан қаршилик кўрсатиб, бардош бера олишга лаёқати мустаҳкамлик, деформация ёки кўчишларга қаршилик кўрсата олишга лаёқати бикрлик ҳамда юк қўйилмаган пайтдаги дастлабки эластик мувозанат ҳолатини сақлай олишга қодирлиги эса устуворлик дейилади [2].

Мазкур конструктив талаблар негизида лойиҳалаш-ҳисоблашнинг услуб-методларини ўзида мужассамлаштирувчи умуммуҳандислик фани ҳисобланган "Материаллар қаршилиги" фанидан таълим берувчилар фаолияти компетентлиги муҳим ҳаётий илмий-педагогик вазифа ва муаммоларни беками-кўст ҳал этишга қаратилган. Хусусан, уларнинг фаолият компетентлиги:

а) конструкция қисмларининг хавфли кесимларида пайдо бўлувчи ички куч, кучланиш, деформация ва кўчишларни аниқлаш;

б) конструктив ва иқтисодий талабларни қаноатлантирувчи зарурий, ишончли ва фойдаланишга қулайроқ ўлчамларини аниқлаш;

в) берилган ўлчамлар асосида конструкция қисмларининг хавф-хатарсиз, ишончли ишлашини таъминловчи энг катта юкларни ҳисоблаб топиш каби йўналишларда таълим-тарбия беришга йўналтирилган.

Таълим-тарбия жараёнидаги бундай устувор вазифаларнинг уддаланишида таълим олувчиларнинг фаолият компетентлиги ҳам аҳамиятга моликдир. Айниқса, бу ўринда амалдаги ДТС талабларига мувофиқ, барча муҳандислик фанларини ўзлаштириш жараёнида таълим олувчиларда тегишли билимлар, кўникма-малакаларнинг яхлит тизими, шунингдек мустақил фаолият тажрибаси ҳамда уларнинг шахсий сифатлари ва масъулиятлилиги кабиларни шакллантириш ва босқичма-босқич ривожлантириш кўзда тутилганлигини таъкидлаш зарурдир. Одатда, бундай қарашлар мажмуаси таълимда компетенцияларни ташкил этиб, бевосита таълимнинг сифати ва самарадорлигига дахлдордир.

Дарҳақиқат, ўзлаштирилган ва эътиқодга асосланган билим, кўникма, малака ва эгалланган компетенциялар барча соҳалар сингари муҳандислик йўналишларида ҳам таълимнинг муқим ва кафолатланган натижаси ҳисобланади. Аниқроғи, конструкция қисмларини мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка лойиҳалаш-ҳисоблаш баробарида зарур ва етарли бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларни муҳандислик амалиётида беками-кўст қўллашга имкон берувчи қобилиятлар мажмуаси эса бевосита "Материаллар қаршилиги" фанини ўзлаштиришга қаратилган компетенция ёки компетентлик деб ҳисобланади.

Мазкур фанда талабалар фаолиятига дахлдор ва эгалланиши кўзда тутилган компетенциявий ёндашув (модуль)нинг шакл, мазмун-моҳиятларини ўзаро узвий боғлиқликдаги компонентлардан таркибланган тўрт жабҳада таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан,

1. *"Фаолият юритиш воситалари компетенцияси"*:

• таянч билимлардан фойдаланиш компетенцияси – талабанинг мазкур фандан олдин ўрганилган ва ўзлаштирилган (айниқса математика, қаттиқ жисмлар физикаси, назарий механика, материалшунослик каби) фанлар доирасида умумий таянч билимларни ўринли қўллай олиши;

• услубий, моддий-техник таъминотлардан фойдаланиш компетенцияси – талабанинг мавжуд дарслик, ўқув қўлланма, услубий ишланма, Internet материалари, ўқув-лаборатория ва амалиёт жиҳозлари кабиларни таълим жараёнида қўллай олиши;

• коммуникатив компетенция – талабанинг давлат тилида ёки тегишли хорижий тилларда оғзаки ва ёзма, шунингдек, чизма-лойиҳаларни AutoCAD, эпюраларни Mathcad дастурлардан фойдаланиб, компьютерли мулоқат қилиш технологияларини эгаллай олиши;

• медиа (техник ўқитиш воситаси)ни амалда қўллаш компетенцияси – АРМ жамғармасидан тегишли китоб-журналларни излаб топиш, Internet тармоғи, телевизион ва радиоузатувчи станциялардан янгилик-хабарлар олиш, Internet-порталда хабарлар ёзиш-узатиш каби фаолиятларни амалга ошириши;

• муаммоларни ҳал этиш компетенцияси – конструктив талаблар бўйича лойиҳалаш-ҳисоблаш жараёнларига алоқадор муаммолар: масалалар, ҳисоб-чизма ишларини, механик параметрларни тажрибавий синаш кабиларни бажариш, натижаларни таҳлилий муҳокамадан сўнг баён этиш ва синтезлаш борасида қобилиятларни намоён этишлари зарур ва етарлилигига қаратилган.

2. *"Таянч касбий компетенция"*:

• билимларни намойиш эта олиш компетенцияси – амалдаги ДТС, ўқув дастур доирасида ўрганиш баробарида унда эгаллаган билимларни намойиш эта олиш қобилиятининг ривожлана бориши;

• когнетив компетенция – талабада ўзининг таълим олиш даражасини мунтазам ривожлантиришга бўлган қизиқиш ва интилишлари, шахсий салоҳиятни оширишга эҳтиёж сезиши, мустақил таълим доирасида ҳаётий долзарб масала-муаммоларни ҳал этишга иштиёқманд бўлиш, янги билим ва амалий кўникмаларни эгаллаш қобилиятларининг шакллана бориши;

• модуль ёки боблар боғлиқлиги таҳлили компетенцияси – мантиқий фикрлаш асосида талаба асосий лойиҳалаш-ҳисоблаш формулаларини келтириб чиқариш баробарида жараённинг физик – механик – технологик жиҳатларини чуқур англай олиши;

• назарий-экспериментал усул ва методларни қўллаш компетенцияси – фаннинг тадқиқот методи ва мавзуидан келиб чиқиб, талаба натижавий лойиҳалаш-ҳисоблаш формулалари ва статиканинг мувозанат тенгламалари ҳамда тажриба жараёнида аниқланган параметр ёки диаграммалардан бевосита амалий масала ёки муаммоларни ҳал этишда ўринли фойдалана олиш кўникмаси шаклланиши ва ривожланиши;

• ахборий компетенция – талаба турли манбалар (ўқув-услубий таъминот ва Internet тармоғи)дан ўзлаштирилаётган модуль ёки бобларга тегишли

назарий – амалий – тажрибавий маълумотлар ёки ахборотларни тўплаб, тизимлаш, умумлаштириш ва таҳлилий хулосалаш кабиларга эришиши;

• натижалар сифати ва самарадорлигини баҳолаш компетенцияси – талаба назарий, амалий ва тажриба натижалари сифати ва самарадорлигини баҳолаш механизмини эгаллаши бўйича қобилиятга эга бўлишлиги кўзда тутилган.

3. *“Маҳоратлар шаклланиши компетенцияси”* моҳиятан:

• умумкасбий маҳоратлар – мустақил равишда муҳандислик талаблари доирасида эскиз-чизма, схема, эмпирик ва тажрибавий диаграммаларни шакллантириш ва ўқиш, ички куч ва кучланишлар эпюраларини қуриб, улар асосида хавфли кесимларни аниқлаш ва пировардида мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворлик шартлари бўйича лойиҳалаш-ҳисоблаш, ҳисоб-чизма ишларини бажариш ва ҳимоя қилиш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш кабиларга қодирлик;

• дидактик маҳоратлар – мустақил равишда таълимнинг муайян мақсад-вазифаларини баён қилиш ҳамда оддий ва мураккаб деформациялар кесимида ички куч ва кучланишларни аниқлаш жараёнларида нашрий қўлланмалар (тарқатма материал, технологик-йўриқли харита, слайд, плакат, картина, диаграмма, жадвал, эпюра ва шу кабилар) ва жиҳозлар (ахборот узатиш техник воситалари: диапроектор, графопроектор, кинопроектор, электрон доска ва бошқалар)ни қўллаш, ўқув-лаборатория жиҳозларининг тузилиши, фойдаланиш механизмини намойиш қилиш кабиларга лаёқати шаклланиши;

• конструктив-технологик маҳоратлар – асосий чекланишлар негизида конструкция ва унинг қисмларига мос лойиҳалаш-ҳисоблаш чизмаларни тайёрлаш, технологик-йўриқли хариталар, йўналтирувчи тест ва кейслар бўйича лаборатория шароитида ўлчов асбоб-ускуналар, синов машинаси ёки механизмлар, техник-технологик қурилмалар сингари жиҳозлар воситасида материалларнинг асосий механик тавсифларини тажрибавий аниқлаш ҳамда мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка лойиҳалаш-ҳисоблаш механизмини ўзлаштириш, пировардида ихтирочилик-конструкторлик, шунингдек илмий-тадқиқот ишларини бажаришда уларни қўллай олишга қодирлик;

• махсус маҳоратлар – келгусида ҳаётий заруриятдан келиб чиққан ҳолда реал иқтисодиёт тармоқларининг қайсидир соҳаси доирасидаги тор касбий ёки турдош касблар бўйича фаолият юритишга эҳтиёж сезилганда, албатта, мазкур фаолиятга мос тармоқ таълим дастури негизида зарурий фанларни мустақил таълим доирасида ўзлаштиришга қодирликдан иборат.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир талаба муаммонинг мазмун-моҳиятига кўра ушбу компетенция доирасида шахслар билан ишлаш ёки бирор гуруҳ (команда) таркибида ишлаш маҳоратига ҳам эга бўлиши лозим.

4. *“Тизимли амалий-илмий компетенция”* таркибида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда “Билимларни амалда қўллаш”, “Ихтирочилик, конструкторлик ва илмий тадқиқот ишларига мойиллик”, “Мўлжалланган маррага эришишга интилиш”, “Сифат ва самарадорликка масъуллик”, “Янги инновацион ғояларни тўплаш ва амалиётга жорий этишга интилиш” каби асосий компонентлар ўз аксини топган.

Энди “Материаллар қаршилиги” фанини ўзлаштириш баробарида босқичма-босқич талабаларнинг билими, кўникма ва малакалари ҳамда компетенциясига қўйиладиган энг муҳим умумий талабларни баён қиламиз:

• билими бўйича талаблар – ДТС, ўқув дастур ва ўқув режа талаблари доирасидаги минимал талаблар юзасидан тушунчалар, фаннинг ўрганиш ва тадқиқот мавзуи, ривожланиш тарихи, фаннинг назарий-амалий ва тажрибавий жиҳатларига кўра узлуксизлик ва узвийликнинг моҳиятини очиш, фаннинг муҳандислик амалиётидаги ўрни, мақсади ва вазифалари, кесиш усулининг моҳияти ҳамда моделлаштириш жараёнларини англаш, мустаҳкамлик, бикрлик, устуворликка ҳисоблашда қўлланилаётган услуб ва методларнинг моҳиятан фарқлаш, фаннинг дастурий ва дидактик имкониятлари, таълим-тарбия жараёнида қўлланилиши кўзда тутилаётган ахборот ва педагогик технологиялар ва бошқалар;

• кўникма ва малакалар бўйича талаблар – ўқув-методик ва моддий-техник таъминотларни таҳлилий ўрганиб, таълимга жорий эта бориш, дидактик тамойиллардан ўринли фойдалана олиш, таълимнинг бевосита фанга алоқадор шакл, услуб ва воситаларидан фойдаланиш, конструктив ҳисоблашларнинг дастлабки босқичида конструкция ёки унинг қисмларининг ҳақиқий кўриниши ҳамда ишлаш жараёнига мос келувчи ҳисоблаш чизмаси ва моделини шакллантириш, таянчларни схематик тасвирлай олиш, статика тенгламалари асосида реакцияларни ҳисоблай олиш ва тўғрилигини асослаш, қўлда ёки Mathcad дастурини қўллаб, ички зўриқишларнинг эпюраларини қуриш ва хавфли кесимни топиш, муаммонинг физик-механик-технологик жараёнларини таҳлил этиш баробарида тегишли формулаларни келтириб чиқариш ва ундан амалда фойдаланиш, муаммога статик, геометрик ва физик томондан изчил ёндашиб, аниқланган натижаларни тўғри синтезлашни уддалаш, ҳисоблаш билан боғлиқ формулаларнинг мазмун-моҳияти ва уларни қўллашга доир мисол-масалаларни еча олишни уддалаш, лойиҳалаш-ҳисоблашнинг услуб ва методларини замонавий педагогик технология, интерфаол усуллар ва инновацион методлар билан уйғунлашган ҳолда қўллай олиш, Internet материалари, ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш, эгалланган билимни назорат қилиш ва баҳолаш усулларни қўллаш ва шу кабилар;

• компетенция бўйича талаблар – касбга бевосита дахлдор муҳандислик муаммоларининг инновацион ечимларида дидактик талаблар негизида ҳаётий амалий-тажриба, маҳорат ва билимларни эгаллашга йўналтирилган мақсадли ҳаракатлар.

Шу ўринда *“Талабалар компетенцияси бўйича талаблар”*нинг таркибини ва унинг ғоят муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан,

а) тадқиқот методлари доирасида муаммога статик, геометрик ва физикавий томондан кетма-кет ёндашиш ва синтез жараёнида талаб этилаётган куч ва деформацион параметрларни аниқлашга доир мисол-масалалар ечиш баробарида конструктив муаммоларни ҳал қилиш;

б) мавжуд жиҳозларда тажрибалар ўтказиб, материалларнинг эластиклик, пластиклик ва энергетик хоссаларини, вал, тўсин ва рамаларнинг деформация ва зўриқишларини экспериментал аниқлаш ҳамда уларни мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка доир ҳисоблашларда қўллай олиш;

в) брусларни мустаҳкамлик ва бикрликка ҳисоблаш жараёнларида муаммога статик, геометрик ва физик томондан изчил ёндашиб, мумкин қадар компьютерлаштирилган ўқитиш технологияси доирасида Mathcad дастури ёрдамида, тегишли параметрларни аниқлаш ва натижаларни хулосалаш, шу аснода “Кейс стади”, “Фикрлар ҳужуми”, “Тармоқлар” методи, “Кластер” ва “ФСМУ” таълим технологияларини қўллаш;

г) мустақил таълим доирасида халқаро Internet тармоғидан олинган материалларни таҳлилий ўрганиш

ва улардан таълимда ўринли фойдаланиш, ихтирочилик-конструкторлик ва илмий-тадқиқот йўналишларида фаол қатнашиш;

д) назарий, амалий ва тажриба натижалари сифати ва самарадорлигини холисона, тезкор, шаффоф ва адолатли баҳолаш механизмини эгаллаш сингари касбий муҳим универсал сифатлар ва қобилиятларни амалда намоён қилишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, таянч малака ва компетенциялар шахс – талаба, яъни бўлғуси мутахассис (ходим)нинг келгусида ўзининг муайян касбий фаолиятини самарали бажариши учун маъсулиятлилик, ишончлилик, мустақиллик, мослашувчанлик, креативлик (ижодийлик), маҳоратлилик, оперативлик, инновацион ғояларни қўллаш, мақсадли қарор қабул қилиш сингари қатор касбий муҳим сифатлари – қобилиятлари ва реал таълимий тажрибаларида ижобий таъсир кўрсатади.

Хулосалар. Муаллифлар кўп йиллик педагогик тажрибаларга ва ушбу тадқиқот натижаларига таяниб, *"компетенциявий ёндашув талаблари асосида касбий-техникавий таълимни тизимли ташкил этиш ва олиб бориш мақсадида, энг аввало, шахсга йўналтирилган таълимни жорий этиш баробарида таянч малака ва компетенциялар ривожига эришиш мумкин*"лигини эътироф этадилар.

Шунингдек, кўпгина техник адабиётлар сингари *"Материаллар қаршилиги" фанидан ҳам янги авлод дарсликлари яратишда бевосита талаба фаолиятига алоқадор бўлган компетенциялар тўлақонли, тизимли, аниқ кўрсатилмоғи ҳамда касбий-техникавий таълим педагоглари компетенциявий ёндашувнинг муҳимлигига эътиборли бўлишлиги"*ни ўта зарурий ҳол, деб ҳисоблайдилар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори. – Т.: / "Халқ сўзи", 2017.

2. Nabiyev A. Materiallar qarshiligi (nazariyalar va masalalar). Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashr. –T.: "Navro'z" 2019, 412-b.

РЕЗЮМЕ

Мақолада иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланаётган, глобаллашаётган бугунги ахборотлашган жамиятда таълим назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашув доирасида рақобатга қодир муҳандис кадрлар фаолиятига қўйилаётган замонавий талаблар баён этилмоқда. Шунингдек, "Материаллар қаршилиги" фанида эгалланиши кўзда тутилган компетенциявий ёндашув (модуль)нинг шакл ва мазмунлари ёритилмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье излагаются современные требования, предъявляемые к деятельности инженеров быть конкурентноспособными в сегодняшнем глобализационно-информационном обществе, при развивающейся быстрыми темпами экономике в рамках компетентного подхода к практике и теории образования. Также освещаются формы и содержание компетентных подходов (модулей) по предмету "Сопротивление материалов".

SUMMARY

This article sets out modern requirements for competitive engineering and technical personnel in the framework of a competency-based approach to the theory and practice of education in the modern information economy in the world. It also explains the forms and content of the competency-based approach (module), in the course "Material Resistance".

КОНУССИМОН УЗАТМАЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ МУАММОЛАРИ

А.Н.Набиев - *техника фанлари номзоди, профессор*
Тошкент кимё технология институти
К.А.Каримов - *техника фанлари доктори, профессор*
Б.Т.Каримов – *катта ўқитувчи*
Тошкент давлат техника университети

Таянч сўзлар: касбий-техникавий таълим, назария ва амалиёт яхлитлиги, дидактика, инновацион ёндашув, рақобатбардошлик, компетентлик,контакт кучланишлар, мустакамлик.

Ключевые слова: профессионально-техническое образование, единство теории и практики, дидактика, инновационный подход, конкурентоспособность, компетентность,контактные напряжение,прочность.

Key words: Vocational education, unity of theory and practice, didactics, innovative approach, competitiveness, competence, contact stress, strength.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги ПФ-5847-сонли Фармонининг "Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар" номли иккинчи бобида "Амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналти-рилмаган"лиги алоҳида таъкидланган [1].

Шунингдек, амалдаги автомобилсозлик ва тракторсозлик йўналишлари учун ДТСда бакалавр академик даражасида таълим олаётган талабаларни касбий тайёрлаш жараёнида уларга лойиҳаланган машина узатмаларининг ишлаш лаёқатини лойиҳа ва текширув ҳисобларини бажариш йўли билан таъминлаш талаблари қатъий белгиланган [9]. Шунга кўра касбий-техникавий таълимда назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлашда инновацион ечимлар олиш ўта долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Мазкур муаммо компетенциявий ёндашув талаблари доирасида таҳлилий ўрганилганда хорижда М.Иванов, С.Чернявский ва юртимизда И.Сулаймонов, Ш.Шообидов, М.Курганбеков, А.Мойдинов сингари педагог-олимлар яратган ўқув адабиётлари гарчи таълимда кенг қўлланилаётган бўлсада, малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифати-самарадорлигини оширишга қаратилган янги инновацион ва педагогик технологияларни жорий этиш суръатини янада кучайтириш мақсадида ушбу дарслик-ўқув қўлланмалар негизида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминловчи дидактик ўқув-билув материаллари яратиш ва уларни амалиётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Негаки, талаба фақат маъруза машғулотларидагина эмас, балки амалий- лаборатория машғулотларида ҳам гўёки янги ўқув-билув материалларига дуч келмоқда.

Мазкур муаммога методологик нуқтаи назардан ёндашилганда, тадқиқот мавзуи бўйича педагогик ва методик адабиётлар, шунингдек олий техника таълими муассасалари ва алоҳида профессор-ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, конструктор фаолияти мазмуни билан ҳамоҳанг ҳолда яратувчанлик, ихтирочилик қобилиятларига эга илғор ишчи ва муҳандис-техник ходимларнинг ижодий меҳнати усуллари таҳлилларидан фойдаланилган.

Бугунги кун саноатининг ривожини таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси нуқтаи назардан баҳоласак, албатта мухандис кадрлардан талаб этилаётган мукаммалликка эришишда олий таълим муассасаларида касбий тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш баробарида сифат ва самарадорликни юқори босқичга чиқариш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида инновацион ёндашган ҳолда таълимнинг юқори самара берувчи янги педагогик технологиялар ва дидактик ўқув материаллари асосидаги назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда таълим шакли, метод ва усулларини замонавийлаштириш ва ўқув жараёнига жорий этишни тақозо этади.

Қайси йўсинда касбий-техникавий таълимда назария ва амалиёт ўртасидаги алоқани рефлексив топшириқлар ёрдамида кучайтириш ва мустаҳкамлаш масаласи азалдан бош муаммо бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда [11].

Таъкидлаш ўринлики, “Машина деталлари”, “Техник механика” ва Амалий механика” фанларидан рефлексив топшириқ сифатида курс иши ёки лойиҳасини бажаришда талабалар конуссимон узатмаларни лойиҳалашда муайян катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Хусусан, умумтаълим ва умумтехник фанлардан олган билимларини амалда мустақил қўллаш, курс лойиҳасини бажаришда мустақил қарорлар қабул қилиш ва фикрлаш, соҳадаги стандартлар ва мавжуд конструкцияларга таянган ҳолда масалага тўғри ечим топиш, адабиётлардан тўғри фойдаланиш кўникмаларининг етарли эмаслигидир. Бундай камчилик ва муаммоларнинг пайдо бўлиши заминида, табиийки, навбатдаги муаммолар вужудга келади.

Дарвоқе, Концепциянинг Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар номли иккинчи бобида “Талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган”лиги танқид остига олинганлиги ҳам айни муддаодир.

Бу эса албатта таълим-тарбия савиясини юқорисифат даражасига кўтарувчи ва ёшларни мустақил ҳаётий касбий фаолиятга тайёрловчи замин ҳисобланган назария ва амалиёт уйғунлигидаги дидактик материалларнизудликда ишлаб чиқиш ва жорий этишни талаб этади.

Ўтказилган тадқиқотларимиз шуни тасдиқлайдики, айниқса “Машина деталлари” фанидаги назарий таълим дарсликлари билан амалий адабиётлар орасида уйғунлик тўлақонли таъминланмаган.

Сир эмаски, конуссимон узатмаларнинг геометрик ўлчамлари цилиндрсимон узатмаларникига нисбатан анча мураккаб, чунки унда ташқи, ички ва ўрта ён кесимлар бўйича ўлчамлар мавжуд. Бу ўлчамлар азалдан таълим олувчиларга қулайлик келтириш мақсадида битта катталик учун айнан бир хил ҳарф билан белгиланиб, фақат индекслари билан фарқланади, холос. Ташқи ён кесим ўлчамлари индексига е, ўрта кесимда эсаmҳарфи қўйилади:R_e –ташқи, R_m –ўрта конуслик масофалари. Ташқи ён ўлчамлар ўлчашга қулай бўлганлиги учун чизмаларда шу ўлчамлар кўрсатилади, ўрта кесимдаги ўлчамлардан куч ҳисобларида фойдаланилади. Асосий муаммолардан бири шундаки, барча назарий адабиётларда ташқи ва ўрта конуслик масофаси, бўлувчи диаметр ва айлана модулларнинг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатиш билан чекланилган, холос.

Конуссимон узатманинг лойиҳа ҳисобини бажаришда аниқланиши зарур бўлган асосий геометрик ўлчамлари:ташқи айлана модули m_e, ташқи конуслик масофаси R_e, тиш узунлиги b, шестернянинг ташқи бўлувчи диаметриd_{e1}, ўрта бўлувчи диаметри d_1, ғилдирак ва шестернянинг ташқи айланаси диаметрлари d_{ae1} ва d_{ae2}, ўрта айлана модуль m, ўрта диаметр бўйича шестерня кенглиги коэффициенти ψ_{bd}ва шу каби асосий геометрик ўлчамларни ҳисоблаш формулалари ва ҳисоблаш методикаси амалдаги [2, 3, 4, 5] назарий адабиётларнинг ҳеч бирида келтирилмаган. Бу эса фанни ўзлаштиришга тўсқинлик қиладиган иккинчи муаммодир.

Ҳатто,назарий адабиётларда келтирилган узатмани контакт σ_H, ва эгувчи σ_F,кучланишлар бўйича мустаҳкамликка текшириш формулалари ҳисоблаш методикасига боғланмаган – бу учинчи муаммо.

Аниқроғи, назарий жиҳатдан умумий ҳолда келтириб чиқарилган аксарият формулалар бевосита амалий ҳисоблаш-лойиҳалашда қўллашга мослаб ёзилмаган. Бу ҳам етмаганидек, улар турли адабиётларда турлича изоҳланмоқда, яъни фан кўп йиллик ривожланиш тарихига эга бўлса-да, методологик нуқтаи назардан тизимлаштирилмаган, ягона белгилаш амалиёти мавжуд эмас ва ҳоказо.

Оқибатда, ўзлаштиришда чалкашлик ва қийинчиликлар сезилиб, талаба ва ҳатто ёш педагогларда ҳам психологик ноқулайликлар пайдо қилмоқда.Масалан,назарий адабиёт [2]да конуссимон узатманинг контакт кучланиши $\sigma_н$бўйича мустаҳкамликка текшириш формуласи қуйидаги

$$\sigma_H = Z_H Z_M Z_\varepsilon \sqrt{\frac{\omega_{Ht}\sqrt{u^2+1}}{0{,}85 d_{m1} u}} \le \sigma_{HP}$$

назарий адабиёт [3, 5]ларда

$$\sigma_H = 1{,}18 \sqrt{\frac{E_{\text{кел}} T_1 K_H}{\vartheta_H d_{m1}^2 b \sin 2\alpha}\left(\frac{\sqrt{u^2+1}}{u}\right)} \le [\sigma_H]$$

назарий адабиёт [4] да эса

$$\sigma_H = 1{,}18 \sqrt{\frac{E_{\text{кел}} T_1 K_H}{Q_H d_{m1}^2 b \sin 2\alpha}\left(\frac{\sqrt{u^2+1}}{u}\right)} \le [\sigma_H]$$

кўринишида берилган.

Худди шундай, конуссимон ғилдирак ташқи айланаси диаметри d_{e2} қийматини аниқлаш формуласи [3, 5] назарий адабиётларда

$$d_{e2} = 1{,}7 \sqrt[3]{\frac{E_{\text{кел}} T_2 u K_{H\beta}}{\vartheta_H [\sigma_H]^2 (1-K_{be}) K_{be}}},$$

кўринишида, [4] назарий адабиётда

$$d_{e2} = 2{,}9 \sqrt[3]{\frac{E_{\text{кел}} T_2 u K_{H\beta}}{Q_H [\sigma_H]^2}},$$

шаклида, [2] назарий адабиётда эса формула конуссимон шестерня ташқи айланаси диаметрини ҳисоблашга мўлжалланган бўлиб, у

$$d_{m1} = K_d \sqrt[3]{\frac{T_1 K_{H\beta}\sqrt{u^2+1}}{0{,}85 \psi_{bd} \sigma_{HP}^2 u}}$$

тарзида берилган.

Афсуски, амалиётга мўлжалланган адабиёт[6]да эса конуссимон ғилдиракни контакт кучланишга текшириш формуласи қуйидагича кўринишда берилган:

$$\sigma_H = \frac{335}{R_e - 0{,}5b}\sqrt{\frac{T_2 K_H \sqrt{(u^2+1)^3}}{b u^2}} \le [\sigma_H].$$

Ёки, конуссимон ғилдирак диаметри d_2қийматини аниқлаш формуласи эса қуйидагича кўринишда ифодаланган:

$$d_{e2} = K_d \sqrt[3]{\frac{T_1 K_{H\beta} u}{[\sigma_H]^2 \left(1 - 0{,}5\psi_{bR_e}\right)^2 \psi_{bR_e}}}.$$

Бу борадаги илмий-методик қарашларни давом эттириш баробарида формула ёрдамида ҳисоблаб топилган натижа ва узатиш сони u амалдаги ГОСТ 12289-76 да келтирилган стандарт қатордан яхлитласа-да, аммо бу стандарт қаторлар [2, 3, 4, 5] назарий адабиётларнинг ҳеч бирида келтирилмаганлигига дуч келдик. Қолаверса, бу хақда кўпинча маъруза машғулотларида етарлича тушунчалар шакллантирилмаганлиги боис, талабаларда соҳадаги стандартларга таянган ҳолда масалага тўғри ечим топишда муаммолар туғилмоқда.

Конуссимон узатма тишларни контакт $K_H = K_{H\beta}K_{H\alpha}K_{Hv}$ва эгувчи $K_F = K_{F\beta}K_{Fv}$кучланишлар бўйича юкланиш коэффициенти уч ва икки кўпайтувчилардан ташкил топганлиги, уларнинг ҳар бири алоҳида формула ёки мураккаб графикавий усулда аниқланиши назарий адабиётларда кўрсатилган. Табиийки, бундай ёндашув амалиёт ёки мустақил таълим доирасида талабадан кўп вақт ва меҳнат талаб этади.

Барча илмий-методик таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, талабаларнинг лойиҳа ҳисобларини бажаришда чалғиш ёки иккиланиш каби ҳолатларни бартараф этиш ва стандартлардан унумли фойдаланиш кўникма-малакаларини такомиллаштириш мақсадида назарий ва амалий адабиётлар орасидаги уйғунликни таъминлашга йўналтирилган янги авлод ўқув адабиётларини яратиш долзарбдир.

Муаммога психологик нуқтаи назардан ёндашилса, “узундан узоқ” ҳисоблашларнинг кўп вақт ва мехнат талаб қилиши талабани зериктиради. Худди шу сингари бошқа коэффициентларни ҳам қайси жадвалдан қай услубда тез ва қулай топиш назарий адабиётларда тўлақонли баён этилмаганлиги айни пайтда назарий ва амалий таълим яхлитлигини таъминлаш зарурияти эътибор талаб муаммолигидан дарак бермоқда.

Назарий ва амалий ҳаракатлар ўртасидаги тўғри боғлиқликнинг бузилишига олиб келадиган хатолар ва қийинчиликларнинг барча турлари таълим бериш услубларининг номукаммаллиги билан боғлиқ [7].

Мазкур мақоладаги биринчи муаммони, яъни назария ва амалиёт уйғунлигини тўлақонли таъминлаш мақсадида:

а) конуссимон узатмаларни лойиҳалашда иккиланишларни бартараф этиш учун, узатманинг барча геометрик ўлчамларини амалий аниқлаш формулалари барча назарий адабиётларда айнан бир хилга келтириш;

б) лойиҳалаш жараёнидаги чалғишларни бартараф этиш мақсадида барча назарий ва амалий адабиётлардаги формулаларни уйғунлаштириш ва фойдаланишга қулай ҳолга келтириш;

в) амалий кўникмалар шаклланишини яхшилаш, вақт ва меҳнат сарфини камайтириш учун зарурий коэффициентлар қийматларини аниқлашнинг осон усуллари назарияда ҳам ўргатилиши;

г) Концепция режаларига таянган ҳолда кўпроқ амалий кўникмалар шаклланиш мақсади да конуссимон узатмаларни ҳисоблаш методикасини назарий ва амалий адабиётларда уйғунлаштириш ниҳоятда зарурдир.

Яна бир муаммоли жиҳатга диққатни жалб этамиз. Умумтаълим мактабларида ўқиш–бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашнинг олий таълимгача бўлган босқичи бўлиб, бунда табиий холда касбий билим ва кўникмага айланувчи кўплаб билим ва кўникмалар шаклланади [8].

Бундан кўринадики, талабалар умумтаълим ва улар асосида умумтехник фанлар асосларини яхши ўзлаштиришлари учун назария ва амалиёт уйғунлиги умумтаълим фанларида ҳам таъминланиши зарур.

Машина узатмаларини лойиҳалаш жараёнида ҳисоблаш-лойиҳалаш натижаларининг мукаммаллиги ва илмий асосланганлиги умумтаълим ва умумтехник фанларнинг назарий ва амалий таркибий қисмлари орасидаги ўзаро уйғунлик таъминланишида намоён бўлади.

Шу ўринда Концепциянинг тўртинчи боби – “Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар”да “... халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилади, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади”, дейилган. Албатта, бу амалий кўникмаларни шакллантириш долзарб муаммо эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Амалиёт билан боғланмаган билимлар, шак-шубҳасиз тезда Инсон хотирасидан кўтарилади. Шунинг учун ҳам педагиканинг муҳим тамойилларидан бири – “назариянинг амалиёт билан бирлиги”ни ўқув жараёнига тадбиқ этиш зарурати муҳим аҳамият касб этмоқда [10].

Компетенциявий ёндашув талаблари доирасида малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифати-самарадорлигини оширишга йўналтирилган иккинчи муаммони бартараф этишга йўналтирилган илмий ғояларимиз:

а) олинган барча билимларни амалда қўллай билиш кўникмалари шаклланишини такомиллаштириш мақсадида назария ва амалиёт уйғунлигини барча умумтаълим, умумтехник ва махсусфанларда параллел равишда таъминлаш;

б) конуссимон узатмаларини лойиҳалашда мустақил қарорлар қабул қилиш ва фикрлаш кўникмалари шаклланишини яхшилаш мақсадидабарча ўқув адабиётларидаги иккиланиш ва чалғишликларга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш;

в) соҳадаги стандартлар ва мавжуд конструкцияларга таянган ҳолда муҳандислик амалиёти юзасидан тўғри, оптимал ечим топиш кўникмаларини такомиллаштириш учун талабалар конуссимон узатмаларни лойиҳалаш жараёнида улардан ўринли фойдаланиб,ҳар бир параметрнинг мазмун-моҳиятларини тўлақонли англаб етишларини таъминлаш;

г) конуссимон узатмаларни лойиҳалашда адабиётлардан тўғри фойдаланиш кўникма-малакаларни компетенциявий ёндашув етарли даражада шакллантиришдаталабалар томонидан лойиҳалаштириш жараёнида энг биринчи кўмакдош ва маслаҳатдош эканлигини, яъни техник адабиётлар мисолида китобхонликни кучайтириш ҳам давр талабига мос эканлигини унутмасликни тақозо этади.

Натижа ва мулоҳазалар.

1. Конуссимон узатмаларни лойиҳалашдаги муаммолар амалдаги техник адабиётлар негизида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлай оладиган дидактик ўқув материалларини зудликда ишлаб чиқиш ва таълимга қўллаш билан ўз ечимини топади.

2. Барча махсус фанлар умумтаълим ва умумтехник фанлар негизида шаклланишидан келиб чиқиб, бакалавр академик даражасида муҳандислик билим, кўникма-малакалар ва тегишли компетенциялар шакллантирилиши учун асосий эътибор фақатгина умумтехник ва махсус фанларга қаратилмаслиги, балки улар умумтаълим фанлари асосларини ўрганиш жараёнидан бошлаб амалга оширилиши лозим, акс ҳолда таълимда узлуксизлик талаблари вертикал йўналишда таъминланмайди.

Хулосалар. Талабаларнинг конуссимон узатмаларни лойиҳалашдаги конструкторлик компетенциялари, креатив фикрлашлари, интеллектуал салоҳиятлари сингари шахсий фазилатларини янади тизимли шакллантириш мақсадида:

- назария ва амалиёт уйғунлиги бирлиги ва ниҳоят яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган дидактик ўқув материаллари ишлаб чиқиш ва уларни таълимга жорий этиш;
- илғор хорижий олий таълим муассасалари тажрибасидан ўринли фойдаланиш; назарийлашган таълим тизимидан зарурий кўникма-малакалар шакллантиришга йўналтирилган амалий таълим тизимига ўтиш зарур.

Зеро, таълимда назария ва амалиёт уйғунлиги, бирлиги ва ниҳоят яхлитлигини таъминлашга қаратилган дидактик тамойил амалдаги Концепция талабларига мос келувчи илмий-таълимий ёндашув ҳисобланиб, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилгандир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. –Т.: / “Халқ сўзи”, 2019 йил 9 октябрь, №209(7439).
2. Сулаймонов И. Машина деталлари. Дарслик. –Т.: “Ўқитувчи”, 1981, 303-б.
3. Иванов М., Финогенов В. Детали машин. –М.: “Высшая школа”, 2000, -С.383.
4. Shoomidov Sh.A. Mashina detallari. Darslik. -T.: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashrieoti, 2014, 444-б.
5. M. Kurganbekov, A. Moydinov. Mashina detallari // O`quv qo`llanma. I va II qismlar. –T.: “Fan va texnologiya”, 2015, 384-б.
6. Чернавский С.А. и др. Курсовое проектирование деталей машин. -М.: “Машиностроение”, 1988, -С.415.
7. Кудрявцев Т.В. Психология технического мышления. Процесс способы решения технических задач. –М.: “Педагогика”, 1975, -С. 179, 304.
8. Непрерывное профессиональное образование: теория и практика: Сборник статей. Под общей редакцией д-ра пед. наук, профессора Э.Г.Скибицкого. –Новосибирск: 2014.САФБД-423. – С.149, 153.
9. Автомобилсозлик ва тракторсозлик бакалаврят таълим йўналишлари давлат стандарти. –Т.: Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2014 йил 10 мартдаги 84-сонли буйруғи. 12, 40-б.
10. Бектемирова Р.И. Педагогический принцип связи теории с практикой и его реализация в школьном обучении: на примере математики.Дис.канд. пед. наук. –Владикавказ: 2007, -С. 11, 322.
11. Lily Orland-Barak, Hayuta Yinon. “When theory meets practice: What student teachers learn from guided reflection on their own classroom discourse” Teaching and Teacher Education 23 (2007) 957–969.

РЕЗЮМЕ

Мақолада малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнида конуссимон узатмаларни лойиҳалаш назарияси ва амалиёти уйғунлигини таъминлашда инновацион ечимлар олиш долзарблиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье излагается актуальность получения инновационных результатов при проектировании конических передач, обеспечивающие сообразности теории и практики в процессе подготовки квалифицированных, конкурентоспособных кадров.

SUMMARY

The article outlines the relevance of obtaining innovative results in the design of bevel gears, ensuring the consistency of theory and practice in the process of training qualified, competitive personnel.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

О.А.Ғаниев – *ўқитувчи*

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: модулли ўқитиш, компетенция, компетенциявий ёндашув, дидактик мақсад, таълим мазмуни, ECTS, таълим воситалари, ҳажм.

Ключевые слова: модульное обучение, компетенция, компетенционный подход, дидактическая цель, содержание обучения, ECTS, средства обучения, объём.

Key words: Moodle education, competence, competence approach, didactic aim, content of education, ECTS, educational means,volume.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлиги таъкидлаб ўтилган [1]. Жумладан, амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаганлиги, талабаларда танқидий фикрлаш кўникмалари етарли эмаслиги, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаганлиги, илғор хорижий тажрибадан самарали фойдаланилмаётганлиги, олий таълим муассасаларида таълим сифати халқаро талабларга жавоб бермаётганлиги кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Айни пайтда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш борасида энг устувор йўналишлар қаторида олий таълим муассасаларида ўқув режаларни кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш, индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни – компетенцияларни шакллантиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Республикамиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар пировард натижада жаҳон стандартларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, олий таълим муассасаларида таълим сифатининг халқаро эътироф этилишига эришишдан иборат.

Кредит-модуль тизими – бу модуль таълим технологиялари ва таълим олувчиларнинг модуль мазмунини ўзлаштириши учун зарур бўлган ўқув юкламасини ўлчаш бирлиги сифатидаги кредитлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш моделидир. Кредит-модуль тизимида унинг иккита жиҳатига эътибор қаратилади: 1) таълим олувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш; 2) ўқув жараёнида кредит-модуль тизими ва таълим олувчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолашнинг шаффоф тизимини жорий этиш.

Ўтган асрнинг 60-йилларида модулли ўқитиш аввало АҚШ, Буюк Британия ва Канадада кенг ёйила бошлади. ЮНЕСКОнинг 1972 йилда Токиода ўтказилган халқаро конференциясида модуль тизими узлуксиз таълим тизимининг (катталар таълими) энг самарали тармоғи сифатида тавсия қилинган эди. Кейинчалик бу нафақат катталар, балки ўқувчи-ёшлар таълимида ҳам кенг тарқалди.

Ўқув жараёнини модулли ёндашув асосида ташкил этиш орқали таълим сифатини таъминлаш, таълим натижаларининг ўзаро тан олинишига ҳамда талабалар мобиллигига эришиш борасида Болонья жараёни иштирокчиларидан Франция, Дания, Швеция, Буюк

Британия каби Европа давлатлари, Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина, Қозоғистон Республикаси каби МДҲ мамлакатлари ўз таълим тизимида бугунги кунда юқори натижаларга эришмоқда.

Илмий-услубий адабиётларда модуль, кредит ва компетенциялар яхлит бир тизимнинг ўзаро чамбарчас боғланган ҳамда бири иккинчисини тўлдириб турувчи компонентлари сифатида талқин этилади. Кредит-модуль тизими асосида ўқув жараёнини ташкил этиш компетенциявий ёндашувни талаб этади.

Модулли ўқитишда модуль тушунчаси марказий категориялардан биридир. Адабиётларда модуль тушунчаси моҳияти, таълим мазмунини модуллар асосида ташкил этиш, модулли таълим шакл ва методларини ишлаб чиқиш борасида турлича ёндашувларни учратиш мумкин.

Модулли ўқитиш ғояси Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари S.Posilethwait, B.Goldshmid, M.Goidshmid ва J.Russel томонидан Европа давлатларининг энг прогрессив ва самарали таълим тизимлари асосида “таълим мазмуни бирликлари” концепциясининг яратилиши билан боғлиқ равишда пайдо бўлган. Модулли ўқитишнинг биринчи вариантлари сифатида Америка мактабларида кунни модулларга бўлиш, немисларнинг ўқув материалларини дастурий бирликларга ажратиши кабилар эътироф этилади. Педагогик технологиялар соҳасида жаҳон тажрибаси таҳлили кўрсатадики, модулли таълим технологиялари бугунги кунда Европа ва АҚШ олий таълим тизимида кенг қўлланилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, модулларда ҳамма нарса ўлчанади ва баҳоланади: топшириқлар, машғулотларда иштирок этиш, таълим олувчиларнинг бошланғич, оралиқ ва якуний даражалари. Модулда таълим мақсадлари, модулни ўрганиш вазифалари ва даражалари, кўникма ва малакалар аниқ белгилаб қўйилади.

Биринчи навбатда, умумий дидактик мақсад (УДМ) қўйилади. УДМ асосида бирлаштирувчи дидактик мақсадлар (БДМ) шакллантирилади, кейин эса модуллар яратилади (М). БДМнинг амалга оширилиши натижасида УДМга эришилади. Ўз навбатида БДМ дидактик мақсадларни (ДМ) ҳамда хусусий дидактик мақсадларни (ХДМ) шакллантириш имкониятини беради ва улар асосида ўқув элементлари (ЎЭ) белгиланади. Шундай қилиб, модулли дастур (МД) мақсадлар иерархияси асосида қурилади. Модулли таълим таркибини мақсадларга йўналтирилганлик жиҳатидан қуйидаги расмда келтирилган схема кўринишида ифода этиш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўқитишнинг модулли тизими таркибида мақсадларни аниқлаш

Шундай қилиб, модулли ўқитиш ўқув жараёнини ва таълим мазмунини лойиҳалаштиришни тақозо этиб, натижада аниқ дидактик мақсадлар йиғиндиси белгилаб олинади, уларга эришишни назорат қилувчи мос тизим ишлаб чиқилади, шунингдек, таълим олувчига мўлжалланган инструкциялар, иллюстрациялар, методик кўрсатмалар билан таъминланган зарурий ўқув-услубий қўлланмалар тақдим этилади. Назорат тизимининг (кириш, жорий, оралиқ ва якуний) мавжудлиги педагогик жараённинг бориши тўғрисида ўз вақтида маълумот олиш ва зарур коррекцион ишларни амалга ошириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида режалаштирилган натижага эришишни ҳамда ўқитувчи фаолиятини оқилона ташкил этиш имкониятини яратади.

Модуль таълимининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири таълим олувчи таълим жараёнини ташкил этишда таълим берувчи билан бир хил ушбу жараённинг субъекти сифатида иштирок этишидадир. Айрим илмий педагогик адабиётларда модулли таълимнинг тизимлилик, бошқаларида унинг фаолиятли хусусиятлари кўрсатиб ўтилган [2].

Биз ўз тадқиқотларимизда модулли таълимни педагогик технология сифатида талқин этувчи ёндашувлар мақсадга мувофиқ эканлигини қўллаб-қуватлаймиз. Педагогик технология сифатида модулли таълим ўзида мақсадга мувофиқлик, натижадорлик, тежамкорлик, алгоритмлилик, лойиҳавийлик, яхлитлик, бошқарувчанлик, коррекциялаш ва кузатиш имкониятининг мавжудлиги каби барча хусусиятларни мужассам этади [3].

Г.Селевконинг педагогик технологиялар таснифида модулли ўқитиш дастурлаштирилган таълим турига, И.Сенновский ва П.Третьяковлар – шахсни ривожлантирувчи таълимга, М.Чошанов бўйича муаммоли таълим турига киритилади. Модулли ўқитиш айрим тадқиқотчилар томонидан инновацион таълим турларидан бири сифатида талқин этилиб, унинг блок-модулли, модуль-рейтинг, модулли-контекстли турлари ажратиб кўрсатилади [4].

Дунёнинг турли мамлакатларида ўтган давр мобайнида таълим жараёнида кредит технологияларининг ҳар хил вариантларидан фойдаланиб келинмоқда. Улар ичида Европанинг (European Credit Accumulation – ECA), Британиянинг (Credit Accumulation and Transfer System – CATS), АҚШнинг (US Credit System – USCS)лар алоҳида ажралиб туради. Охирги йилларда халқаро жамоатчилик ва мутахассислар томонидан айнан Кредитларни тўплаш ва кўчириш бўйича Европа тизими, яъни ECTS эътироф этилмоқда [5].

2000 йилларга келиб ECTS Европанинг ўттиздан ортиқ давлатларида минглаб олий таълим муассасаларида кенг жорий этилган. Европа давлатлари тажрибаси кредит тизими инновацион таълим дастурларини компетенциявий ва модулли ёндашувлар асосида яратиш борасида энг самарали тизимлардан бири эканлигини исботлади.

Ушбу тизимнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташласак, у Болонья жараёнигача, яъни 1989 йилдаги Европа олий таълим муассасаларида ўзаро ўқитувчи ва талабалар алмашинувини амалга оширишга мўлжалланган «ERASMUS» дастури доирасида пайдо бўлган. Биринчи навбатда, ушбу тизимнинг моҳияти олий таълим муассасалари раҳбариятига ўз талабаларининг хорижда олган таълим натижаларини таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларда юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштиришга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш сифатини таъминлаш борасидаги бугунги олиб борилаётган тадбирлар ўқитишнинг инновацион методлари ва усулларини жорий этиш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг ривожланган мамлакатларда самарадорлиги синовдан ўтган шаклларини татбиқ этиш, янги таълим воситаларидан ўқув жараёнида кенг фойдаланиш каби йўналишларда олиб борилмоқда.

Кредит технологияси – бу қатъий регламентлаштирилган ўқув жараёни доирасида таълим траекторияларини танлаш ва индивидуаллаштириш асосида билим, кўникма ва малакаларни мустақил ва ижодий эгаллаш даражаларини оширадиган ҳамда билим ҳажмини кредитлар кўринишида белгилашга мўлжалланган таълим технологиясидир.

Кредит тизимига асосланган ўқув жараёнида таълим олувчи ва таълим берувчи позициялари ҳам ўзгаради. Талаба пассив қабул қилувчи позициясидан ўқув жараёнининг фаол қатнашчисига айланади. Айни пайтда ўқитувчи роли ҳам кескин ўзгариб, у нафақат ахборот узатувчи, балки талабага ахборотни излаб топиш, уни қайта ишлаш, олган янги билимларни амалиётда қўллашда ёрдам берувчи вазифаларини бажаради.

Кредит технологиясига кўра ҳар бир ўқув фани бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ ва бири иккинчисидан келиб чиқадиган муаммолар йиғиндиси сифатида ўрганиш учун тақдим этилади, ушбу муаммолар талабалар томонидан мустақил ўрганиб чиқилиши назарда тутилади. Ушбу технологияни қўллаш ўқитувчиларнинг талабалар гуруҳи билан аудитория машғулотлари ҳажмини кескин камайтиришни талаб этади, айни вақтда талабаларнинг мустақил фаолиятига ажратиладиган соатлар сони ҳамда ўқитувчилар билан индивидуал ишлаш ҳажми ортади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига 1-илова. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 9 октябрь "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 14 октябрь, 41-сон, 765-модда.

2. Анализ проблем и перспектив интеграции российской высшей школы в общеевропейское пространство высшего социально-экономического образования: проект Исследование ГУ-ВШЭ [Электронный ресурс] (http://new.hse.ru/sites/projects/bol/text/bolon_process_attachment.pdf).

3. Козырев В.А. Высшее образование России в зеркале Болонского процесса: науч.-метод. пособие для пед. работников вузов / В.А.Козырев, Н.Л.Шубина; Рос. пед. ун-т им. А.И. Герцена. СПб., 2005, –С.429.

4. Астахова Е.В. Активизация самостоятельной учебной работы студентов технического университета в модульно-рейтинговом обучении: дисс… канд. пед. наук / Е.В.Астахова. – Кемерово: 2005.

5. Абдыгаппарова С.Б. Основы кредитной системы обучения в Казахстане. / С.Б.Абдыгаппарова, Г.К.Ахметова, С.Р.Ибатуллин.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Республикамиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жаҳон стандартларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, олий таълим муассасаларида таълим сифатининг халқаро эътироф этилишига эришишнинг баъзи томонлари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена первоначальная степень подготовки кадров, отвечающих мировым стандартам в процессе реформ системы высшего образование. Приводятся примеры достижений признанных в мировом масштабе в образовательных упреждениях.

SUMMARY

The article deals with the issues of training personal meeting the reguirements of world standards in the process of reforms of higher education system. Some achievements reconized on a global scall in educational institutions ase given.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.М.Ҳамдамова – *таянч докторант*

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: ижодкорлик, қизиқиш, қобилият, дизайн, лойиҳалаш, моделлаштириш.

Ключевые слова: креативность, интерес, умение, дизайн, проектирование, моделирование.

Key words: creativity, interest, skill, design, projecting, modeling.

Республикамиз таълим муассасаларида замонавий ишлаб чиқариш, фан-техника ва жамият тараққиётининг асосий йўналишлари тўғрисидаги ютуқлардан таълим жараёнида кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий асослари ҳамда фан-техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, умумтаълим мактабларида политехник таълимни амалга ошириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда умумтаълим мактабларида ривожланган тафаккур ва кенг тажрибага эга бўлган ўқувчилар таҳсил олмоқда. Бугунги кун ўқувчилари замонавий компьютерлар, смартфон ва бошқа турли қурилмалардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиб, улар ўзларининг салоҳиятини оширишда Интернет ва бошқа инновацион техника-технологиялардан кенг фойдаланмоқдалар [4:171]. Ўқитувчилар таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттиришга, салоҳиятини ривожлантиришга, мустақил ижодий ишлаш кўникмаларининг шаклланишига, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар.

Ижодкорликка бўлган эҳтиёж психофизиологик жиҳатдан қаралганда бир нечта босқичларда ривожланади. Булардан биринчиси ҳавас – эҳтиёжининг энг содда шакли бўлиб, инсон томонидан онгли бошқарилади. Иккинчиси нисбатан юқорироқ ривожланиш босқичи бўлган хоҳиш ҳам инсон томонидан онгли бошқарилиб, у шахснинг маълум буюм ёки ҳодисага нисбатан муносабатлари мажмуасини ифодалайди. Учинчиси, энг мураккаб босқич бўлган қизиқиш хоҳиши ва у боғлиқ бўлган тушунчалар асосида юзага келади. Қизиқиш ҳаётдаги ташқи таъсирлар, шахс фаолияти ҳамда таълим-тарбия жараёни таъсирида шаклланиб боради [1:82]. Бу ҳолатлар психологик омиллар – диққат, идрок, тушунча хотира, фикрлаш, сезги ва ирода хислатларига сезиларли таъсир кўрсатиб, ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Қобилиятлар фаолият муваффақиятини белгилаб беради. Фаолият муваффақияти бу ишни амалга ошириш, у билан шуғулланиш истагини келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, қобилиятлар аниқ бир фаолият билан шуғулланишда иштирок этадилар, кўп ҳолларда эса мотивация шаклланишига туртки бўладилар. Фаолият давомида муваффақиятга эришиш мотивацияни мустаҳкамлайди, маълумки, такрорланувчи мотив, матонатли хатти-ҳаракатлар шаклида, характерга, инсон шахсий хусусиятига айланади. Шундай қилиб, шахсий хусусиятлар ва қобилиятлар бир-бирини тўлдиради, бунда улар ҳам, бошқалар ҳам мотивация, билим ва малака билан фаолиятда ва ўзини тутишда ўзаро муносабатда бўлади [2:23].

Ўқувчиларнинг техник қобилиятларининг ривожланиши мактаб давридан бошланади ва у таълим жараёнининг турли бўғинларида ривожланиб боради ва олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган даврда давом этиб, техник касбларни эгаллаган даврда яққол намоён бўлади. Асосийси, мактабда ҳар бир ўқувчининг тўғри танловини амалга оширишига ёрдам бериш лозим. Ўқувчининг қизиқиш ва қобилиятини инобатга олиб ўқитувчи унга айнан қайси йўналишни танлашига кўмаклашиши зарур, бу ўқувчиларнинг нафақат махсус қобилиятлари ва балки, уларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Мактабда физика, кимё, технология дарсларида ўқувчиларнинг техник қобилиятларини ривожлантиришга йўналтиришни дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ривожлантириш мумкин. Техника билан шуғулланишга бўлган ўқувчиларнинг қизиқиши, истаги ва мойиллиги уларнинг техник касблар билан боғлиқ касбий мақсадларини аниқлаб беради [3:11]. Шунингдек, физикадан дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг техник кўникмаларини ривожлантириш методик тизими модели таркибий қисми ўз ичига ўзаро боғланган икки тўлдирувчи мақсадларни олади: 1) ўқувчиларнинг техник кўникмаларини ривожлантириш билим, малака ва шахсий хусусиятларни шакллантиришни назарда тутади; 2) мактаб ўқувчилари орасидан техник мутахассисликларни танлашга тайёрлаш таълим йўналиши ва унда таълим олувчиларни муваффақиятли ўқишга йўналтириш лозим бўлади.

Ҳар қандай муаммони ҳал қилишни кишилар икки йўл билан амалга оширишлари мумкин.

1) аниқ стандарт ечимлар, умумий қабул қилинган схемаларни (бошқарув даражасини) қўллаш орқали;

2) мақсадга эришиш учун янги усулни ихтиро қилиш (яратиш, лойиҳалаш) ёки қурилишнинг барча элементларини янги, ўзига хос усулда (ижодий даража) амалга ошириш.

Ижод тушунчасига турли хил ёндашувлар мавжуд. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги нарсани юзага келтирадиган ва ўзига хослиги ҳамда ижтимоий-тарихий ўзига хослиги билан ажралиб турадиган фаолият тури ҳисобланади. Ижодкорлик жараёни ҳар доим босқичма-босқич амалга оширилади ва қуйидаги тартибларни ўз ичига олади:

1) фикрнинг зиддияти, яратилиши ва асосланишидан хабардор бўлиш;

2) топшириқларни техник жиҳатдан ишлаб чиқиш ва у бўйича амалий ишлар бажариш;

3) ишда объектни синаб кўриш ва ижодий қарор натижасини баҳолаш.

Ўқувчилар ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишда икки ўзаро боғлиқ вазифани эътиборга олиш лозим. Уларнинг биринчиси – ўқувчилар ижодкорлик фаолиятида мустақил фикрлашни ривожлантириш, билим эгаллашдаги интилувчанлиги, илмий дунёқарашини шакллантирилиши билан; иккинчиси – ўзлаштирилган билимларни таълимда ва амалий фаолиятда мустақил қўллай олишга ўргатиш билан белгиланади. Ижодкорлик ўқувчилар эгаллаётган билимларнинг мустаҳкамлиги ва мукаммаллигини таъминлаш, уларда фаол ва мустақил фикрловчи шахс хислатларини шакллантириш, ақлий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи фаолият тури ҳисобланади.

Катталарнинг ижодий фаолияти кўпинча объектив ва ижтимоий кўринишдаги янгиликларни кашф этиш билан тугалланса, ўқувчилардаги бундай ижодий фаолият натижалари кўпинча субъектив ҳамда хусусий кўринишдаги янгиликларни яратиш билан ниҳоясига етади. Шуни алоҳида таъкидлаш зурурки, айрим ҳолларда ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ҳам объектив янгиликларни яратиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунга кўра болалардаги, яъни ўқувчилардаги ижодкорлик қобилиятини шартли равишда уч хил даражага бўлиш мумкин:

1-даража – *қуйи даража*. Бунда ўқувчилар томонидан топиладиган янгиликлар асосан субъектив кўринишда бўлади. Яъни бунда ўқувчилар илгаридан маълум бўлган янгиликларни бошқатдан "кашф" этадилар. Натижада, бу янгилик фақат шу ўқувчининг ўзи учунгина янгилик бўлади. Бироқ бу жараён ҳам осон кечмайди. Мазкур жараёнда ҳам ўқувчи кучли психологик ҳолатларни – масала моҳиятини тушуниш, англаш, тасаввур этиш, масала ечимини қидириш, айрим ечимларни таққослаш каби жараёнларни бошидан кечиради [1:93]. Шу сабабли, гарчи, натижа илгаридан маълум бўлса ҳам, айнан шу натижага келишнинг ўзиёқ ўқувчида келгусида уни объектив ижодий фаолиятга ўтиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

2-даража – *ўрта даража*. Бунда ўқувчилар томонидан топилган янгиликлар ҳам субъектив, ҳам объектив кўринишларда бўлади. Яъни, бу даражага эришган ўқувчиларда янгилик яратиш усулларини бир мунча яхши эгаллаганлик, янгилик яратиш соҳасида бир мунча тажрибалар тўпланган ҳолатларини кузатиш мумкин [1:94]. Шу даражага эришган ўқувчиларга келгусида яхши эътибор берилса, уларнинг ижодкорлик қобилиятлари янада ривожлантирилса – улар айрим қийинчиликларни енгиб ўтиб, учинчи, яъни энг юқори даражага чиқа оладилар.

3-даража – *юқори даража*. Бунда ўқувчиларнинг топган янгиликлари асосан объектив кўринишида бўлади. Бироқ бу даражага эришиш осон эмас. Бунинг учун аввало ўқувчининг ўзида интилиш, қизиқиш бўлиши, ўқитувчи эса буни ўз вақтида пайқай олиши ҳамда ўқувчининг ижодкорлик қобилиятини ўстириш тадбирларини амалга ошириб бориши керак [1:94].

Ўқувчиларни ижодий фаолиятга жалб этиш бўйича асосий психологик-педагогик талабларни бажариш билан бирга бундай фаолиятнинг мазмунига қўйилган мақсадга ва ўқувчиларнинг ёшига мувофиқ методларни танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларни ижодкорлик қобилиятларини ривожлантиришнинг қатор самарадор методлари аниқланган, уларга қуйидагилар киради: Лойиҳалаш – лойиҳани ишлаб чиқиш ва асослаш. Лойиҳалаш натижаси – ишлаб чиқилаётган объектнинг лойиҳаси (матнлар, графиклар, чизмалар, ҳисоблар, моделлар ва бошқалар). Лойиҳалаш жараёни қуйидагича ифодаланиши мумкин: 1) илмий изланиш, муаммонинг энг яхши ечими; 2) топшириқ таърифи (асосланиши); 3) техник таклиф (олдиндан дизайн); 4) контур дизайни; 5) техник дизайн; 6) ишчи дизайн. Конструкциялаш – режалаштирилган объект (тизим) ва ишчи расмларни амалга оширишнинг батафсил схемасини ишлаб чиқиш. Биринчи навбатда дастлаб чизмалар ва ҳисоб-китоблар асосида прототип тайёрланади. Ишчи чизмалар ва техник ҳужжатлар уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун тузилади [5:42].

Буюмларни конструкциялаш, манипулятив конструкциялаш, маълумотлари қисқартирилган техник ҳужжатларни қўллаш, ижодий масалаларни ҳал қилиш, ижодий топшириқларни бажариш, илгари тайёрланган конструкцияларни ўзлаштириб, ишларни қайта бажариш, хаёлий эксперимент, техник воситалар (шу жумладан тренажёрлар, компьютер дастурлари)дан фойдаланиб камчиликларни тузатиш кабиларни ўз ичига олади.

Моделлаштириш – объектларни уларни моделлари бўйича ўрганиш, ҳақиқатдан мавжуд бўлган объектлар, жараёнлар ёки ҳодисаларнинг моделларини қуриш ва ўрганиш, бу ҳодисаларнинг изоҳларини олиш,

шунингдек, тадқиқотлар қизиқтирадиган ҳодисаларини башорат қилиш.

Моделлаштириш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- расмийлаштириш (моделлар дизайни ва конфигурацияси, моделлар тизимлари ва тизимлар моделлари);
- ўзини моделлаштириш (турли вазифаларни белгилаш ва уларни модел асосида ҳал қилиш);
- симуляция натижаларини талқин қилиш, мавжуд реал тизимлар билан интеграция қилиш.

Ишлаб чиқариш шароитларида янги машиналар яратиш жараёнини ҳам ўқув устахоналари ва тўгарак машғулотлари хоналарида техник моделларни ясаш жараёни ҳам қуйидаги жиҳатларни ташкил қилади: техник мақсаднинг (машиналар) механизмлар конструкциясини, моделлар ясаш фикрининг вужудга келиши: техник мақсадга техник талаблар қўйиш: конструкция эскизларини тузиш ва муҳокама қилиш, технологик жараённи ишлаб чиқиш ҳамда керакли материаллар ва асбоб-ускуна, зарур жиҳозларни танлаш; мўлжалланган буюм деталларини тайёрлаш ва узелларга, узелларни буюмларга йиғиш, тайёр жиҳоз ёки мосламани синовдан ўтказиш.

Ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятларининг ривожлантирилиш уларда техниканинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини оширади, уларни турли оддий қурилмаларни лойиҳалашдан тортиб, замонавий қурилмалар моделларини ясаш кўникмаларининг ҳосил бўлишига хизмат қилади, ихтирочиликка доир компетенцияларининг ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар

1. Каримов И. Меҳнат таълими ўқитиш технологиялари. – Тошкент: “Фан ва технология”. 2013, 228-б.
2. Курилева Л.Н. Развитие технических способностей учащихся при обучении физике в основной школе. Дисс...канд.пед.наук. – Москва: 2017, – С. 225.
3. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. –Т.: 2012, 46-б.
4. Ҳамдамова Н.М. Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш имкониятлари. // Педагогик маҳорат. 2019, №5. 171-174-б.
5. Jo‘rayev H.O., Quliyeva Sh.H. va boshq. Texnik ijodkorlik va dizayn. O‘quv qo‘llanma. -Toshkent: “Turon Zamin Ziyo”, 2015, 240-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада фан-техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, умумтаълим мактаблари политехника таълимини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг замонавий тараққиёти шароитида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш шарт-шароитлари, ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишнинг педагогик ва психологик хусусиятлари тўғрисидаги қарашлар баён қилинади. Шунингдек, ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш даражалари, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини турли қурилмаларни лойиҳалаш ва ясаш орқали ривожлантириш имкониятлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы использовании политехнического образования в общеобразовательных школах, развитие творческих способностей учащихся в условиях современного производства, педагогические и психологические особенности организации творческого труда учащихся, использование новейших достижений науки и техники. Рассматриваются также уровни развития творческих способностей учащихся, возможности развития их творческих способностей посредством проектирования и конструирования различных устройств.

SUMMARY

The article discusses the use of polytechnic education in secondary schools, the development of creative abilities of students in modern production, the pedagogical and psychological features of the organization of creative work of students, the use of the latest achievements of science and technology.It also covers the levels of development of students 'creative abilities, the possibilities of developing students' creative abilities through the design and construction of various devices.

БОЛАЛАРНИ СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

А.Хожаметов – *мустақил тадқиқотчи*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: хотин-қизлар спорти**,** соғлом турмиш тарзи, репродуктив соломатлик, жисмоний тарбия, оммавий спорт.

Ключевые слова: женский спорт, здоровый образ жизни, репродуктивное здоровье, физическая культура, популярные виды спорта.

Key words: Women's sport, healthy lifestyle, reproductive health, physical education, popular types of sport.

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" Юртбошимиз айтган ушбу сўзлар бугун жуда катта аҳамиятга моликлиги барчамизга аён. Фарзандларимизнинг соғлом ўсишида эса жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Жамиятнинг эртаси баркамол, кўчли ёшларимиз қўлида бўлмоғи учун қизларимизни, айниқса, қишлоқ қизларини спортга жалб қилиш зарурлиги, оналар соғлиги сўнгра болалар соғлиги ҳақида ўйлаш давр талаби бўлиб турибди. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, қизлар ўртасида тарғиботни кўчайтириш, соғлом авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, жамиятга соғлом она-бола етказишда аёл мураббийларнинг ўрни ғоят муҳим. Демак, бу борадаги барча ҳаракатлар аёл мураббийларни тайёрлаш, қизларни спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан бошланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг жамиятимизда юз бераётган туб ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар умуминсоний қадриятлар тизимида инсоннинг барча шахсий эҳтиёжлари, талаблари ва манфаатларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-аҳлокий ва жисмоний имкониятларини янада кўтаришни тақозо этади [1].

Мамлакатимиз келажаги учун соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказишда жисмоний тарбиянинг аҳамияти жуда катта. Сунгги йилларда спорт ва жисмоний тарбия ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бориши билан бир қаторда, хотин-қизлар спортига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда бу борада амалга оширилган салмоқли ишлар натижасида истиқлолнинг илк йилларида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганлиги, оналар ва болалар саломатлиги учун кураш йўлида бир қанча тадбирлар амалга оширилганлигини куриш мумкин. Биринчи давлат мукофотининг "Соғлом авлод учун" деб аталгани, "Аёллар йили", "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши ва давлат дастурларига киритилгани соғлом авлодни яратиш йўлидаги узоқ мақсадларни кўзлаб қилинган хайрли қадамлардир [2].

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган, айнан хотин-қизларни спортга жалб қилиш, мунтазам шуғулланишлари учун керакли шарт-шароитлар билан таъминлаш, соғлом авлод яратиш йўлида қилинаётган мақсадли ишлар мисолида мамлакатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор

қаратилганлигини ҳамда ушбу саъй-ҳаракатларнинг дастлабки нишоналарини барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Маълумки, 2005 йилнинг 8 ноябрида Оксаройда биринчи Президентимиз Ислом Каримов раислигида ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг навбатдаги Ҳомийлик кенгашида болалар спортини ривожлантириш ва айникса қишлоқ жойларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш ҳамда ўқувчи-қизларни яъни, маҳаллий қизларни мунтазам спорт билан шуғулланишларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Олий ва урта махсус таълим вазирлиги зиммасига бир қатор вазифалар юклатилиб, 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийларига бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда маҳаллий аҳоли вакиллари хотин-қизларга бўлган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда университетлар, вилоятлардаги педагогика институтлари негизида спорт мутахассисликлари бўйича қабулни кучайтириш ва олий ўқув юртларининг кундузги ҳамда сиртқи бўлимларига хотин-қизларни истисно сифатида қабул қилиш топширилди.

Бунинг натижасини жорий ўқув йилида ЎзДЖТИга хотин-қизлар спортини ривожлантириш мақсадида 210 нафар талаба-қизлар қабул қилиниб, таҳсил олаётганлиги, аёллар спортини ривожлантиришда айникса, маҳаллаий қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш борасида республикамизда амалга оширилган дастлабки илк қадамдир. Режа бўйича ушбу таҳсил олаётган талаба-қизларнинг 85 % идан ортиғи маҳаллий аҳоли вакиллари бўлиб, уларга олий таълим муассаси таҳсилидан сунг қишлок жойларда айнан қизлар уртасида спортни тарғибот қилишлари учун йўлланма берилади [3].

Дарҳақиқат, аёлларни спортга жалб қилиш давримизнинг ғоят муҳим муаммоларидан бири бўлиб турибди. Аёлларнинг тенг хуқуқлари, жамиятда ва оиладаги муносиб ўрни, ҳар соҳада эркаклар билан баравар қадам ташлашлари, уларнинг ва фарзандларнинг саломатлиги учун қилинаётган ишлар узоқни кўзлаб эзгу мақсадлар йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлардир.

Қизларни спортга жалб қилиш, уларни мунатазм шуғулланишлари учун керакли шароитлар билан таъминлаш, айникса қишлоқ қизларини жаҳон ареналарига олиб чиқишда туғилаётган баъзи муаммоларга бир оз бўлсада барҳам бериш вақти келди. Бу борадаги вазифаларнинг самарадорлигини ошириш учун бошқа етакчи ташкилотлар ҳам узларининг ҳиссаларини қушмоғи даркор. Биринчи навбатда қизларнинг ёш турмушга чиқишларига бир оз бўлсада барҳам бериш зарур. Бунга физиологик тарафдан ёндошадиган бўлсак, қизларнинг ёшига етмасдан турмушга чиқишлари оқибатида кўпгина касалликлар келиб чиқади. Организми жисмоний етилмаган қизларнинг фарзандлари ҳам жисмонан тўлиқ соғлом бўлиб туғилмайди. Чунки, қизлардаги асосан тос суякларининг тўлиқ етилмаганлиги оқибатида кўпчилик қизларда биринчи туғруғдан кейин қадди-қоматнинг бузилиш ҳоллари кўп ўчрайди. Келажак авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишида аввало она муҳим рол ўйнайди. Маълумки, гудак туғилиш давридан то балоғатга етиш давригача онанинг назорати остида бўлади. Ҳозирги кунда ёш оналарнинг кўпчилиги тажрибасиз. Юқорида таъкидлаганимиздек бунга уларнинг ёш турмуш қуришлари, организм тугиш жараёнига тайёр эмаслиги ва қизларнинг жисмонан тулиқ соғлом эмаслиги оқибатидир.

Спорт билан доимий шуғулланган қизларда турмуш қургандан сунг боланинг соғлом туғилишида муаммолар кўзатилмайди. Қолаверса, онанинг жисмоний тарбия ва спорт сирларидан озми-кўпми хабари бўлади. Болани қандай қилиб тарбия қилишни, жисмоний машқлар ва массажни қай вақтда, қай тарзда қўллаш сирларидан бохабар бўлади. Вахоланки, соғлом онадан-соғлом бола туғилади ва туғри тарбия топишига шубҳа туғилмайди. Фарзанднинг спорт билан шуғулланишида она қанчалик муҳимлигини асослаб берибгина қолмай, балки тарбия жараёнида оналарнинг ўрни бекиёслигини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, боланинг мактабгача тарбия жараёнида оналар кўпроқ болалар билан бирга бўладилар. Бола ақлини танигандан бошлаб, уни ҳар томонлама мукаммал тарбия қилиб бориш масъулияти тўлиқ онанинг зиммасига тушади. Бунда тажрибали оналар боланинг жисмоний ва ақлий тарбиясини туғри йўналтира билишлари лозим. Бундан ташқари куни узайтирилган ва куни қисқа боғчаларда болаларнинг тарбияланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда эса бола икки томонлама: таълим ва жисмоний тарбия томонидан шаклланади ва ривожланади. Боланинг асосан мактабгача даврида онги тез шаклланади. Ҳар бир нарсани тезда илғаб олади, хотирасида яхши сақлаб қолади. Мана шу жараёнда болани жисмоний машқлар билан шуғуллантириш орқали онги тез ўсади, таълим тарафдан йўналтирилган аклий машқлар эса фикрлашга ўргатади. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, жисмоний тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғлиқдир. Мана шу боғликликни мукаммал туғри йўналтирилган ҳолда олиб боришда онанинг роли жуда катта. Кейинчалик боланинг мактаб даврида ҳам бу ҳолат ўз-ўзидан давом этади. Бунда эса оналар аввалгидан ҳам масъулиятлироқ бўлишлари талаб этилади. Кўриниб турибдики, давлатимиз келажаги бўлган болаларнинг саломатлиги қанчалик муҳимлигида, оналарнинг ҳам жисмонан ҳам маънан соғлом бўлишлари талаб этилмайди.

Юртбошимиз-оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги роли, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси экани, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва истеъдодини руёбга чиқаришда спортнинг аҳамияти жўда катта эканлигини таъкидлаб келган.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Универсиада-2000” спорт анжумани қатнашчиларига йўллаган табрик сўзи. -Туркистон: 2000. 25 май.
2. “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги қарори. / “Ҳалқ сўзи” 2003, 5 ноябр.
3. “Аёлларнинг фан ва спортдаги ўрни” Илмий амалий анжуман. Илмий тезислар тўплами. 2007 йил 14 апрел.
4. Ахмедова С. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотларда аёлларнинг роли. // Аёлларнинг фан ва спортдаги ўрни. -Т.: 2007.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида хотин-қизлар спортининг ривожланиши, давлат дастурларининг амалга оширилиши, соғлом турмуш тарзини халқ орасида оммалаштириш, халқнинг репродуктив соламатлигини мустахкамлаш, хотин-қизларни спортга жалб қилиш, уларнинг оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит яратиш ва ривожлантиришнинг узига хосликлари ҳақида сўз этилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы развития женского спорта за годы независимости, реализации государственных программ, популяризации здорового образа жизни, укрепления репродуктивного здоровья населения, вовлечения женщин в спорт, создания и развития условий для их регулярного участия в популярных видах спорта.

SUMMARY
This article discusses the development of women's sport over the years of independence, the implementation of state programs, the promotion of a healthy lifestyle, the strengthening of the reproductive health of the population, the involvement of women in sport, the creation and development of conditions for their regular participation in popular types of sports.

ИДИОМАЛАР- МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Г.Х.Рўзиева - *мустақил тадқиқотчи*
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: чет тили, компетенция, идиома, фразеология, маданият, матн, машқ, иккинчи хорижий тил.
Ключевые слова: иностранный язык, компетенция, идиома, фразеология, культура, текст, второй иностранный язык.
Key words: foreign language, competence, idiom, phraseology, culture, text, second foreign language.

Замонавий жамиятда чет тилларни ўрганиш турли-туман соҳалардаги мутахассислар профессионал тайёргарлигининг ажралмас таркибий қисмига айланмоқда. Касб йўналишида ўсиш ва хорижий ҳамкорлар билан муносабатларни кенгайтириш масалаларининг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан уларнинг лисоний тайёргарлиги сифатига боғлиқ.

Хорижий тил лексикасини ўрганиш, англаш, ўзлаштириш ва эгаллаш каби бир неча босқичлардан иборат динамик жараён тарзида намоён бўлади [5]. Албатта, табиий шароитларда тил ўрганишда ўрганиш босқичи ушбу тилдаги сўзларнинг, бевосита, корреляцияланган, тилдан ташқарида намоён бўладиган ҳолат билан уйғунлашишига, ушбу сўзлар таркибида она тилига хос бўлган ва тил ўрганаётган шахснинг илк туйғуларига дахлдор бўлади [4:52].

Инглиз тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишнинг ўзига хос жиҳатларини батафсил кўриб чиқиш бизга ўзимизни қизиқтирган соҳадаги хулосаларни таҳлил қилиш имконини беради.

Маълумки, чет тилини ўқитиш жараёнида луғат захирасини кенгайтириш, грамматик билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, ўрганилаётган тил, халқ маданияти билан таништириш, ифодага эмоционал тус бериш учун фразеологик бирликлар устида ишлаш муҳим восита ҳисобланади.

Иккинчи хорижий тилни ўқитиш тамойили иерархияси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– умумилмий (асосий профессионал компетенциянинг шаклланишини таъминлайдиган) тамойиллар;

– умумдидактик (ўқитувчида базавий компетенциянинг шаклланишини таъминлайдиган) тамойиллар;

– услубий (чет тили ўқитувчисида махсус компетенциянинг шаклланишини таъминлайдиган) тамойиллар.

И.Л.Бим ўз концепциясида қайд этишича, умумийлик хоссасига қарамасдан, бир неча тамойиллар иккинчи тилга нисбатан қўлланишига қараб, қисман, модификациялашади [3:18].

Иккинчи чет тилини ўқитиш борасида И.Л. Бимнинг фикрига таянамиз. Олимнинг фикрича, унга қуйидаги тамойиллар кўпроқ мос келади: 1) коммуникатив-когнитив; 2) ўқитиш дифференциацияси; 3) ижтимоий-маданий йўналтирилганлик; 4) ўқитишнинг фаолият хусусиятининг кучайиши; 5) нутқий фаолиятнинг барча турларининг ўзаро боғлиқлиги; 6) тамойил даражасига кўтарилган қиёслама (контрастив) ёндашув; 7) ўқитиш иқтисодининг кучайиши (интенсификацияси) [3:18-22].

Иккинчи чет тилини ўқитишнинг энг муҳим тамойиллари орасидан Н.В. Баришников [2] қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

1) маданиятлараро йўналтирилганлик;

2) когнитив-интеллектуал йўналтирилганлик;

3) пухталик;

4) онглилик ва онгсизликни оқилона уйғунлаштириш;

5) иккинчи чет тилини ўқитишда талабаларнинг лингвистик ва ўқув тажрибасини ҳисобга олиш.

Шундай қилиб, иккинчи чет тилини ўқитиш жараёнида юқорида санаб ўтилган барча тамойилларни ҳисобга олиш мазкур жараённи оптималлаштиришнинг зарур шарти деб ҳисоблаймиз. «Билингвистик ўқитишнинг умумий тизими фақат унинг таркибий қисмлари услубий тамойиллар бирлиги билан боғлиқ бўлгандагина самара бериши мумкин» [1].

Демак, бунда гап мутлақо янги дидактик-методик концепция тузиш эмас, балки изланишлар шароитида айрим модификациялар ҳосил қиладиган техник ҳолатларни аниқлаш ҳақида боради. Бундай омилларга биз қуйидагиларни киритдик:

1. Тил ва мамлакатшуносликка оид материалларнинг хоссалари.

2. Мақсадли гуруҳнинг ўзига хослиги.

3. Иккинчи чет тилини ўқитиш ва ўрганиш шартлари.

Оғзаки ва ёзма нутқ муносабатларида барқарор фразеологик бирликлардан фойдаланиш чет тилини билишнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири саналади. Лексиканинг фразеологик қатлами устида ишлаш талабанинг лексик заҳирасини кенгайтириш, грамматик билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш имконини яратади.

Бундан ташқари, идиомалар ўрганилаётган тилда сўзлашадиган халқнинг миллий-маданий хусусиятларини тасвирлаш учун ёрқин материал бўлиб хизмат қилади. Бунда талабалар нутқини ифода этишда воқеликка муносабатини эмоционал-баҳо орқали изҳор қилиш қобилиятига эга бўлади, талабаларга ўрганилаётган тил орқали мамлакатнинг менталитети, характери, анъаналари, ижтимоий-этник меъёрлари ва баҳоларини англашда, шунингдек эгалланган билим, кўникмаларни тушуниш ва нутқда қўллай олишдан эстетик завқ олиш ҳиссини туйишида ёрдам беради.

Шубҳасиз, барқарор фразеологик иборалар (фразалар)ни эгаллаш талабалар учун муайян қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликлар барқарор ибораларнинг тил ҳодисаси сифатидаги мураккаблиги билан асосланади. Гап шундаки, тушуниш ва шунга мувофиқ грамматика қоидаларига асосан, сўзларни эркин танлаш ва бириктириш йўли билан барқарор фразеологик ибора тузиш эҳтимоли жуда паст. Таълимнинг спецификлиги ва барқарорлиги фразеологик ибораларнинг оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш спецификаси ўқитиш даврининг бошидан босқичма-босқич ва кетма-кетликда ўзлаштириб бориш зарурати келтириб чиқаради.

Идиомаларни тўғри тушунишлари ва келажакда нутқда қўллай олишлари учун талабалар қуйидагиларни ўзлаштиришлари лозим: а) асосий ва қўшимча маънони, шу жумладан стилистик бўёқни; б) идиома қўлланган шаклни, шу билан бирга унинг барча вариантларини; в) ўзгариш имкониятларини; г) ушбу барқарор иборани қўллаш ўринли бўлган вазият ва нуқтаи назар (контекст)ни. Бошқача айтганда, матнни ҳар томонлама тушунишга ёрдам берадиган бошланғич ишни бажариш зарур.

Маълумки, лексик бирлик, жумладан, идиомаларнинг маъносини ойдинлаштиришни икки хил йўл билан: таржима ва таржимасиз ҳам амалга ошириш мумкин. Таржима қилмай амалга ошириш усулига қуйидагилар киради: 1) аниқлаш (дефиниция), яъни

идиомаларнинг мазмунини ўрганилаётган тилдаги ҳозиргача маълум бўлган сўзлар ёрдамида тавсифлаш, масалан, *A bigfishin a smallpond; Toeatlike a horse* ва ҳоказо. 2) синонимлар, яъни бир хил ёки бир-бирига яқин маъноларни англатувчи фразеологик бирикмалар, масалан: *Thereisn'tenoughroomtoswing a cat; Toputthecatamongthepigeons*; 3) контекст, яъни сўзнинг маъносини гапнинг умумий мазмунини тушуниш ва фактларни билишга асосланган контекстуал фараз ёрдамида аниқлаш. Мисоллардан кўриниб турганидек, идиомада ҳар бир сўзнинг маъносини эмас, балки умуман бирикманинг маъносини билиш муҳим. Бу нутқда мажозийликни таъминлайди.

Инглиз тилида идиомаларнинг маъносини ойдинлаштиришнинг юқорида санаб ўтилган усуллари ўзининг муайян устунлик ва камчиликларига эга. Таржима қилмасдан амалга ошириладиган усуллар фараз қилиш қобилиятини ўстиради, тилдаги амалиётни, хотира пойдеворини мустаҳкамлайди, ассоциатив алоқаларни кучайтиради ва ҳ.к. Бироқ бу усуллар кўп вақт талаб этади ва ҳар доим ҳам уларнинг маъносини талабалар томонидан тушунилишини таъминлай олмайди, усуллар вақтни тежайди ва қўлланишда универсал, аммо ҳар бир идиома инсонларнинг хулқини, унинг атроф-муҳитга муносабатини тасвирлайди, борлиқ ҳақидаги тассуротини шакллантиради. Инглиз тилини ўргана туриб, талабалар мамлакат тарихига шўнғийдилар, анъаналари, дини, маиший ҳаёт тарзи билан танишадилар. Тилнинг турли воситаларидан фойдаланган ҳолда чиройли, тўғри гапириш, ўз фикрини мантиқан ва лўнда ифодалаш, бошқа давлатлар вакиллари билан суҳбат давомида ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш филолог талабалар зиммасидаги энг асосий вазифалардан биридир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, идиомалар дунёқарашини ўрганиш инглиз тилини ўрганишда зарур унсур ҳисобланади ва тилни тушунишни осонлаштиради, ўрганилаётан тил орқали халқнинг миллий маданиятига кириб боришга ёрдам беради, нутқни ифодали, тимсолий ва ёрқин қилади. Албатта, идиомаларни қўллаш талабаларга муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, лекин бирмунча вақт ўтгандан сўнг талабалар худди тил ташувчидек сўзлай бошлайди, уларда нутқ тайёргарлиги ўсиб боради. Ўқитувчининг дарс бериш жараёнидаги мақсади идиомалардан ўйинли вазиятлар яратиш, мунозараларга киришиш ва улардан лингвистик кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган оғзаки нутқларда кўп бор фойдаланиш орқали талабаларда рағбатни оширишдан иборат бўлиши лозим. Шунингдек, турли маданиятлар менталитетини англаш ва қабул қилиш, натижада билимли, малакали, инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган кадрлар тайёрлаш ҳам ўқитувчининг асосий вазифалари сирасига киради.

Чет тилидаги ҳар қандай матн ўзига хос идиомалар манбаси ҳисобланади. Матн устида ишлаш нутқий вазиятни табиий йўл билан яратиш муаммосини бартараф этади, кейинги ўқиш жараёнида идиомалар қатлами устида ишлаш ва бадиий асарларни муҳокама қилиш нафақат талабаларнинг луғат заҳирасини кенгайтиришга хизмат қилади, балки нутқда қўллаш ҳисобига бойиши орқали ўрганилаётган мамлакатни ва шу тилда сўзлашадиган халқнинг маданиятини ўзи учун кашф этиш жараёндан завқ олиш имконини ҳам беради.

Идиоматиканинг ҳар қандай тил лексик таркибида алоҳида мавқега эга эканлиги боис «фразеологик компетенция» тушунчаси муомалага киритилиши мақсадга мувофиқ. Бундай компетенцияни ажратиб кўрсатиш идиоматикани ўқитиш мақсадини лексик компетенциянинг таркибий қисми бўлган фразеологик компетенцияни ривожлантириш нуқтаи назаридан мувофиқлаштириш имконини беради. Фразеологик компетенциянинг анчайин мукаммал таърифи Л.С.Пугачеванинг диссертация тадқиқотида тақдим этилган. Муаллиф бундай компетенция деганда «сўзловчининг нафақат тил ва нутқнинг мажозий воситаларини англаш, уларни етарли даражада изоҳлай олиш, балки фразеологик бирликларни вазият, мавзу, шунингдек, мулоқот майдони, суҳбатдошлар мавқеи билан уйғун ифодалаш қобилиятини» тушунади [7:11].

Чет тили машғулотларида бошқа мамлакат маданияти билан танишиш билвосита рўй беради.

Ўрганилаётган тил мансуб мамлакатнинг тили ва маданияти муҳитидан ташқари бўлган бундай шароитларда хорижий тилга хос маданият билан алоқага киришиш (коммуникация) матнни тушуниш (кенг маънода) ва унинг мазмунини муҳокама қилиш асосида кечади.

Шунинг учун ҳам фразеологик компетенцияни ривожлантиришда замонавий изланувчилар томонидан кўрсатиб ўтилган қуйидаги тамойилларга таяниш зарур бўлади [6:5 -7]:

- билим, маҳорат ва кўникмаларни бевосита мулоқот жараёнига кўчириш тамойили. Мазкур амалиёт идиомалар билан билвосита коммуникация орқали ишлаш асосида шакллантирилган билим ва кўникмаларни бевосита мулоқотга кўчиришни тақозо этади;
- маданиятлараро ўзига хосликка эга идиомаларни қўллаш зарурати сифатида тушуниладиган маданиятлараро қадрият тамойили;
- маданиятлараро ўқитишни самарали ташкил этиш имконини берувчи ва талабаларни матнга фақат ўз маданияти нуқтаи назаридан қарамаслик кераклигини ўргатишга асосланган истиқболни ўзгартириш тамойили;
- ўқув материали сифатида фақат идиоматик мураккаблашган матнлардан фойдаланишга йўналтирилган онгли чегараланганлик тамойили;
- асл (аутентик) матн устида иш олиб боришни ташкил этишни кўзда тутувчи матннинг етакчилик роли тамойили, бунда талабани матнга жалб этиш муҳим;
- машқларнинг талабаларда тил соҳасига оид тахминларни ривожлантиришга қаратилганлигини назарда тутувчи тахмин бўйича ишлаш тамойили;
- талабаларни идиомаларга нисабатан маданиятлараро изоҳлар билан таништиришни назарда тутувчи қийинчиликларни изоҳлаш тамойили;
- ўқитиш жараёнида луғатлар ва маълумотномалардан фойдаланишни кўзда тутувчи қўшимча адабиётларни қидиришга қаратилган тамойил.

Юқорида санаб ўтилган тамойиллар, шубҳасиз, идиомаларни маданиятлараро ёндашув асосида ўқитишнинг асосий воситаси сифатида асл идиоматик жиҳатдан мураккаблаштирилган матнлар намоён бўлишини исботлайди. Идиоматик мураккаблаштирилган матнларни саралаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши лозим: матннинг когнитив қиймати, маданийлик қиймати, талабаларнинг қизиқиши ва тил билиш даражасига мувофиқлиги (йўналиш, мантиқ ва тил мураккаблигининг меъёрда бўлиши) ва муайян мавзуга мос келиши.

Идиомалардан унумли фойдаланиш талабаларнинг инглиз тили бўйича юқори даражадаги билимга эга бўлишларини тақозо этади ва ўқитувчи зиммасига талабада интермаданий дунёқараш, хушмуомалалик, ностандарт фикрлаш каби сифатларни шакллантиришдек муайян вазифаларни юклайди. Ўқитувчи маданиятлар медиатори сифатида талабаларда тил ўрганиш кўникмаси ва қимматли-йўналтирилган сифатлар мажмуасининг шаклланишига кўмаклашади.

Адабиётлар

1. Баринова С.Э. Инновационные технологии в обучении иностранным языкам: принципы построения факультативного курса «Второй иностранный язык в общеобразовательной школе». URL: http://festival/1september/ru/authors210-482-920/ (дата обращения: 25.07.2011).
2. Барышников Н.В. Методика обучения второму иностранному языку в школе. -М.: "Просвещение", 2003.
3. Бим И.Л. Концепция обучения второму иностранному языку (немецкому на базе английского). -Обнинск: Титул, 2001.
4. Залевская А.А. Индивидуальное знание. Специфика и принципы функционирования. –Тверь: 1992.
5. Медведева И.Л. Психолингвистические проблемы функционирования лексики неродного языка: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -Уфа: 1999.
6. Османова И.В. Формирование лингвистической компетенции в обучении чтению студентов начального этапа вузов / факультетов лингвистического профиля: на материале лексики с национально-культурной семантикой английского языка: дисс. ... к. пед. н. -Пятигорск: 2009.
7. Пугачева Л.С. Формирование фразеологической компетенции иностранных студентов-филологов (на материале фразеосемантического поля «Деятельность человека»): автореф. дисс. ... к. пед. н. СПб., 2012.

РЕЗЮМЕ

Мақолада инглиз тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда идиомаларнинг ўрни ва роли таҳлилга тортилган. Чет тилини ўқитиш жараёнида тилнинг маданиятга, оид хусусиятларига кириб бориш тақозо этилади. Шу маънода, ўрганилаётган тилнинг мажозий қурилиши, ўзига хослигини ва муайян маданиятнинг айрим хоссаларини намоён этадиган идиомалар алоҳида аҳамият касб этади. Идиоматик мураккаблаштирилган матнларни саралаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши лозим: матннинг когнитив қиймати, маданийлик қиймати, талабаларнинг қизиқиши ва тил билиш даражасига мувофиқлиги (йўналиш, мантиқ ва тил мураккаблигининг меъёрда бўлиши) ва муайян мавзуга мос келиши.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются место и роль идиом при обучении второму иностранному языку. Обучение иностранному языку предполагает проникновение в культурные особенности языка. В этом смысле особенную роль играют идиомы, образный строй которых отражает своеобразие языка и некоторые особенности культуры. Основным средством обучения идиоматике на основе межкультурного подхода выступают аутентичные идиоматически усложненные тексты. Отбор среди идиоматически усложненных текстов должен проводиться по следующим критериям: познавательная ценность текста, его культурологическая ценность, соответствие интересам и языковому уровню студентов(с умеренной предметной, логической и языковой сложностью) и соответствие определённой тематике.

SUMMARY

The article discusses the place and role of idioms in teaching a second foreign language. Foreign language learning involves understanding the cultural characteristics of the language. In this sense, idioms play a special role, the figurative structure of which reflects the uniqueness of the language and some features of culture. The primary means of learning the idioms on the basis of the intercultural approach are idiomatically sophisticated the authentic texts. The selection among idiomatically complex texts should be based on the following criteria: the cognitive value of the text, its cultural value, compliance with the interests and language level of students (with moderate subject, logical and language complexity) and correspondence with a certain topic.

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА МОБИЛ ИЛОВАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

С.С.Тажибаев – *педагогика фанлари доктори (DSc), доцент*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

А.И.Олимов – *катта ўқитувчи*

Жиззах давлат педагогика институти

А.Т.Ниязов – *доцент*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: жисмоний маданият, жисмоний тарбия, мобил иловалар, ўзлаштириш кўрсаткичлари.

Ключевые слова: физическая культура, физическое воспитание, мобильные приложения, показатели освоения.

Key words: physical culture, physical education, mobile applications, development indicators

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда [1].

Олий таълим тизимини такомиллаштириш ва замон талабларига мослаштиришда ахборот-комуникация технологияларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари бутун дунёда таълим соҳасида ҳал қилувчи ғалабага эришмоқда. Кўпгина университетларда компьютерлаштирилган ўқув муҳити яратилди, ўқитувчилар учун малака ошириш тармоқлари юзага келтирилди, юзлаб таниқли университетларда барча билим соҳалари бўйича ўқув курслари ва дарсликлар кўринишидаги очиқ таълим манбаларини тақдим этувчи фондлар мавжуд. Таълимда янги йўналиш пайдо бўлди ва ривожланмоқда, бу - мобил таълим [2].

Замонавий талабаларнинг аксарияти техник ва психологик жиҳатдан ўқув жараёнларида мобил технологиялардан фойдаланишга тайёр ва мобил қурилмалар ҳамда технологияларнинг имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун янги имкониятларни кўриб чиқиш керак. Ушбу муаммони ҳал қилиш ўқитувчилар томонидан ташкилий саъй-ҳаракатларни, олий ўқув юртларидаги ўқув жараёнида мобил таълимнинг стратегиялари, шакллари ва усулларини амалга ошириш учун илмий-услубий ишлар устида изланишларни талаб қилади [4].

Ёшлар орасида мобил алоқанинг машҳурлигини инобатга олиб, ушбу алоқа турлари университетдаги ўқув жараёнини оптималлаштиришга қандай ёрдам бериши мумкинлигини таҳлил қилиш керак [3].

Тадқиқотнинг мақсади: жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш самарадорлигини педагогик тажрибада текшириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш;
- жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган мобил иловалар самарадорлигини педагогик тажрибада текшириш.

- **Тадқиқотнинг объекти:** ОТМ да жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўқитиш жараёни.
- **Тадқиқотнинг предмети:** жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш.
- **Ўтказилган тажрибалар натижалари ва муҳокамаси.**

"Жисмоний маданият" номли дастур ОТМ ларнинг

Жисмоний маданият йўналиши 2-курс талабалари учун ўқув режасидаги “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанидан ўқув-услубий мажмуа материалларини ўз ичига олган. Дастурда III-IV семестрларда ўқитиладиган мавзулар юзасидан маъруза матнлари, тақдимот слайдлари, фан дастури, глоссарий, тестлар банки, фойдаланилган адабиётлар берилган. Шунингдек, ушбу дастурда масофавий таълим манзиллари ва соҳага тегишли интернет манзиллари берилган.

Дастур нафақат мутахассислар, балки мазкур соҳага қизиқувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлиб, уларнинг бу соҳада ўз билимларини оширишларига ёрдам беради.

Дастурнинг қулайлиги шундаки, ушбу фандан интернетсиз масофавий таълим олиш учун имконият яратилади.

Дастурнинг функционал имкониятлари:

- маъруза матнларининг сместерлар бўйича сараланиши;
- Гамбургер меню орқали бошқаришнинг қулайлиги;
- асосий интерфейсда менюларнинг жойлашуви;
- ҳаволаларга интерактив тарзда ўтиш;
- бошқаришда саҳифанинг энг охирига ва энг бошига тез ўтиш имконияти;
- маърузада саҳифа рақамини киритиш орқали саҳифаларга ўтиш;
- кейинги ва олдинги маърузаларга ўтиш имконияти;
- маърузани яқинлаштириш ва узоқлаштириш имконияти;
- навигация ён панел саҳифанинг рақамини кўрсатиб туриши.

Ишлаб чиқилган мобил илованинг самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган педагогик тажрибалардан қуйидагилар аниқланди.

Иккинчи босқич талабалари учун учинчи семестрда ўтиладиган биринчи мавзу – “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари”. Мазкур мавзу юзасида қуйидагилар режалаштирилган (1-жадвалга қаранг): жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг вазифалари тўғрисида талабаларга атрофлича ва чуқур касбий билимлар бериш, келажакдаги иш фаолиятларида жисмоний маданият бўйича касбий-амалий аҳамият касб этувчи касбий билимлар ва кўникмалар ҳамда янги педагогик технологиялар ҳақидаги назарий маълумотларга эга қилиш, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари жисмоний тарбия ўқувчилари учун зарур бўлган жисмоний маданият машғулотларида умумривожлантирувчи машқлардан, умумий ва махсус машқлардан фойдаланиш, спорт мусобақалари, спорт байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда синфдан ташқари тўгаракларни ташкил қилиш малакалари юзасидан кенг тушунча ҳосил қилиш.

Биринчи мавзуни ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидагича баҳоланди. Педагогик тажрибадан олдин тажриба гуруҳи таркибига кирувчи талабаларнинг 14% - “аъло”, 10% - “яхши”, 31% - “қониқарли”, 45% - “қониқарсиз”, назорат гуруҳи таркибига кирувчи талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари эса 14% - “аъло”, 15% - “яхши”, 36% - “қониқарли”, 35% - “қониқарсиз” балл билан баҳоланган.

Ишлаб чиқилган мобил илованинг “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари” мавзусини ўқитишдаги самарадорлигини текшириш мақсадида ўтказилган педагогик тажрибадан сўнг натижалар қуйидагича бўлди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги талабалар мувофиқ тарзда 31%, 16% - “аъло”, 29%, 14% - “яхши”, 26%, 37% - “қониқарли”, 14%, 33% - “қониқарсиз” баҳоланган. Математик-статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, ТГ ва НГ талабаларининг натижалари солиштирилганда, жисмоний тарбия воситалари мазмунини ўзлаштириш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катта (1,98>1) эканлиги, шу билан бирга, билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталиги (1,41>0) аниқланди.

1-жадвал

ОТМ талабаларининг жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўзлаштириш кўрсаткичлари (3-семестр) (n=66)

Т/р	Мавзулар	Гуруҳлар		Ўзлаштириш даражаси				$К_{ўсб}$	$К_{бдб}$
				5 баҳо	4 баҳо	3 баҳо	2 баҳо		
1	“Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари”	ТГ	ТО	14%	10%	31%	45%	1,98>1	1,41>0
			ТК	31%	29%	26%	14%		
		НГ	ТО	14%	15%	36%	35%	0,41<1	0,11>0
			ТК	16%	14%	37%	33%		
2	“Ўзбекистон Республикасида жисмоний маданият тизими ривожланишининг умумий тавсифи”	ТГ	ТО	18%	14%	36%	32%	1,36>1	1,14>0
			ТК	37%	28%	21%	14%		
		НГ	ТО	14%	18%	35%	33%	0,65<1	0,18>0
			ТК	19%	21%	31%	29%		
3	“Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жисмоний маданият ва спорт бўйича қабул қилган ҳужжатларининг аҳамияти”	ТГ	ТО	9%	11%	40%	40%	1,24>1	1,27>0
			ТК	35%	24%	21%	20%		
		НГ	ТО	12%	11%	38%	39%	0,82<1	0,23>0
			ТК	18%	21%	32%	29%		
Мақолада бошланғич синф ўқитувчиларининг дарс жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишининг асосий вазифалари – билим олишга, ижодга ва дунё янгиликларини билишга бўлган қизиқишини ривожлантиришдан иборат. Бошланғич синф ўқитувчилари дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш учун маълумотлар олиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются основные задачи учителей начальных классов по использованию информационных технологий на уроках и развитию интереса в обучении, творчестве и изучению мировых новостей. Во время урока учителя начальных классов могут воспользоваться компьютером для получения информации.

SUMMARY

The article discusses the basic tasks of primary school teachers in the use of information technology at the lessons and developing an interest in learning, creativity and knowing the news of the world. Primary school teachers can get information using a computer during the lesson.

THE EFFECTIVENESS OF USING AN ONLINE-PROGRAM IN TEACHING ENGLISH VOCABULARY TO CHEMISTRY STUDENTS

F.T.Kaipbergenova – *doctoral student*

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Tayanch so'zlar: lug'at, "aqliy leksika", takrorlash, samaradorlik, grammatik va leksik nutq qobiliyatlari, nofilologik.

Ключевые слова: словарный запас, «ментальная лексика», повторение, эффективность, грамматические и лексические речевые навыки, нелингвистический.

Key words: vocabulary, "mental lexicon", repetition, effectiveness, grammatical and lexical speech skills, non-linguistic.

It is necessary to begin this article describing vocabulary itself. All languages have words. Language emerges first as words, both historically, and in terms of the each of us learned our first and subsequent languages. Vocabulary

is defined as “all words known and used by a particular person”.

Vocabulary is an essential component for successful communication. While grammar is important, a lack of vocabulary may result in complete failure to convey a message. Vocabulary is a necessary ingredient for all communication. Speaking would be meaningless and perhaps impossible having only structure without vocabulary. Vocabulary is generally a matter of remembering, unlike e.g. learning grammar, which is a system based only in rules. To be able to teach as effectively as possible, it is important to know, how words are remembered and stored in student’s mind and how long term memory is organized [1]. The prominent role of vocabulary knowledge in second or foreign language learning has been recently recognized by a great number of theorists and researchers in this field. Acquiring an extensive vocabulary is one of the largest challenges in teaching a second language. Several authors agree that vocabulary is stored in the mind in a highly organized and complex web-like system, so-called “mental lexicon”. In mental lexicon words are stored, categorized and interconnected in many ways, according to their features such as meaning, form, collocation, syntactic properties, cultural background etc. Consequently, a word being retrieved is looked up through several pathways at once, which is extremely economical in terms in time needed. We divide the professional vocabulary studied by chemistry (chemistry-technology, agrochemistry, biochemistry, petrochemistry and etc.) students into several groups: general scientific terms (property, to discover, development, to undergo, etc.), basic chemical concepts (substance, matter, chemical element, etc.), names of scales, laws, etc. (Periodic Table, Celsius scale, etc.), names of chemical elements (hydrogen, oxygen, helium, etc.), names of chemical compounds (hydrochloric acid, sodium chloride, sulphuric acid, etc.), names of devices and tools in the laboratory (test-tube, flask, beaker, Bunsen burner, etc.), names of processes (condensation, evaporation, etc.).

Vocabulary teaching is one of the most important components of any language class. The main reason is the fact that it is a medium, which carries meaning; learning to understand and express the meaning is what counts in learning languages. Thornbury summarized a research into a memory, which suggests principles supporting the process of permanent or long-term remembering. In this summary he listed several ways to follow to make vocabulary teaching as effective as possible:

Firstly repetition, yet what he means is “repetition of encounters with a word”, for example in reading. Furthermore, he stresses the importance of retrieval and use of new words. While practicing learners should make decisions about words, for example match rhyming words of use new items to complete sentences.

Moreover, personalizing in vocabulary practice has proved to be beneficial for remembering along with spacing, which means that the presentation of new vocabulary is divided into more widely, separated sequences followed by repeated revision later on with gradually extending periods between them. For example: the end of the lesson, next lesson, next week and so on [2:24].

Another helpful element is motivation, which is closely linked with attention. “A very high degree of attention (called arousal) seems to correlate with improved recall.” Connected to this, emotional value of words should be considered as well.

This article describes the experimental work on the implementation of the first organizational and pedagogical condition - orienting students of Karakalpak State University in the specialty of “Chemical technology” towards activities to form professionally oriented language competence in teaching a foreign language by increasing motivation, students' readiness, modular structuring and enrichment of content training material through professional knowledge through interdisciplinary communication and coordination of training -educational program in a foreign language with programs in special disciplines, as well as elements of logic and dialectics.

For the formation of lexical and grammatical speech skills of students of non-linguistic faculties of training based on computer technologies, a series of tasks was developed in the work.

In order to verify the effectiveness of the proposed methodology, experimental training was conducted. Training is carried out camping for one semester in the 2019-2020 academic year on the basis of Interfaculty Department of Foreign Languages of Karakalpak State University named after Berdakh. The participants of the pilot training were 46 students of the 1st course of “Chemical technology” faculty. The level of English proficiency corresponded to level B1 - according to the Common European Framework of Reference for Languages (Common European Framework of Reference: Language, Testing and Assessment, 2001). During the experimental training, two types of control were used. The first type of control was carried out by the teacher during experimental training to control the participation of all students in project activities and the use of computer online-program and the linguistic corps in the formation of lexical and grammatical speech skills of chemistry students, as well as after the end of experimental training in the form of a general discussion. The second type of control consisted of conducting stating and control sections. Computer technology has been integrated into the classroom and extracurricular work of students. The experiment was carried out in three stages: ascertaining, forming and control stages. At the ascertaining stage of the experiment, the participants in the control (23 students) and the experimental (23 students) groups performed a test to determine the level of foreign language proficiency.

Table № 1

Test to determine the initial level of knowledge of chemistry students

Foreign language proficiency test	Control group (23 students)			Experimental group (23 students)		
	“3”	“4”	“5”	“3”	“4”	“5”
	16	6	1	14	7	2

The test included tasks for all types of speech activity, as well as the formation of grammar skills of students' speech. The test results were encoded and processed using Excel programs. The test results were encoded on a five point scale. To assess the significance of the results obtained, Student t-criterion was used.

Table № 2 presents one of many results of a comparative analysis of the data of the recital shear in two groups.

Table № 2

The data of the recital shear in the control and experimental groups

№	**Theme:**	**Control group (23 students)**			**Experimental group (23 students)**		
		«3»	«4»	«5»	«3»	«4»	«5»
1.	Independence Day of Uzbekistan	16	6	1	13	8	2

2.	Personal information	12	10	1	8	12	3
3.	Our Institute	13	9	1	9	9	5
4.	Appearance and character	12	8	3	9	10	4
5.	Daily activities	13	9	1	10	9	4
6.	Health	11	9	3	8	11	4
7.	Food and drink	11	9	3	7	12	4
8.	Shopping	15	6	2	7	10	6
9.	Let`s learn to write letters	15	5	3	10	9	4
10.	Seasons and the weather	13	8	2	10	9	4
11.	What is chemistry?	12	8	3	9	9	5

The experimental group (23 students) and control group (23 students) were trained according to the same teaching materials for students of the specialty "Chemical technology". In addition, training in the experimental group was carried out in accordance with the online computer program “E-platform for improving subject knowledge” that we developed (http://smartstudent.uz/), as well as using a series of tasks for the formation of lexical and grammatical speech skills of chemistry technology students. According to the curriculum, students had 2 hours a week. During the semester, students studied 11 topics. Within each of the topics studied, they had to do tasks and tests. When studying lexical and grammatical material, they regularly used an online computer program “E-platform for improving subject knowledge”.

As can be seen from the above, the training of chemistry (chemistry-technology, agrochemistry, biochemistry, petrochemistry and etc.) students using online computer program “E-platform for improving subject knowledge” that we developed, has increased the motivation of students to learn a foreign language, as well as the level of students' knowledge by about 6-8%.

References

1. https://en.wikipedia.org/wiki/Vocabulary
2. Thornbury S. How to teach grammar //Pearson Education Limited. 2004, - P.24

REZYUME

Lug‘at “jamiyatda ishlatiladigan va ma’lum bo‘lgan barcha so‘zlar” deb belgilangan. “Lug‘at” so‘zi odatda ma’lum bir tilda so‘zlar yoki ularning birikmalarini ifodalaydi. Lug‘at boyligi – bu qachondir to‘liq o‘zlashtirib bo‘ladigan jarayon emas; balki hayotiy faoliyat davomida kengayib boradigan hodisa. Yangi so‘zlarning paydo bo‘lishi to‘xtamas ekan, so‘zlarni o‘zlashtirish jarayoni ham hech qachon to‘xtamaydi.

РЕЗЮМЕ

В статье слово «словарь» определяется как «все слова, известные и используемые конкретным человеком». Слово «словарь» обычно представляет собой краткое изложение слов или их комбинаций на определенном языке. Словарный запас - это не то, что когда-либо может быть полностью освоено; это то, что расширяется и углубляется в течение жизни. Появление новых слов никогда не прекратится, как и освоение новых слов.

SUMMARY

In the article the concept «vocabulary» is defined as “all words known and used by a particular person”. The word “vocabulary” generally represents a summary of the words or their combinations in a particular language. Vocabulary knowledge is not something that can ever be fully mastered; it is something that expands and deepens over the course of a lifetime. The emergence of new words will never stop, as will the development of new words.

УДК 69.5.1

ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ СТРОИТЕЛЬНЫМ ПРОЦЕССОМ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Л.А.Камолов -*старший преподаватель*
Академия МЧС РУз
Л.А.Халмаматова -*старший преподаватель*
ТАСИ
Т.Т.Калкоразов - *курсант 4 курса Академия МЧС РУз*

Таянч сўзлар: boshqaruv, qurilish kompleksi, bino, globallashuv sharoitlari.
Ключевые слова: управление, строительный комплекс, строительство, условия глобализации.
Key words: management, building complex, building, conditions of globalization.

Введение: Сооружающиеся сегодня индустриальные комплексы, соответствующие современным требованиям возведения и эксплуатации, представляют собой совокупность различных объектов всевозмож-ного производственного, энергетического, транспортного, вспомогательного, жилищного и культурно-бытового назначения. Хорошо известно, что их возведение проходит при активном участии многочисленных организаций, с обязательным использованием крупногабаритных строительных машин.

Как очерёдность возведения строительных объектов, предусмотренных в непосредственном составе комплекса, так и распределение по ним капиталовложений и рабочих кадров могут различаться. Именно поэтому, принято считать, что результативное планирование строительства промышленных комплексов по сложности и схематичности приравнивается к максимально усложнённой по наличию вариаций технико-экономической задаче [1].

В числе современных тенденций характеризующих развитие строительства в рыночных условиях является необходимость усовершенствования и развитие генподрядной системы управления, которая по мнению специалистов испытывает сегодня некоторые трудности. Затруднения, как правило, связаны с тем, что количество организаций-исполнителей при субподрядном способе строительства может составлять несколько десятков. В таких условиях необходима четкая координация и согласованность действий всех исполнителей. Основная трудность в том, что обычно организации-участники строительства не связаны между собой административными узами, а сотрудничают в рамках договорных обязательств.

По всей вероятности, что хорошо продуманные на перспективу, тщательно проработанные и чётко прописанные договорные обязательства являются ключевым фактором успеха. При этом создание и эффективное функционирование координационного центра кардинально упростит процесс строительства.

Именно в соответствии с существующими нормами ШНК 3.01.01-03 "Организация строительного производства" рекомендовано полномочия такого центра предоставлять генподрядчику. Таким образом, в случае такого выбора его решения являются обязательными для выполнения всеми участниками строительств с различной ведомственной принадлежностью и формой

собственности (ОАО, АО, ООО, и т.д.). Но следует отметить, что хотя подобный режим управления устанавливается в большинстве случаях и оправдывает себя на большинстве строек, он не является обязательным.

Практика показывает, что нередко организации осуществляющие роль генподрядчика непосредственно не занимаются строительными работами. Это оказывает отрицательное воздействие и негативно отражается на качественном составлении и ведении организационно-технологической документации. Связано это с тем, что заинтересованность генподрядчика связана с тем насколько в кратчайшие сроки будет разработан проект и другого рода организационно-технологические документы.

По всей видимости нежелательное воздействие не исключено, поскольку вопрос качества организационно-технологической деятельности отходит на второй план. В этой связи на некоторых крупных стройках ведущую роль принимает на себя заказчик, то есть компания не имеющая в своём штате востребованных специалистов и вынужденная привлекать необходимое количество нужных специалистов извне.

Всё это, в свою очередь, увеличивает не только сроки сдачи, но как следствие и стоимость организационно-технологической документации. Вполне понятно, что при таком раскладе организационных мероприятий осуществление контроля строительства достаточно сложно. В числе нежелательных факторов специалисты выделяют нехватку мощностей и квалифицированных трудовых ресурсов в строительных компаниях. Учитывая возрастающие требования к функционированию современных промышленных предприятий сегодня все активнее используются методы стратегического управления. Преимущество подобного метода заключается в том, что он предусматривает учёт возникающих рисков, включающих в себя внезапные и резкие изменения погодных условий, нарушение технологий и ужесточение конкуренции как важного элемента современной экономики. В таких случаях необходимо оперативное реагирование и разработка более эффективных приемов менеджмента.

Вырабатываемые организационные механизмы все более отражают и способствуют выявлению новых проблем и выработке необходимых решений. Большинство экспертов в области строительства считают целесообразным развитие гибких организационных структур, способных своевременно и эффективно реагировать на возникающие изменения и потребности. Под гибкостью подразумевается способность закрепления наиболее рациональных связей и обеспечения взаимодействия различных ступеней управления. В этой связи эксперты определяют следующие критерии:

• ближайший путь от источника команды до объек та управления;

• необходимое число ступеней и звеньев;

• минимальное число «входов» и «выходов» каждого звена;

• результативное участия каждого звена в процессе управления;

• оптимальный состав видов работ по управлению;

• недопустимость дублирования.

Всё чаще применяемым сегодня, с учётом упомянутых критерий, способом решения видится переход к инжиниринговой системе управления строительством [2,3,4,5]. В числе оснований для подобного выбора и перехода от генподрядной к инжиниринговой схеме управлении являются нижеприведённые причины:

• заметное усложнение задач управления строительством; усиление ответственности;

• создание единого центра принятия управленческих, технических, технологический, организационных решений; более тщательное разграничение сфер компетенции;

• формирования более простой, но надежной схемы прохождения информации.

Таким образом, функционирование организатора строительства в качестве отдельного субъекта может обеспечить, по всей вероятности, эффективное решение возникающих задач непосредственно на строительном объекте. Причём, в качестве устроителя строительства могут выступать как специализированные инжиниринговые подразделения компаний управляющих инвестиционно-строительными проектами, так и автономные инжиниринговые компании, осуществляющие обязанности организатора строительства.

Практика показывает, что привлечение инжиниринговых подразделений обусловлено необходимостью решения технологических, организационных, экономических и управленческих задач. Использование инжиниринговой схемы управления на строительной площадке, основанной на функционировании организатора строительства, позволяет перейти к кластерной модели строительного производства: основной - строительный и обслуживающий логистический. В зависимости от характера, масштаба строительного производства, а также иных условий конкретного объекта логистический кластер может быть частью строительного кластера или занимает обособленное место на строительной площадке.

Выводы: Установление оптимального способа реализации проекта по времени при максимально эффективном использовании ресурсов являются ключевыми факторами успеха, а при растущей с каждым днем конкуренции гарантом выживания строительной организации. Инжиниринговая схема системы управления строительством, основанная на функционировании организатора строительства как отдельного субъекта, как нельзя лучше отвечает требованиям современных экономических реалий.

Литература

1. Rashidov J.G, Sound-insulation technology for ventilated facades, The most urgent issues of the city building and its convergence.Collection of scientific works on the results of Republican scientific-technical conference. Tashkent, November 10-11, 2017 Part 3.
2. Rashidov J. Contemporary approaches of superiority management in construction, Asian journal of research, Volume 4 Osaka, Japan 2017
3. ШНК 3.01.01-03 Организация строительного производства.
4. Kerzner, H. Project management: a system approach to planning, scheduling and controlling. 6th ed. - John Wiley & Sons, Inc., 1998
5. www.civilengineering.com

РЕЗЮМЕ

Мақолада муваффақиятга эришиш учун муҳим бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш ва доимий рақобатнинг кучайиб бораётганлиги ҳисобга олинган ҳолда қурилиш ташкилотининг яшовчанлик кафолатлари аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье определены результативные использования ресурсов, которые являются ключевыми факторами успеха, а при растущей с каждым днём конкуренции гарантом выживания строительной организации.

SUMMARY

The article defines the effective use of resources which are key factors to success, and with everyday growing competition, the guarantor of the survival of the construction of organization.

АМАЛИЙ ДАСТУРЛАР ОРҚАЛИ МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШ

Ж.Б.Мамадиёров – *таянч докторант*
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

Таянч сўзлар: флаш дастури, HTML тили, электрон дарсликлар, таълимдаги инновацион технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий компютер ахборот технологиялари.

Ключевые слова: Flash-программа, язык HTML, электронные учебники, инновационные технологии в образовании, информационно-коммуникационные технологии, современные компьютерные информационные технологии.

Key words: Flash program, language HTML, electronic textbooks, innovative technologies in education, information and communication technologies, modern computer information technologies.

Замонавий жамиятда тезкор ўзгаришлар рўй бермоқда, бугунги кунда инсон янги шароитларга тезда мослаша олишни талаб қилади. Шу муносабат билан жамият шаклланиши бир қанча муаммоларга дуч келмоқда. Шу сабабли, ўқув жараёнида нафақат математикада билим, кўникма тизими, балки уларни эгаллаш ва амалиётга қўллаш бўйича универсал таълим ҳаракатларида ўзлаштириш муаммоси айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Ўқув жараёнини ташкил этишга анъанавий ёндашув билим ва кўникмаларни етарли даражада ўзлаштиришни таъминлайди, аммо бу шахснинг ривожланишига, унинг имкониятларини очишга ҳисса қўшмайди.

Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи тараққиётга интилиши, фаолиятини тубдан ўзгартириши керак. Унинг ҳар бир дарси инновацион бўлиши керак. Ўқитувчининг инновацион дарсда ихтирочилик фаолияти турли хил ғайриоддий вазифалар, фавқулотда ҳаракатлар, конструктив таклифлар, кўнгилочар машқлар, дарс жараёнини лойиҳалаш, ўқув вазиятлари, дидактик материаллар яратиш, илмий далилларни танлаш, ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишда намоён бўлади.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ўқув жараёнида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. Ушбу технологияларнинг асосий устунлиги – бу кўриш қобилиятидир, чунки маълумотларнинг катта қисми визуал хотира ёрдамида олинади ва ўрганишда унга таъсир қилиш жуда муҳимдир. Ахборот технологиялари ўқув жараёнини ижодий ва ўқувчиларга йўналтиришга ёрдам беради.

Математика дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланиш лозимлиги сабабли ижтимоий, педагогик ва технологик сабабларга кўра қуйидагилар юзага келади:

a) таълим тизимига бундай инновацион технологияларини киритишга бўлган талабларни оширади;

b) педагогик таълим самарадорлигини ошириш учун янги воситаларни излаш заруратини оширади;

c) компьютер ўқув маълумотларини узатиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, ўқув мотивациясини кучайтириш ва ўқувчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш имконини беради.

Таълимни компьютерлаштириш таълим жараёни самарадорлигини ошириш истиқболлари, жамиятнинг ёш авлодга қўядиган талаблари ва амалий мактаб тайёргарлиги ўртасидаги тафовутни камайтириш билан боғлиқ.

Агар ўқувчиларга математикани ўқитиш жараёнида мактабда қўлланиладиган ўқитиш усулларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда уйғунлаштириш мақбул бўлса, унда ўқув жараёнининг самарадорлиги ошади, чунки бу ҳолда таълимни дифференциаллаштиришни визуализация қилиш тамойиллари энг тўлиқ амалга оширилади, ўқувчиларнинг мотивацияси кучаяди.

Замонавий компьютер ахборот технологиялари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш учун хилма-хил имкониятларга эга. Бошқа томондан, бу соҳада кўплаб муаммолар мавжуд.

Биринчидан, ахборот-компютер технологиялари шунчалик тез ривожланмоқдаки, педагогик тадқиқотлар ва уларни ўқув жараёнида қўллаш бўйича услубий ишланмалар ҳам тезда эскиради.

Иккинчидан**,** техник воситалар ўқитувчидан касбий фаолиятда фойдаланиш имкониятлари жуда хилма-хил ва кўп қиррали бўлиб, уларни ўқув жараёнида қўллашнинг янги усуллари пайдо бўлади ва ўқув жараёнида компьютер технологияларидан ваколатли фойдаланиш билан боғлиқ янги вазифалар, муаммолар ўқитувчилар олдида пайдо бўлади.

Замонавий ахборот технологиялари ва техник жиҳозлар болалар билан ишлашда уларнинг ёши, ривожланиш даражаси ва тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда турли хил усуллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Замонавий ўқитиш технологиялари ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам биргаликдаги ишларнинг фаол иштирокчисига айлантиради, чунки замонавий ўқитиш воситалари янги дидактик материалларни ишлаб чиқиш, иш ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда мустақиллик ва ижодий фаолликни намойиш этиш имконини беради.

Математикани ўқитиш жараёнида компьютер технологиялари ўқув жараёнига мутлақо мос бўлиши керак.

11-синфларда математикани ўқитишда АКТдан фойдаланиш методологияси ўқувчиларга анъанавий ўқув материалларини компьютер ёрдамида қўллаб-қувватлаш орқали ўқув материалларини самарали ўзлаштириш даражаларига эришиш учун ўқитиш усуллари ва воситаларининг тўпламини ўз ичига олади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиш методологияси математик дарсларда нафақат ўқув материалларининг анъанавий қисмларидан фойдаланган ҳолда, балки дидактик вазифаларни самарали ечишга имкон берадиган турли хил қўшимча ўқитиш воситаларидан биргаликда фойдаланишни ўз ичига олади. Бизнинг фикримизча, уларнинг ёрдами билан тақдим этилган ўқув материаллари таркибининг органик бирлигини таъминлайдиган ўқитиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ кўринади. Шу билан бирга, дарс мазмуни мультимедия ёрдамида визуаллаштирилган ўқув маълумотлари орқали яхшироқ очилади.

11-синфларда математикани ўқитиш жараёнида компьютер технологияларини қўллаш методологиясини фақатгина уни амалга оширишнинг техник томонига қараб қисқартириш мумкин эмас, гарчи уларни қўллаш компьютер ускуналари билан етарли даражада таъминланган бўлса ҳам, дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши муваффақият қозонишига таъсир қилиши мумкин.

Математика дарсларида компьютер технологияларини қўллашнинг ташкилий томони муҳим кўринади. ўқув материалларининг таркибий қисми сифатида фойдаланиш жойи ва вақтини аниқлаш, АКТни анъанавий ўқув қўлланмаларига кетма-кет ёки параллел равишда ўқув жараёнига киритиш. Анъанавий дарсликнинг компьютер имкониятларидан фойдаланиш ва ўқув материалининг мазмуни, уларни ўқув жараёнида фойдаланиш вақтига қараб ўзгариши мумкин. Шунга ўхшаш вазият билимларни такрорлаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш дарсларида мумкин.

Математик дарсларда АКТдан фойдаланиш ўқитувчига қуйидагиларга имкон беради:

1. мультимедия хусусиятларининг бойлиги туфайли ўқув жараёнини янада қизиқарли ва жонли қилиш;

2. визуал таълим муаммосини самарали ҳал қилиш;

3. ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун ўқув материалларининг визуализациясини кенгайтириш.

Янги материални тушунтириш учун презентациялар ишлатилганда ўқувчиларнинг мавзуга катта қизиқиш билдиришлари кузатилди. Компьютер технологияларидан фойдаланиш дарслари нафақат ўқув жараёнини жонлантиради, балки ўқув мотивациясини ҳам оширади. Замонавий дарсни компьютер ахборот технологияларидан фойдаланмасдан тасаввур қилиш қийин.

Ахборот компьютер технологияларидан дарснинг исталган босқичида фойдаланиш мумкин:

1. Дарс мавзусини кўрсатиш.

2. Дарс бошида, ўрганилаётган мавзу бўйича саволлардан фойдаланиб, муаммоли вазиятни яратиш.

3. Ўқитувчининг тушунтиришига қўшимча сифатида (тақдимотлар, формулалар, диаграммалар, чизмалар, видеоклиплар ва бошқалар)

4. Билимни назорат қилиш.

Ахборот технологияларининг асосий таълимий аҳамияти шундаки, у сизга янада фаол интерфаол ўқув муҳитини яратишга имкон беради, бу эса ўқитувчи ва ўқувчининг ихтиёрида чексиз имкониятларга эга [1].

Компьютер ахборот технологияларининг анъанавий технологиялардан устунликлари кўп қиррали. Материални янада тасвирий, визуал тақдим этиш, билимларни ва бошқа барча нарсаларни самарали синовдан ўтказиш имкониятларидан ташқари, улар ўқувчилар ишидаги турли ташкилий шаклларни, ўқитувчи фаолиятидаги ўқитиш усулларини ўз ичига олади.

Агар ўқувчи бирон бир саволга қийналса, у ҳар қандай вақтда назарияга қайтиши ва материални қайта ўрганиши мумкин.

Таълим тизимининг асосий вазифаси муваффақиятли фан ва амалиёт, миллий ва инсоний қадриятлар асосида шахсларни шакллантириш, ривожлантириш ва касбий кайфиятни кўтариш, янги таълим технологияларини жорий этиш, таълимни ахборотлаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бундай муҳим муаммоларни ҳал қилишда янги авлодни сифатли ўқитиш учун математиканинг ўрни жуда муҳимдир. Ҳозирги дунё математиканинг кўп қиррали ривожланиши даври, шунинг учун математик маданият даражасини кўтариш асосий устувор вазифадир. Шунингдек, математиканинг ўрни жамият учун жуда муҳимдир, чунки агар сиз математик усулларнинг турли соҳаларидан фойдаланмасангиз, унда илмий тараққиёт бўлмайди. Бу нафақат тайёр математик маълумотлардан фойдаланиш, балки фан ва технологияларни ривожлантиришга, зарурат туғилганда янги ғояни тақдим эта оладиган математик билимли мутахассисларни тайёрлашга ёрдам берадиган янги ишларга йўл очишни англатади. Бу мутахассислар, шубҳасиз, бугунги мактаб ўқувчилари, эртанги университет ўқувчилари.

Флаш – бу 21-асрнинг инқилобий технологияси, келажак технологияси. Овоз эффектлари билан бир вақтнинг ўзида векторли графикани амалга оширади. Ушбу дастур овоз билан жиҳозланган, бу ерда сиз нафақат анимацион матнлар ва графикаларни яратишингиз мумкин, балки уни экспорт қилиш, импорт қилиш имконияти мавжудлиги сабабли, функционал графикаларни ва инқилоб жисмларини ўрганишда ўқитувчилар учун кўргазмали қуроллар яратишда етакчи дастур ҳисобланади. Анимация – бу объектларнинг ҳаракати, ўқув жараёнида анимацион объектлар, видеолардан фойдаланиш жуда муҳим, бу ўқувчининг математикани ўрганишга қизиқишини келтириб чиқаради.

Инновацион технологиялар ўқитувчига унинг ишида жуда фойдали, у ҳар доим ўқувчининг камчиликларини кузатиб бориши ва тузатувчи чоралар кўриши мумкин. Ҳозирги замоннинг ривожланиш суръати ўқитувчилардан тадқиқот соҳаларида ижодкорликни янги усулда қуришни талаб қилади. Шу сабабли, 21-аср – компютер ва ахборот технологиялари билан боғлиқ инновацион ва ўқув жараёни асри ўқувчининг фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Ахборот жамиятида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини шакллантирувчи ва компьютер саводхонлигини ривожлантирадиган умумий нақшлар билан кенг тарқалган педагогик технологияларнинг самарадорлиги юқори, натижада касбий салоҳиятни шакллантиришга йўл очилади.

Таълим соҳасида "Электрон дарсликлар"дан фойдаланиш нафақат ўқувчилар фаоллигини оширишга ёрдам беради, балки мантиқий фикрлаш ва ижодий томондан ёндашувларни шакллантиради. Фақат ўқитувчининг кўрсатмаларига риоя қилиш ёки фақат дарсликдан фойдаланиш замонавий дунё талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун электрон дарсликлардан фойдаланмасдан олдинга силжиш мумкин эмас. Натижада биз ўқувчидан муайян мавзуга қизиқишга ижодий ёндашамиз. Материални ўрганишда электрон дарсликларнинг ўрни жуда катта. Мавзунинг назарий жиҳатлари кенг муҳокама қилинган. График расмларни, контурни визуал равишда кузатиш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида тинглаш ва кўриш дарсни якунлашда яхши натижалар беради.

Бугунги кунда электрон дарсликни ишлаб чиқишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Аммо ўқитувчилар доимий равишда материалларни, тест топшириқларини янгилаб, қийинчилик даражалари бўйича тақсимлаганлиги сабабли, HTML улар учун энг қулай бўлади. HTML тилидаги шаклларнинг тузилиши, расмга гиперҳавола бериш, веб-саҳифадаги расмга ёки матнга филтрлардан фойдаланиш, буларнинг барчаси материалларда ёритилган ва мисоллар билан тасдиқланган [2].

Хулоса қилиб айтганда, катта тезликда ривожланаётган замонавий дунёнинг талабларига тўлиқ жавоб бериш учун ўқитувчига инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ёрдам керак. Шунинг учун ўқитувчининг ўзи биринчи навбатда инновацион технологияларни ўзлаштириши керак ва фақат бу ҳолда уларни ўқув жараёнида самарали қўллай олади.

Бугунги кунда ўқитувчининг асосий мақсади – таълим, ахборот, иқтисодий маконга кира оладиган, оғир рақобат шароитида омон қоладиган ва қандай ишлашни биладиган одамни тайёрлаш. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчига ресурслардан фойдаланиш, тўғри эслаб қолган нарсаларни эслаб қолиш ва қўллаш, ўрганиш маъносини тушуниш, ҳақиқий ҳаёт ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва дунёни бошқача нуқтаи назардан кўриш, ўқувчида ижодий тамойилларни уйғотишга ҳисса қўшишдир.

Норматив ҳужжатлардаги ўзгаришлар, ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ва янги марраларни забт этиш учун инновацион технологиялар ва компьютер дастурларининг такомиллаштирилиши муносабати билан "Флаш дастури, HTML тили ва инновацион технологияларнинг интеграцияси орқали математикани ўқитиш методологиясини такомиллаш-тириш" мавзусида тайёрланган илмий ишлар тўлдирилади.

Адабиётлар

1. Баракаев М. ва б. Замонавийлашув шароитида математика фанини ўкитиш технологиялари. Услубий кулланма (умумий урта таълим мактабларининг ўкитувчилари учун). – Тошкент: 2017, 231-б.

2. Mamadiyorov J.B. «Algebra va analiz asoslari» fanini oʻqitishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish metodikasi. Fizika, matematika va informatika. 2019, № 1. 21-28-b.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ахборот технологиялари ёрдамида математика фанини ўқитиш усуллари ёритилган. Унда компьютерда ўқитиш

тизими, жумладан, Флаш дастури, HTML тили, электрон дарсликлар ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается методика преподавания математики с использованием информационных технологий. Они включают в себя компьютерные системы обучения, в том числе программное обеспечение Flash, язык HTML, электронные учебники, а также методы использования современных информационных технологий.

SUMMARY

The article describes the methods of teaching mathematics using information technologies. They include computer training systems, including Flash software, language HTML, e-textbooks, as well as methods of using modern information technologies.

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.М.Мирзакаримова – *эркин тадқиқотчи*

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: умумтаълим фанлари, тадбиркорлик, педагогик шарт-шароитлар, умумий ўрта таълим мактаби, меҳнат бозори, илғор технология.

Ключевые слова: общеобразовательные науки, предпринимательство, педагогические условия, общеобразовательная школа, рынок труда, передовые технологии.

Key words: general education sciences, entrepreneurship, pedagogical conditions, general secondary school, labor market, advanced technologies.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ амалга оширила бошланди. Жумладан, 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг қабул қилиниши бу соҳада туб ўзгаришларга олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил сентябрь ойининг 14- куни қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг бир қатор моддаларида айнан ёшлар тадбиркорлигига алоҳида урғу берилган. Ушбу қонуннинг 3-моддасида ёшлар деганда мамлакатимизнинг 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслари тушунилиши белгилаб қўйилган. Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш учун давлатимиз ҳукумати томонидан кўплаб шарт-шароитлар яратиб келинмоқда ва бу давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди [1]. Шунингдек, ёшларимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка жалб этишда, касбга йўналтиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этиши мумкинлиги қонуннинг 19-моддасида акс этган [1] ҳамда қонуннинг 26-моддасига кўра, ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини ҳамда ёшлар тадбиркорлиги давлат томонидан қўллаб-қувватланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда ушбу қонунда давлатимиз томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшларимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли имтиёзлар ва афзалликлар белгиланишига алоҳида урғу берилган [1]. Мамлакатимизда ташкил этилган ёшлар ижтимоий хизмати ёшларни ижтимоий ҳимоя қилади ҳамда ёшларни тадбиркорликка йўналтиришни ривожлантиришга кўмаклашиш унинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади [1] .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони мамлакатимизнинг кейинги беш йили учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Беш йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида айнан таълим ва илм фанни ривожлантиришга алоҳида урғу берилган [2]. Унга кўра умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш мақсадида бир қатор фанлар, улар жумласига, чет тиллар, аниқ фанлар йўналиши бўйича информатика ҳамда математика, табиий фанлардан физика, кимё, биология каби ва бошқа муҳим, талаб юқори бўлган хорижий тиллар, аниқ ва табиий фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўқувчиларга ўргатишга алоҳида тўхталган. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлида сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос равишда давом эттириш Ҳаракатлар стратегиясининг асосий устувор вазифалари сифатида белгилаб олинган. Ушбу йўналишнинг аҳамиятга молик томони шундаки, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини такомиллаштиришда ҳамда ёшлар бандлигини таъминлашда, ишга жойлаштириш масалаларида умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш назарда тутилган [2].

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувлик мустаҳкамланиши ҳеч кимга сир эмас. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” [3].

Бизнес фаолиятининг инновационлигини, яъни замонавий ёндашувларга асосланганлиги, илғор технологиялар ва бошқарув усуллари асосида ташкил этилганлигини англатувчи иқтисодий йўналиш фаол тадбиркорлик ҳисобланади. Бу эса халқ таълими соҳасидаги таълим стандартлари ва илғор хорижий тажрибалар асосида ўқитиш услубларини ўқувчининг индивидуал, тадбиркорликка, шахсга ва касбга йўналтирувчи қобилиятини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини англатади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, битта ишсиз одам – ўнта муаммо дегани. Масаланинг нақадар жиддий эканлигини ушбу муаммолар туфайли ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зараридан англаш мумкин [4].

“Ҳар бир оила – тадбиркор” ҳамда “Ёшлар – келажагимиз” дастурлари доирасида мамлакатимизда

сезиларли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйиши учун катта имтиёзлар берилмоқда [4].

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёш авлоднинг илмга, ҳунарга бўлган интилишларини ҳар томонлама кучайтириш, келажак авлоднинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш давлатимиз томонидан амалга оширилаётганислоҳотларининг марказида бўлиб келган [5].

Жорий йилнинг 21-22 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи давомида 11-синф битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда “Андижон тажрибаси”ни жорий этиш бўйича битирувчиларнинг кафолатланган касб-ҳунар ва иш жойларига эга бўлиши, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган имтиёзли кредитлар, ер майдонларининг ажратилиши бўйича туман ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари ва иш берувчилар билан аниқ, мақсадли ҳамкорликни кучайтириш, бу жараёнда мавжуд имкониятлар асосида битирувчилар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, “Ҳоким ва ёшлар учрашуви” ҳамда секторлар раҳбарларининг битирувчилар билан учрашувларини амалий натижаларга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш белгилаб берилди.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш келажакда меҳнат бозорида рақобатбардош, масъулиятли, ўз касбини яхши эгалланган ва боғлиқ фаолият соҳаларини тушунувчи, жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга қодир, тегишли билим эгаллашда шахснинг эҳтиёжларини қондиришни белгилайди.

Умумий ўрта таълим мактабларида умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш муаммоси етарли ўрганилмаган, умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёнига таъсир этувчи омиллар аниқланмаган, мазкур жараён етарли назарий-методологик таъминланмаган ва унинг самарадорлиги учун педагогик шарт-шароитлар етарли ишлаб чиқилмаган.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқорида келтирилган фикрлар мақоланинг муаммосини белгилаб беради ва ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш тизимини такомиллаштириш бўйича халқ таълими тизимида етарлича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаганлигига асос бўлади. Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш, назарий-амалий жиҳатларини асослаш ва илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, 10-11 синфларда умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёни, умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш мазмуни ва педагогик шарт-шароитлари мустаҳкамлаш лозим.

Умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини аниқлашда умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг ижтимоий-педагогик, касбий ва шахсий ривожланиш имкониятлари; касб танлаш мотивлари; ўқувчиларнинг мойилликлари, қизиқишлари, қадриятга йўналганлик омиллари эмпирик жиҳатдан асосланиши; умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш модели ва технологияси ишлаб чиқилиши ҳамда қўлланилиши таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, умумий ўрта таълим мактаблари ёшларида тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммолар ҳам ҳал этилади [4].

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2016 йил 14 сентябрь,ЎРҚ-406-сон.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами., 2017 й., 6-сон, 70-модда. LexUZ шарҳи, / «Халқ сўзи» 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сонида.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 2016 йил, декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил, январь. @prezident_uz телеграм канали.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” маърузаси.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, назарий-амалий жиҳатларини асослаш ва илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, 10-11 синфларда умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш жараёни, умумтаълим фанларини тадбиркорликка йўналтириб ўқитиш мазмуни ва педагогик шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается педагогические условия преподавания общего образования предпринимательству, обоснование теоретических и практических аспектов и разработка научно обоснованных предложений и практических рекомендаций, процесс преподавания общеобразовательных предметов в 10-11 классах с предпринимательством, содержание обучения общему образованию предпринимательства и мнения и соображения, связанные с педагогическими условиями.

SUMMARY

The article outlines the pedagogical conditions for the teaching of general education to entrepreneurship, substantiation of theoretical and practical aspects and development of scientifically based proposals and practical recommendations, the process of teaching general education subjects in grades 10-11, focused on entrepreneurship, the content of teaching general education to entrepreneurship and opinions and considerations related to pedagogical conditions.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ ПРЕДМЕТИНИНГ ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ

П.Ш.Мырзамбетов – *катта ўқитувчи*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия, методика, предмет, амалиёт, кўникма, факт, педагогик жараён.
Ключевые слова: физическое воспитание, методика, предмет, практика, умение, факт, педагогический процесс.
Key words: physical education, methodology, subject, practice, ability, fact, pedagogical process.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани мутахассисликга йўналтирилган ўқув предмети сифатида жисмоний тарбия мутахассислари учун фундаментал билимлар тизими, инсон жисмоний баркамоллиги ва унга эришиш ҳамда бошқаришнинг умумий қонуниятларини ўргатади.

Жисмоний тарбия назарияси илмий фан тарзида жисмоний тарбияга оид мавжуд фактларни изоҳлаб беради ва умумлаштиради. Амалий фан сифатида инсоннинг жисмоний баркамоллигининг воситалари, жисмоний тарбияси шакллари ва унинг услубияти ҳақидаги амалий, назарий билимларни беради, ҳаётий - зарурий ҳаракат малакалари ва кўникмалари заҳирасини оширади.

Жисмоний тарбия назарияси ва унинг амалиёти ҳамиша ривожланишда ва мукаммаллашиб боради. Амалиёт натижалари, илмий тадқиқот маълумотлари, жисмоний тарбия назариясини ва услубиятини янгича тамойиллар ва қонунлар билан бойита боради. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия назарияси ва методикаси предмети қотиб қолган ўзгармас маълумотлардан иборат бўлиши мумкин эмас.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси ижтимоий, табиий, педагогика фанлари эришган муваффақиятларга таянади. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси ҳар қандай ҳолатда илмий педагогиканинг асосини ташкил этувчи умумий қонунлардан, принциплар ва қоидалардан фойдаланади, шу жумладан, барча спорт фанлари учун ҳам бу қонунлар, принциплар ва қоидалар мос келади ва ўзига хос маъно касб этади.

Ўқув фани сифатида шаклланиши ва унинг ривожланишига жамият аъзоларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш мумкинлиги ҳақидаги назарий фикрнинг вужудга келиши ва унга интилиш сабаб бўлди. Бу билан инсоннинг жисмоний ривожланишини бошқариш меҳнат ва ҳарбий амалиётда юқори самара бериши исботланди.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг мазмуни қуйдагиларни ўз ичига олади:

- жисмоний тарбия жамият маҳсули эканлиги, ижтимоий ҳодиса сифатида тарбиянинг бошқа шакллари билан боғлиқлиги;
- жисмоний тарбиянинг мақсади, унинг умумий вазифалари ва тамойиллари;
- жисмоний тарбиянинг воситалари, методик принциплари;
- ҳаракатга ўргатиш, ўқитишнинг услублари;
- жисмоний сифатларни ривожлантириш;
- жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларини ташкиллашнинг шакллари;
- жисмоний тарбия жараёнини режалаштириш ва унинг ҳисоботи;
- жисмоний тарбия услубиятининг хусусиятлари;
- мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси;
- спорт тренировкаси жараёнининг тавсифи.

Педагогик жараён тарзида жисмоний тарбиянинг умумий қонуниятлари жисмоний тарбия назариясининг ўрганиш предмети ҳисобланади. Умумий қонуниятлар деганда, аҳолининг ҳар қандай табақасини: болалар, ўсмирлар, ёшлар, ўрта ёшдагилар, катталар ва қариялар ҳамда жисмоний машқлар билан шуғулланишни эндигина бошлаганларни, малакали спортчиларни жисмоний тарбиясининг хусусий томонлари тушунилади.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия услубияти жисмоний тарбиянинг ажратиб олинган айрим хусусий қонуниятларини ҳам ўрганиш предмети қилиб белгилайди ва педагогик жараённинг умумий қонуниятларини амалга оширишда “Умумий ва касб махсус жисмоний тайёргарлиги методикаси” сифатида аниқ йўналишдаги методикалардан фойдаланилади. Бундай услубиятларнинг ҳар бири ўз ичида хусусий услубларга эга. Услубларнинг турли-туманлиги шуғулланувчиларнинг қайси психологик типларига мансублилиги, уларнинг ёши, жинси, қайси касб эгаси эканлиги ва танланган спорт мутахассислиги (мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси методикаси ва ҳ.к.)га хос ва мос келиши керак.

Спорт педагогикасининг айрим фанлари услубияти (спорт ўйинлари, гимнастика ва бошқаларни ўқитиш методикаси) алоҳида мустақил ажратилган илмий ва ўқув фанлари тарзида шаклланган. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти фани эса уларни ягона назарий ва услубий асослар билан қуроллантиради, ўрганиш предметлари характерига кўра педагогика фанлари тизимидаги фан сифатида ўз қоидаларини ижтимоий психологик ва биологик факторлар ҳисобига тўлдиради.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг ривожланиши учун қуйидагилар асосий манба ҳисобланади:

- мамлакатимизда жисмоний маданият ва спортни юксалтиришнинг йўллари ҳозирги пайтдаги аҳволи, ҳақидаги хукумат қарорлари, қонунлари;
- жамиятининг ривожланиши давомида инсонни ҳар томонлама камол топтириш ҳақидаги прогрессив таълимотлар. Бу таълимотлар инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши ҳуқуқинигина овоза қилиш билан кифояланмай, унинг мазмунинини очишга уриниш ҳамда шу ғояларни амалга ошириш йўлларини назарий, амалий жиҳатдан асослашдан иборатдир;
- жисмоний тарбия назарияси ва услубияти соҳаси буйича олиб борилган ва олиб борилаётган илмий изланишлар ва бошқа аралаш фанларнинг жисмоний тарбияга оид тўплаган назарий, амалий билимлар тизими;
- ижтимоий турмуш тарзининг ҳаётий амалиёти тажрибаси, жамиятнинг юқори жисмоний тайёргарликка эга бўлган кишиларга талаби.
- жамият аъзоларининг жисмоний тарбия қонуниятларини билиши ва шу асосда инсон жисмоний камолоти тизимини тузиш ва уни бошқаришга интилишни вужудга келиши:
- жисмоний тарбия тизими мавжуд жамият маънавиятининг бир бўлаги ҳисобланган жисмоний маданият концепциялари;
- жисмоний тарбия амалиёти – манба сифатида назарий қоидаларнинг ҳаётийлигини текширади, амалиётда туғилган оригинал ғоялардан фойдаланади ва улар эса тарбия назарияси ва методикасини бойитади.
- архив материалари , шахсий кузатиш натижалари (кундаликлар, спортчилар ва уларнинг мураббийларининг режалари, мусобақа баённомалари, конспектлар, маъруза матнлари ва ҳ. к. лар) жисмоний тарбия назариясини бойитади ва унга манба бўлиб хизмат қилади.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг ривожланиши бир неча даврларни ўз ичига олади.

Биринчи давр – инсон ўзининг ижтимоий фаолияти давомида ҳаракат фаолиятининг организмга таъсири ҳақидаги энг дастлабки (эмпирик) билимлари (Понамарев Н.И. 1975). Энг дастлабки эмпирик билимларнинг

тўпланиши "машқланганлик"нинг фойдасини кузатиш усулларини англашга имкон яратди. Бу "жисмоний машқлар"нинг ва "жисмоний тарбия"нинг пайдо бўлиши учун шароит яратилишида омил бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи давр – жисмоний тарбия жараёнида қўллана бошлаган дастлабки услубиятларнинг яратилиши – қадимги Юнонистонда қулдорлик давлати даврини ва Ўрта асрни ўз ичида олади.

Жисмоний тарбиядаги бу услублар тажрибалар орқали вужудга келтирилган бўлиб, файласуфлар, педагоглар, шифокорлар одам организмининг фаолияти қонуниятларинини ҳали билмаслиги сабабли жисмоний машқлар таъсири механизмини тушунтира олмас, шунга кўра жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг фойдасини ташқи натижаларга қараб баҳолардилар. Юнонистоннинг жисмоний тарбия услубияти айтарли даражада маълум эди. У мавжуд воситалар ва услубиятларни ривожлантириш учун уларни ягона тизимига бирлаштира олган эдилар.

Ўрта асрнинг ўрталарида услубиятларининг хиллари ортди. Гимнастика, сузиш, ўйинлар, камон отиш, отда чопиш, қиличбозлик буйича дастлабки қўлланмалар пайдо бўлди. Аждодларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Берунийларнинг жисмоний тарбияга оид илмий дунёқарашлари вужудга келди.

Учинчи давр – жисмоний тарбия ҳақидаги назарий билимларнинг интенсив тўпланиши. Бу давр уйғониш давридан XIX асрнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Инсон тарбияси, уни ўқитиш, даволаш ҳақидаги фаннинг ривожланиши, файласуфлар, педагог ва шифокорларнинг жисмоний тарбия муаммоларига эътибор қила бошлашлари даври, фалсафий, педагогик ва тиббий маълумотларнинг, билимларининг вужудга кела бошлаган даври. Бу маълумотлар ҳали турлича эди, чунки кўпинча ўша даврда мустақилроқ саналган фалсафа, педагогика, тиббиёт фанлари таркибида вояга етар эди. Йўл-йўлакай, аммо зарур бўлган даражада бундай илмий фанларнинг вакиллари кўпинча ўз муаммоларини жисмоний тарбиянинг ролини ҳисобга олмай ҳал қилиш мумкин эмаслигини тушуна бошладилар.

Жумладан, швейцариялик демократ, педагог И.Г.Песталоцци томонидан (1746-1827) болалар ҳаракат қобилиятини ривожлантириш учун тузилган жисмоний машқлар тизимини яратишдаги бўғинлар (суставная) гимнастикаси умумий педагогика назарияси ичида алоҳида ўринни эгаллайди. XVIII асрда анатомлар томонидан жисмоний машқлар "биомеханикаси" бўйича изланишлар олиб борилди, XIX асрда эса жисмоний тарбия ҳақида илмий назарий ишлар вужудга келди.

Жамият ҳаётида жисмоний тарбиянинг роли, тарбиянинг синфий характерга эга эканлиги илмий асосланди. Тарбиянинг мазмуни очилди ва унда жисмоний тарбиянинг ўрни аниқланди ҳамда шахсни ҳар томонлама ривожлантириш йўллари белгиланди.

Айнан шу даврда жисмоний тарбия назариясига асос солинди, деб ҳисобга олиниб, соҳа бўйича илмий фаразлар ва билимлар тўпланиши орқали мустақил фан сифатида ажралиб чиқди.

Тўртинчи давр – XIX асрнинг охиридан илмий ва ўқув фани сифатида жисмоний тарбия назарияси ва методикаси шакллана борди. Бу даврнинг характерли томони шундаки, фан сифатида жисмоний тарбия жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Жисмоний тарбия соҳаси назарияси олимларидан бири Петр Франсевич Лестафт (1837-1909) ўзининг тарих методикасига оид асарлари билан ҳозирги замон жисмоний тарбия назарияси ва методикаси мустақил илмий-назарий ва ўқув фани (предмети) эканлигини илмий-амалий исботлади.

Бешинчи давр – ривожланган мамлакатлар ва собиқ шўролар давлати олимларининг изланишлари даври бўлиб, фаннинг интенсив ривожланиши материалистик диалектикага асосланган ҳолда ўша даврда прогрессив ҳисобланган методларга таяниб амалга оширилди.

Жисмоний тарбия муаммоларини мажмуавий ҳал этишда бутун бир олимлар жамоалари, мутахассислаштирилган илмий ва ўқув муассасалари самарали меҳнат қилдилар. Амалий материалларнинг мўллиги, янги қонуниятларнинг очилиши, дастлабки ягона жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг дифференцияланишига олиб келди. Янги махсус фанлар "Жисмоний маданиятни ташкиллаштириш ва бошқариш" "Жисмоний машқлар биомеханикаси", "Спорт психологияси", "Спорт метрологияси", "Спорт физиологияси", "Даволаш физкультураси", "Жисмоний машқлар гигиенаси" ва бошқалар ажралиб чиқди. Юқоридаги фанларнинг айрим соҳалари қатор аралаш фанларнинг билимларидан кенг фойдаланиш лозимлигини кўрсатди. Масалан, болаларнинг спорт мутахассислиги муаммоси – бу фақатгина спорт педагогикаси муаммосигина бўлиб қолмай, ижтимоий, психологик, социологик ва биологик муаммолардир. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси курсида педагогик жараён муаммоларини умумий психология, педагогика, физиология ва бошқа фанларнинг далилларисиз тўла изоҳлаб, исботлаб бўлмайди.

Адабиётлар

1. Саламов Р.С. Спорт машғулотларининг назарий асослар. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзДЖТИ. Нашриёт-матбаа бўлими, 2005.
2. Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati. "Ita press", 2015.
3. Тоймуродов Р.А. Ўзбек миллий кураши. – Тошкент: "Ибн Сино", 1990.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жисмоний тарбия назарияси ва методикаси предметининг таълим-тарбия тизимидаги аҳамияти тўғрисида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается значение предмета теории и методологии физического воспитания в системе образования.

SUMMARY

The article discusses the importance of the subject of theory and methodology of physical education in the educational system.

BASLAWÍSH TÁLIMDE PÁNLER INTEGRACIYASÍ TIYKARÍNDA BILIM SAPASÍN ARTTÍRÍW

N.M.Nagmetova – *pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktorı*

Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar: integratsiyalangan ta'lim, boshlang'ich ta'lim, integratsiyon bog'liqlik, «Shaftolining novdasi», o'qishni tashkil etish shakllari, mavzuni to'g'ri tanlash, integraciyalangan dars.

Ключевые слова: интегрированное образование, начальное образование, интегрированная взаимозависимость, «Персиковая ветка», формы организации обучения, правильный выбор темы, интегрированный урок.

Key words: Integrated education, primary education, integrated interdependence, "Peach Branch", forms of learning organization, correct choice of topic, integrated lesson.

Ǵárezsiz elimizde sońǵı jıllarda júrgizilip atırǵan bilim reformasına tiyisli túpkilikli ózgerisler, atap aytqanda jáhánde rawajlanǵan mámleketlerdegi bilim siyasatınıń tiykarǵı kórsetkishi bolıp esaplanatuǵın, bilim beriw dárejesine endiriw procesi – jámiyetlik ortalıqtaǵı insanlardıń ayrıqsha pikirleri menen kóz-qarasların qálip-

lestiriwge tiykar boldı.

Integraciyalasqan tálim pedagogika iliminiń baslı máselesi bolıwı menen birge házirgi kúndegi ilimlerdiń integraciyalanıw tendenciyası jağdayında mekteplerdiń bilim mazmunın bildiriwdiń eń baslı shárti bolıp esaplanadı.

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2019 jıl 29 apreldegi «Ózbekstan Respublikası Xalq bilimlendiriw sistemasın 2030 jılğa shekem rawajlandırıw koncepciyasın tastıyıqlaw haqqında»ğı PP-5712-san Pármanında «mámleket bilimlendiriw standartları kompetenciyalıq qatnasqa tiykarlanğanlığına qaramastan, oqıtıw hám bahalaw metodları, sonıń menen birge sabaqlıqlar hám basqa oqıw materialların tiykarınan informaciyanı yadlaw hám bayanlawğa qaratılğan bolıp, sın pikirlew, informaciyanı ózbetinshe izlew hám analiz etiw kónlikpeleri hám basqa ilimiy tájriybelerdi rawajlandırıwğa tosqınlıq jasap atır». Baslawısh mektep tálim hám tárbiyasın integraciyalaw mashqalası teoriya ushın da, ámeliyat ushın da áhmiyetli bolıp tabıladı.

Integraciya (lat. Integratio – tiklew, tolıqtırıw, birlestiriw, integer – bútin sózinen alınğan) sintezlep bir pútkil etip birlestiriw, logikalıq pútin halga keltiriw mánisinde túsiniledi. Tálim mazmunın integraciyalaw degende pánlerdiń jaqınlasıwı hám óz-ara baylanıs procesi, bir-birin talap etetuğın, keńeytiretuğın, tereńlestiretuğın oqıw predmetleri mazmunın sintezlew, yağnıy logikalıq birlestirip bir pútkil (pútin) jağdayğa keltiriwdi túsinemiz.

Integraciyalıq baylanıslar teoriyalıq bilimdi is júzinde qollanıwğa, ilimniń hártúrli tarawları haqqında keń túsinigi bar adamdı tárbiyalawda múmkinshilik beredi, oqıwshılarğa bilim beriw hám olardıń biliw qabiletin rawajlandırıwğa jağday jasaydı.

Kóplegen pedagoglar menen psixologlar pikirlerine qarağanda, oqıwshılardıń hártúrli pánlerdegi bilimler menen uqıplılıqlardı, qolaylılıqtıń individual elementleri arasındağı baylanıslardı bilip hám qabıllanıwı olardıń bilimlerin bir dizimge túsiredi, aqıl-oyına, biliw xızmetine dóretiwshilik kórinis beredi.

Ilimiy ádebiyatlarda intergreciyalasqan tálimniń didaktikalıq tiykarında oqıw pánleri alınğan bolıp, ilimlerdiń gumanitarlıq, tábiyatanıw hám texnikalıq bolıp dástúrli biriktirliwi, olardıń izertleytuğın ob'ektleriniń ortaqlılığında, pánlik qatnaslardıń birligine tiykarlanğan. Olar jámiyet, tábiyat, miynet tarawları boyınsha biriktiriledi de, hár pán óz ishinde bilim iskerliklerge arnalğan materialdı hám oqıwshılardıń ulıwma biliw ob'ektlerin bir dizimge keltiredi.

Sonıń menen integraciyalasqan tálimniń áhmiyetine mınalar jatadı:

1. Oqıw pánler arasındağı ózara baylanıstıń bolıwı – ilimler tiykarın baqılawdıń hám bilim diziminiń rawajlanıwınıń zárúr shárti bolıp tabıladı.
2. Kózqaraslardıń qáliplesiwi bilim mazmunınıń tiykarğı bólekleriniń baylanısın talap etedi.
3. Integraciyalasqan tálim hár tárepleme tálim-tárbiya beriwdiń barlıq tarawların kompleksli ámelge asırıwğa tásir jasaydı.
4. Integraciyalasqan tálim pedagogikalıq miynettiń ilimiy tiykarında tiyimli shólkemlestiriliwine járdem beredi.
5. Pedagoglardıń is-háreketiniń ózara kelisimli hám demokratiyalıq negizge is alıp barıwına tásir etedi.

Hár anıq wazıypanı oqıw-tárbiya procesi arqalı ámelge asırıladı. Intergaciyalasqan tálim oqıtıwdıń mazmunı, usılları, oqıtıwdıń shólkemlestiriw túrleri menen sheklenbeydi. Ol oqıwshı menen muğallimniń oqıw-biliw is-háreketiniń bir bóligi bolıp esaplanadı.

Sonıń menen integraciyalasqan tálim óziniń mánisi jağınan kópmağınalı pedagogikalıq mashqala bolıp tabıladı. Demek, integraciyalasqan tálim mazmunlı usıllar dizimin hám shólkemlestiriw jumıslarınıń túrlerin sapalılıq jağınan qayta burıwğa jeteleydi. Nátiyjede oqıtıwdıń rawajlandırıwshılıq, bilim hám tárbiya beriwshilik xızmeti ob'ektivli túrde keńeyedi.

Integraciyalasqan tálimlerdi ámelge asırıwdıń tiykarğı kórsetpeleri: pán boyınsha oqıwlıqlardı, oqıw quralların jazıw kezinde; oqıw orınlarınıń túrine baylanıslı metodikalıq hám oqıw-metodikalıq jumıslardı júrgiziwde bulardı baslı názerde uslağan jón. Sonday-aq, pedagogikada belgilengen pánler aralıq baylanıslardı oqıw materiallarınıń waqıt kriteriyası, jekelegen pánlerdegi oqıw materialın faktilik, jámiyetlik, teoriyalıq xabarlıq máni; oqıw pánlerindegi bilimler menen is-háreket túrleri; mazmunlıq xabar, operaciyalıq is-háreketlik, shólkemlestiriw-metodikalıq negizine tán tallap juwmaqlanğan túri boyınsha ámelge asırğanımız abzal bolıp tabıladı.

Sonday-aq, integraciyalasqan tálim haqqında I.Pestalocci óziniń maqalasında oqıw sabaqlıqlarındağı baylanıslılıq máselesine keń toqtalıp óter eken: "Bir-biri menen baylanıslı pánler sanasına keltir, olardı tábiyattağı tığız baylanıslılıq jağdayında ekenin bil" – deydi. Pestalocci bir pánniń basqa bir pánnen uzaqlasıwı hátte qáwipliligin aytıp ótedi.

Baslawısh tálimde integraciyalanğan tálimnen paydalanıwda tájiriybe-sınaw jumısları reje tiykarında alıp barıldı. Oqıtıwshılardan anketa sorawlarına ótkizdik.

1. Siz integraciyalanğan tálimnen paydalanasız ba? degen sorawımızğa 80% oqıtıwshı pedagogikalıq texnologiyalardan paydalanıp ótiwdi aytıp ótken. Bunnan kelip shığadı hátteki bazı bir oqıtıwshılarımız integraciyalanğan tálimniń alıp barılıw procesin de túsinbegen sıyaqlı.

2. Siz sabaq procesinde integraciyalanğan tálimnen kóbirek qaysı pánlerdi baylanıstırıp ótesiz? degen sorawımızğa 80% oqıtıwshı ana tili menen oqıw sabaqlığın, súwret penen miynetti baylanıstırıp ótiwlerin keltirip ótken. Bunnan kórinip turıptı oqıtıwshılarımız bir-birine tikkeley jaqın bolğan pánlerdi ğana baylanıstırıp ótedi eken.

Tájiriybe-sınaw procesinde baslawısh klaslarğa ózimizdiń integraciyalanğan sabaq islenbelerimiz boyınsha alıp barğan temalarımız óz nátiyjeliligin taptı.

Bunda biz 4-klass oqıw sabaqlığındağı berilgen «Shabdaldıń shaqası» atlı gúrrińin integraciyalasqan formada alıp baramız.

Bunda biz Amet degen balanıń shabdal ağashın sındırıp qoyıp, ózinde qanshelli ayıpker sezingenin, baqtıń iyesi Seydan atadan keshirim sorawğa ózinde kúsh taba almağanlığı hám hár mektepten qaytqanda sınğan miyweli shabdal ağashınıń kúnnen-kúnge solıp baratırğanın kórgen Amet ózinde kúsh tawıp atadan keshirim sorawğa bel baylağan, tábiyatqa, adamlarğa qanshama zıyan keltirgen bala haqqında gúrriń berilgen. Bunda:

1. Tábiyat kórinisleri;
2. Usı tema boyınsha gúrriń jazıw (ana tili sabağına)
3. Shabdal ağashınıń sınğan kórinisin salıw (súwret sabağına);
4. Ádep-ikramlılıq tárbiyası;

Miywe bağı kórinisi, tábiyat hám shabdaldıń miyweleri qanshelli mazalı ekenligi ulıwma alğanda tábiyat penen baylanıstırıp, bir pánniń ózinde birneshe pándi baylanıstırıp, pánler aralıq integraciyalap alıp barıwımız jaqsı nátiyjelerge erise aldıq. Oqıwshılar ushın hám hár tárepleme oqıwshılardı bilimlendiriwshilik hám tárbiyalıq pazıyletlerdi úyretip barsaq maqsetke muwapıq bolar edi.

Integraciyalasqan oqıtıwdıń natiyjeliligi oqıwshılardıń pánlerdi hár tárepleme analiz ete alıwı, oqıtıwshınıń oqıwdı shólkemlestiriw formaların, pedagogikalıq tárepten temanı durıs tańlawğa baylanıslı bolıp tabıladı.

Integraciyalanğan tálimnen paydalanıw:

- oqıwshılardıń keń, erkin pikirlewdi rawajlandırıwğa úles qosadı;
- oqıw pánlerine kompleks qatnastı qáliplestiredi;
- oqıwshılardıń bilim alıw sapasın jaqsılaydı;
- oqıwshılardıń hámme pánge bolgan qızığıwshılığın

arttıradı hám rawajlandıradı;

- oqıwshılardıń dúnyaǵa kóz qarasın keńeyttiredi, oqıwshılardıń dóretiwshilik qabiletleriniń rawajlanıwına járdem beredi hámde oqıw materialların tereń túsinip jetiwge, ózlestiriwge járdem beredi.

Ádebiyatlardı analizlep, bir neshe integrallasqan sabaqlardı ótkizgenimizden soń, tómendegi juwmaqlarǵa keldik.

1. Integraciya - óyrenilip atırǵan pándi tereń, izbe-iz hám hár tárepleme ashıp beretuǵın jetekshi poziciyalar tiykarında pánler, bólimler, hár qıylı temalardıń tábiiy ózara baylanıslılıǵı.

2. Oqıtıwshı integraciyalanǵan sabaqlardıń maqsetin anıqlawı, úyrenilip atırǵan materialdıń mazmunın tereń úyrenip shıǵıwı, temaǵa sáykes keletuǵın oqıtıw usılların hám quralların tańlawı, kelip shıǵatuǵın nátiyjeni boljawı kerek.

3. Integraciyalanǵan sabaqlardan ónimli paydalanıw berilgen materiallardı ózlestiriw dárejesin joqarılatadı.

4. Integraciyalanǵan tálim balanıń pikirlew, seziw, túsiniw, háreket etiw qábiletiniń qáliplesiwine úles qosadı.

5. Integraciyalanǵan sabaqlar klassta ǵana emes, ekskursiya formasında da ótkiziwliwi múmkin.

Ádebiyatlar

1. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони.

2. Boshlanǵich ta’lim pedagogikasi, innovaciya va integraciyasi. O’quv qo’llanma. /R.Mavlyanova, N.Raxmankulova. – O’zbekiston Respublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi. – Toshkent. Voris nashrioti, 2013. – 240 b.

3. Oqıw kitabı. 4-klass: Tórt jıllıq baslawısh mekteptiń 4-klası ushın sabaqlıq. Nókis: «Qaraqalpaqstan», 2017, 216 bet.

REZYUME

Maqolada hozirgi kunda integratsiyalash tendensiyasi holatida maktablarning bilimlari mazmuni, boshlang’ich ta’limda intgratsiyalangan ta’limdan foydalanish usullari, dars ishlari ko’rsatilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыто содержание обучения в школах, способы использования интегрированного обучения в начальном образовании, планы уроков в современных тенденциях интеграции.

SUMMARY

The article describes the content of education in schools, methods of using integrated teaching in primary education, lesson plans in the current condition of integration tendency.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

К.Ю.Норова - *таянч докторант*

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

Таянч сўзлар: тамойил, концептуал асос, таьлим менежменти, ҳамкорлик, бошқарув, инновация, педагогик жараён, фан, тизим.

Ключевые слова: принцип, концептуальная основа, управление образованием, сотрудничество, менеджмент, инновация, педагогический процесс, предмет, система.

Key words: principle, conceptual framework, education management, cooperation, management, innovation, pedagogical process, subject, system.

Дунё миқёсида олий таълим муассасаларида таҳсил олувчиларининг билим, кўникма, малака эгаллашларини такомиллаштириш, интеллектуал ва деентологик камолотини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, уни инсонпарварлаштириш, ўқув предметларига соғломлаштирувчи технологияларни жорий этиш, узвийлиги ва узлуксизлиги, ривожлантирувчи ва ижтимоийлаштирувчи мақсадларини таъминлаш, мутахассисларни, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг креативлиги, ижодкорлигини ошириш вазифалари қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, бошқарув назариялари ва педагогикага алоқадор классик қарашлар таълим менежментининг концептуал асослари бўлиб ҳисобланади [1,2,5]. Мазкур асослар таълим-тарбия (педагогик жараёнлар) тизимида кенгислоҳотлар ўтказишга замин яратди.

Концептуал асосларга мувофиқ таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркиби, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш, таълим-тарбия тизимини бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера оладиган қилиб бошқаришга йўл очилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2018 йилнинг 7 майдаги “Иқтисодиёт ва соҳа йўналишларига инновацияларни татбиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3569-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан педагогик жараёнларни оқилона бошқаришга хизмат қилади [3,4,].

Бошқарув – маълум бир фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги вазифаларни бажариш лозимлигини ўрганадиган ҳамда турли шароитларда бошқарув функцияларини вазиятларга кўра қандай амалга оширилиши, у ёки бу функционал вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга қандай омиллар таъсир кўрсатишини ўрганувчи жараён. Маълумки, инглизча "менежмент" сўзи бир неча семантик маънога эга. Биринчидан, хусусий ва давлат бизнеси соҳасида бошқарув ишларини олиб бориш; иккинчидан. тадбиркорлик фаолияти, турмуш тарзи ва замонавий жамият сиёсатига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий институт; учинчидан. ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларининг техник ва ташкилий, ижтимоий жиҳатларини ўрганадиган илмий фан. Бинобарин, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Таълим менежменти” педагогик жараёнларни бошқариш тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллари тўпламини ўзида акс эттиради.

Педагогик жараён – педагогик категориялардан бири бўлиб, маълум бир мақсадга йўналтирилган педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмунан бойитилган тизим бўлиб, бунда педагогик фаолият- эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий каби мақсадларга мувофиқ равишда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг ақлан ўйлаб кўрилган, катта ёшдагиларнинг ижтимоий зарур бўлган меҳнатининг ўзига хос туридир [6:17]. Педагогик бошқарувнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд:

- инсонга ҳурмат ва ишонч принципи;
- шахсга яхлит қараш принципи;
- ҳамкорлик тамойили;
- ижтимоий адолат принципи;
- бошқарувга индивидуал ёндашиш принципи;

- ўқитувчи ишини бойитиш принципи;
- шахсий рағбатлантириш принципи;
- келишув тамойили;
- жамоавий қарорлар қабул қилиш принципи;
- мақсадли уйғунлик тамойили;
- горизонтал боғланиш принципи;
- автоном бошқарув принципи;
- доимий янгиланиш принципи [7:13]

Юқорида келтирилган ҳар бир тамойилга батафсилроқ тўхталиб ўтадиган бўлсак, шахсга бўлган ҳурмат ва ишонч принципи раҳбар ва ўқитувчилар таркибининг асосий принципи бўлиб, ҳар бир ўқитувчининг эътиқодида акс этади, унинг хатти-ҳаракатларини рағбатлантиради ва ўқитувчилар жамоаси ва бутун таълим муассасаси ҳаётида акс этади.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда шахснинг яхлит қараш принципи таълим муассасасининг қиймат тизимидаги иккинчи муҳим позициядир, бунда раҳбар ва педагоглар таркибининг ҳар бир аъзосини нафақат касбий фаолиятни амалга оширувчи субъект сифатида эмас, балки унинг барча эҳтиёжлари, ниятлари, мақсадлари, ушбу жараёндаги барча кечинмаларни бошидан ўтказувчи шахс сифатида белгилайди. Шу билан бирга, ҳар бир ўқитувчи таҳсил олувчининг барча хислатлари ва ўзлигида намоён бўлувчи сифатларда шахс ўрнида кўради.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг ҳамкорлик принципи таълим менежментидаги монологдан диалогик асосга ўтишни, коммуникацияли мулоқот, субъект – субъект муносабатларига ўтишни таъминлайди. Ундан келиб чиқадиган баъзи талаблар:

шахсни педагогик тизимнинг пассив элементи эмас, балки фаол иштирокчиси сифатида кўриш;

ўқитувчиларнинг шахсий фазилатларини билиш ва ҳисобга олиш ва шу асосда ўқув муассасасида юқори самарали иш муҳитини яратиб, улар ўртасида мақбул ижтимоий ва педагогик алоқаларни шакллантириш;

ўқитувчида таҳсил олувчиларга нисбатан инсоний муносабатни, компетенция, ташаббускорлик ва жавобгарликни қадрлаш;

ўқитувчида нафақат масъулиятлилик ва жавобгарлик ҳиссини, балки унинг ўрни ва нуфузи, таълим муассасасини бошқариш жараёнида фаол иштирокчи сифатидаги ташкилотчилиги малакаларини ривожлантириш;

раҳбар ва ўқитувчиларнинг биргаликдаги фаолиятининг асосий шарти сифатида: инсонпарварлик, онгли интизом, ташаббускорлик, педагогик мақсадга мувофиқ иш юритиш кабиларга амал қилиш.

Юқорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республика олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг ижтимоий адолат принципи муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир педагогик жараён иштирокчилари бошқалар билан тенг мавқега эга бўлган таркибда шундай бошқарилишни назарда тутадики, маъмурият билан ўзаро муносабатларда фақат шахснинг мақсади эмас, балки бошқарувнинг мақсадига устуворлик бериш қулайлигини тан олиш сифатида тушунишга асосланган.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг мақсадни уйғунлаштириш принципи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу принцип таълим мақсадларига мувофиқликни ва мақсадга йўналган фаолиятни таъминлайди. Натижада, мақсад яхлитлиги таълим тизимини бошқариш вазифаси билан уйғунликда, профессор-ўқитувчилар фаолиятини ўқув юртнинг умумий мақсадларига мос келадиган вазиятда вужудга келади.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг индивидуал ёндашиш принципи раҳбар ва ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг касбий тайёргарлиги, қизиқишлари, ҳаётий тажрибаси ва ижтимоий тажрибасини ҳисобга олишни назарда тутади.

Таълим муассасасини бошқаришда индивидуал ёндашувнинг асосий вазифаларидан бири ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини босқичма-босқич ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўқитувчи учун индивидуал мақсадларни ва уларга эришиш босқичларини белгилаш, уларни ўз фаолиятларини муваффақиятли ташкил қилишга сабаб бўлади.

Ўқитувчи ишини бойитиш принципи раҳбарнинг ўз ходимида касбий қизиқишни уйғотиш ва унинг профессионал ишончини қўллаб-қувватлаш орқали ўқитувчининг касбий фаолиятини диверсификация қилишга интилишини кучайтиришдир.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг шахсий рағбатлантириш принципи ўқитувчининг меҳнатга бўлган шахсий қизиқишини таъминлайди, ўқув муассасаси ва жамоага маълум мажбуриятларни қабул қилишга ёрдам беради.

Педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг консенсус принципини амалга ошириш раҳбарга мустақил фикрлар ва турли нуқтаи назарларни шакллантириш шароитида жамоани келишиб олишга, таълим субъектларини қарама-қаршиликдан йироқ бўлган ҳамкорликда фаолият олиб боришга имкон беради.

Жамоавий қарорларни қабул қилиш принципи педагогларнинг фақат ижрочилар сифатида эмас, ташкил эта олиш лаёқатига эга ходим сифатида тан олинишлари, бошқарувни демократлаштириш воситалари асосида ташкил қилишни билдиради.

Олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда бошқарувнинг горизонтал алоқалар принципи барча профессор-ўқитувчилар таркибидаги алоқаларни ўрнатишни, маълумот, тажриба алмашишни таъминлайди.

Таълим муассасаларини автономлаштириш принципи таълим менежментини демократлаштиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, таълим муассасасидаги раҳбарларни шакллантириш учун зарур шартдир. Принципни амалга ошириш учун талаблар:

бошқарувнинг аниқ йўналишларини (методик бирлашма, диагностик қўллаб - қувватлаш жамоаси, ўқув дастурий таъминот жамоаси, таҳсил олувчиларнинг педагогик қўллаб-қувватлаш жамоаси ва бошқалар) бошқарадиган ўқитувчиларнинг бутун ўқитувчилар йиғилишида танланиши ёки тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир.

Инновацион ўзгариш тамойили таълим муассасасининг иш режимидан ривожланиш режимига ўтишини белгилайди. Ушбу тамойил ўқитиш ва тарбиялашнинг янги технологиялари, усулларини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, ўқув муассасасидаги ташкилий ва психологик тузилишларни ўзгартириш ҳамда бошқа ўзгаришларни амалга оширишда асосий йўлланма ҳисобланади. Уни амалга ошириш учун:

ҳар қандай катта ўзгаришларни олдиндан тайёрлаш керак, бу жамоада маълум психологик кайфиятни яратади;

ўзгаришлар аниқ режа (лойиҳа) ва ҳисоб-китобларга асосланиши керак, бу албатта муваффақиятга олиб келади - агар муваффақиятга ишонч бўлмаса, уларни амалга оширмаслик яхшироқдир;

жамоа ўзгаришларни амалга ошириш учун назарий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Юқорида келтирилган принциплар олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Ушбу тамойиллар педагогик жараён иштирокчиларининг ўқув ҳамда касбий фаолияти самараси ва унумдорлигидан манфаатдорлиги, ундан қониқишни таъминлаши, жамоада қулай ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ва барқарорлаштириш учун субъект амалга оширадиган ҳатти-ҳаракатлар уйғунлигини мувофиқлаштиришга мўлжалланган тизим сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: 2008
2. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонун. 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 7 майдаги "Иқтисодиёт ва соҳа йўналишларига инновацияларни татбиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ 3569 – сон қарори.
5. Йўлдошев Н.К., Захидов Т.Е. Менежмент. –"Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти". –Тошкент: 2018.
6. Турсунов И.И. , Нишоналиев У.Н. Педагогика. - Тошкент: "Ўқитувчи", 2007.
7. Джураев Р.Х.,Турғунов С.Т Таьлим менежменти. – Тошкент: «Ворис». 2006.

РЕЗЮМЕ

Олий таълим муассасалари учун педагогик жараёнларни бошқаришда бўлажак мутахассисларни рақобатбардош ва жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, олий таълим муассасаларида "Таълим менежменти" ўқув курсини ўқитиш нуқтаи-назаридан педагогик жараёнларни бошқариш ва ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

РЕЗЮМЕ

В управлении педагогическими процессами в высших учебных заведениях важна подготовка высококвалифицированных кадров, которые будут соответствовать мировым стандартам. Поэтому управление и организация педагогических процессов играет важную роль в преподавании курса «Управление образованием» в высших учебных заведениях.

SUMMARY

In the management of pedagogical processes in higher education institutions, it is important to train future professionals with high potential who can compete and meet world standards. Therefore, the management and organization in pedagogical processes in terms of teaching the course "Education Management" in higher education institutions is important.

ПАЛЎАНЛАР ҲАҚҚЫНДАҒЫ ӘПСАНА ҲӘМ ГҮРРИҢЛЕР ТИЙКАРЫНДА ОҚЫЎШЫ ЖАСЛАРДЫ БАТЫРЛЫҚҚА, МӘРТЛИККЕ ТАЯРЛАЎДЫҢ ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ӘҲМИЙЕТИ

Б.Т.Нурекеев - *стажер излениўши*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: кураш, полвон, халқ, юртсеварлик, мерос, миллий қадриятлар, фарзанд, авлод, ёшлар, кураш, ғалаба, ватан ҳимояси, наммуна, тарбия.

Ключевые слова: борьба, борец (палван), народ, любовь к Родине, наследие, национальные ценности, ребёнок, поколение, молодёжь, выйти на поединок, победить, защищать страну, образец, воспитание.

Key words: wrestling, fighter, people, love for Motherland, heritage, national value, child, generation, youth, to fight, to win, to protect the country, a sample, education.

Қарақалпақ халық батырларының бири, XIX әсирде жасап өткен Ерназар алакөз жүдә ири, турпатлы, қарыўлы жигит болған. Онын палўанлығы, мәртлик ислери бойынша халқымыз арасында көплеген әпсана, гүрриңлер бар.

«Бир күнлери Хийўа ханы үлкен етип той береди.Той бурыннан бизиң халықларымызда гүрессиз өтпеген. Тойдың гүресинде ханның баққы не бир палўанлары Иран палўанынан жеңиле береди. Намысарға шыдамаған ханның қатты ашыўы келеди. «Иранлыны жығатуғын палўан қалмады ма?»- деп сораған ўақта қарақалпақтың Турым бийи бар, «Тақсыр, бир қасық қанымнан кешсеңиз айтаман,»дейди. «Айт», деген. «Сизиң зинданда айыплы болып жатырған Ерназар қолдаўлы бар. Бир жеңсе бул палўанды сол жығады, тақсыр» депти. Дәрҳал зинданнан шығарып, еки күн аўқатландырып, деп алдырып, қурға алып шығың, деп буйрық етеди.

Еки күнде азмаз сыртқа көзи, өзи үйренискен Ерназар батыр, палўан үшинши күни аўданлап қурға шығады. Иранлы да балтыр жүнлерине қоңыраў таққан, билеклери сатандай, сатанлары адамның белиндей, мойны гүжирейген, дәў сыпат бир бәламат екен. Күш қарыўға толып турған Ерназар оның турпатынан сескенбейди, бақырысынан айбынбайды, туўры қарсы барып, жағасынан услап, гүресип кетеди. Екеўи де ет писирим алысады, жағаласады, тутысады, тартысады, әмеллерин қолланып көреди, бирақ бирин-бири жыға алмайды. Гүресип жүрген Ерназардың көзи бир ўақта өзин басын тигип, жығады деп ант ишип, зинданнан алдырған Турым бийге түседи. Ол бир қысым болып отырған екен. Жықпаса өзине де, Турым бийге де жақсы болмаслығын билип, бар күшин салып жамбас әмелип қолланып, Ерназар «Ҳәўип»деп қарсыласын көтере баслайды. Сол жерде Турым бий «Көтер нарым», деп руўхый демеў береди. Сөйтип оны жерге шалқасынан жығады. Қатты түскени соншелли, иранлы палўан көпке шекем орнынан тура алмай жатады.

Хан қуўанып кетеди. Саўға-сыйын береди. Лекин ол бағана Турым бийдиң айтқан «көтер нарым» деген сөзин умытпаған екен, бийге «нарың неше пуд жүк көтереди», дейди. «Қырық пуд көтереди» дейди Турым бий де қалыспай. Қырық пуд дән алдырып, Ерназарға «көтер» дейди. Ол және бир «ҳәўип» деп жүкти көтерип, қурды бир айландырып ханның алдына дүрс еттирип таслаған екен.» Және бир әңгимеде усы Ерназардың тоғайдан бир арбадан көп отынды, өзи отын астында көринбей көтерип келгени айтылады.

Мине, бул ўақыялардың халқымызды ўатан сүйиўшиликке тәрбиялаўда, олардың санасын раўажландырып, патриотлық сезимлерин оятыўда, солай етип өз халқын, ўатанын сүйиўде әҳмийетли қурал болып хызмет етери сөзсиз.

Бундай ибратлы гәплер ҳәр бир палўан бойынша бар десек қәтелеспеймиз.

Жаңабай Қаратай улы 1889-жылы туўылып, 1925-жылы қайтыс болған. Дым аз ўақыт өмир сүрген. Деген менен усы аз дәўир ишинде өзиниң таланты арқасында халқымыздың сүйикли палўаны, хошҳаўаз қосықшысы, сазендеси сыпатында даңқ таратыўға үлгерген, жети қырлы бир сырлы перзенти болып қалды. Оның Ақсүңгүл, Қазы ийшан, Айжамал ҳәм басқа қосықларын бүгин де жаслар, халқымыз сүйип тыңлайды.

1945-жылы Хожелиде Қазақбай саллақ дегенниң тойында хорезмли Қурбанбай қоңыраўлы палўан деген қарақалпақтың ҳәмме палўанларын жығып сала берген. Ел арына тарысқан той ийеси Қазақбай аўылласы Мәтжан хожаға «гүреспеген ким қалды. Ким бар мына

бәлени жығып, абырайды алатуғындай» депти. Ол «Жаңабай бар, Ақтубалы», депти. «Алдырың», депти.

Жаңабай жол азабынан шаршап болдырып келген. Хорезмлилер тынықпасын деп «Ҳәзир гүресемиз», деп турып алған. Солай етип, гүрес басланады. Көп айқасады, тиреседи, халыққа тамаша да береди, өзлери болдырады да. Бир пайытын күтип жүрген қоңыраўлы, аты шуўлы палўанды Жаңабай арқалап жерге тартып урады. Ҳақыйқый жеңеди. Бирге келген жолдаслары Қурбанбайдан жеңилиўиниң себебин сорағанда ол «Жаңабайдың еки ийнинде еки жолбарысы бар екен. Мен оларға ҳеш илаж ете алмадым», деген екен. Сол тойда бир көзи қатты биреў келип палўанымызға «Мен жети қырлы жигитти көрип едим, бирақ сендей сегиз қырлысын көрмедим», депти. Соннан Жаңабай көзигипти, аўырыпты [2].

Палўанлардың дерлик барлығының арқасы бар, әрўағы, пири бар делинеди. Мәселен, Ерназар алакөздиң де жолбарысы бар, биреўлериниң әрўағы шер, бүркит, қаршыға, жараған түйе, өгиз болып келеди. Көбисиники жолбарыс екени айтылады.

Журналист Ж.Моянов өзиниң аўылласы Жаңабай Қаратай улына арнаған «Палўанлар сәрдары» тарийхый қыссасында Жаңабай палўанның бир неше рет Хийўадағы тойларға барып гүрескенин сөз етеди. Жолда, Урысайда қарақшыларға жолыққан. Сонда палўан олардың бес-алтаўына баш бермей, бәрин бир - бириниң үстине тақластырып жатқарып, үстине шығып отырғанын айтады. Сондай-ақ, ешеги суўдан өтпегенде, түсип, ешекти бир қолтығына қысып, жаптан арғы жағаға алып өтип, және минип кете берген екен.Аўылындағы үлкен жаптың өтер тусындағы паяпыл ҳәлсиз екен. Адамлар ары - бери өтиўде қыйналған. Бир жағада узын терек жатыр екен, лекин оны адамлар биргелесип те жапқа паяпыл ете алмапты, күшлери келмепти. Бир күнлери сол жерден өтип баратырған Жаңабай ағамыз буны көрип, бир өзи үлкен теректи қушақлап, жапқа кесесине таслап, өткел ислеген екен [3].

Жийенбай Мояновтың «Палўанлар атасы» деп аталған бир нешше мәрте избе-из Өзбекстан чемпионы болған Сапалақ палўан Шамуратовтың өмири ҳәм палўаншылығына арналған да ҳүжжетли қыссасы бар. Сондай-ақ, белгили жазыўшы Әбдимурат Атажанов та ертеректе «Сапалақ палўан» атамасында көркем повесть дөреткен еди. Усы кейинги шығармада Сапалақтың күш - қарыўлы екенин дәлиллеген бир эпизод сөз етилген колхозшылар түсликке қайтып киятыр. Алдындағы үлкен жап суўға ғарқ толы екен. Берги жағаға өтиў керек. Сонда бир ойыншыл жеңгеси Сапалақ пенен ҳәзиллеседи «бизлерди ылақтырып өткер, ағаң менен дизе қосып шай ишип қайтайын үйге барып,» деп. «Күш атасын танымас» деген, жеңгеден жеңилип отыра ма, «…еки қолын белине таянып турған қатынның қаптай белинен қапсыра қушақлап алды да, тап гүрескендегидей «ҳәўип»деп бақырып жиберди…

-Қалай түскен жериң жайлы ма,-деп бақырды Сапалақ.

-Қус төсектен кем емес.-Жаңағы қатын үстибасының шаңын қағып, түкиринип-түкиринип былайырақ барып турды. Басқалар пәнтқумар қалмасын…

Және бир мушындай қатынды бир баў пишен шелли көрмей атып урды. Ол «өйппей» деп қыйғырып жиберди ҳәм дүс төменине түсти. Аўзы-басы ала шаң, түптүп деп түкиринип атыр[1]. Палўанлар өмирине байланыслы бундай даңқаралы гүрриңлер көпшилик палўанларда бар, ҳәр бириниң өмиринде бир-еки емес, көплеген бундай жаслар үлги алатуғын ўақыялар жүз берген ҳәм оларды халқымыз умытпай атадан-балаға айтып,бүгинги әўладқа да жеткерип отыр. Бул гүрринлерди еситкен, оқыған жас әўладтың сондай белгили күш ийеси болғысы келетуғыны анық. Өткен палўан аталардың ел, халық ушын гүрес тутқаны, жаўдан халқын қорғағаны бүгинги перзентлеримизде ўатансүйиўшилик сезимлерин еле де күшейтеди, олардың ислеринен үлги тәрбия алатуғыны анық.

Бизге белгили, бүгинги «кураш» аты менен жәҳән спортлары қатарынан орын алып киятырған гүрес көпшилик халықлар сыяқлы қарақалпақ халқының да қанына сиңген, бабалардан мийрас миллий қәдириятларымыздан есапланады.

Әдебиятлар

1. Атажанов Ә.Сапалақ палўан. –Нөкис: «Қарақалпақстан»,1984.
2. Сатаев А. Қарақалпақстан палўанлары. –Тошкент: 2018, 640-б.
3. Моянов Ж. // «Әмиўдәрья» Палўанлар атасы. 2018, №2, 45-59-б.

РЕЗЮМЕ

Мақола кураш спорти билан шуғулланган машҳур қорақалпоқ полвонларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган оғзаки ижод ва ёзма бадиий адабиёт намуналарининг педагогик аҳамияти масаласига бағишланган. Полвонлар ҳақида ёзилган достонлар, афсоналар, қиссалар ва ҳикоятлар халқимизнинг миллий қадриятлари сифатида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Улар энг яхши инсоний фазилатлар – мардликни, юртсеварликни, ватанпарварликни, ҳар томонлама ривожланган, эркин фикрлаш салоҳиятига эга, маънавий, ахлоқий ва жисмоний ривожланган ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы педагогического значения произведений устного народного творчества и художественной литературы, посвящённые жизни и деятельности известных каракалпакских борцов (палванов), занимавшимися таким видом спорта как борьба. Эпосы, легенды, притчи, сказания и рассказы о борцах являются национальной ценностью и достоянием народа, которое передаётся из поколения в поколение. Они играют важную роль в воспитании лучших общечеловеческих качеств -мужества, любви и преданности Родине, патриотизма, в воспитании всесторонне развитой, свободно мыслящей личности, в духовно-нравственном и физическом развитии молодого поколения нашей страны.

SUMMARY

The article deals with the issues of pedagogical significance of folklore and works of fiction devoted to the life and activity of the well-known Karakalpak fighters (palvans) who went in for such kind of sport as wrestling. Eposes, legends, parables and stories about fighters are of a great importance as national value and heritage of the people that are inherited from generation to generation. They play a great role in education of the best human qualities – courage, love and devotion to Motherland, patriotism, in education of comprehensively developed, freely thinking personality, in spiritual-moral and physical development of young generation of our country.

OPTIKANING MURAKKAB MAVZULARINI O'RGANISHDA LABORATORIYA MASHG'ULOTLARINI TASHKIL QILISH

D.S.Ro'ziyeva – *assistent o'qituvchi*
Buxoro muhandislik texnologiya instituti

Tayanch so'zlar: anomal dispersiya, dispersiya, prizma, sindirish ko'rsatkichi, spektrlar, yutilish spektrlari, to'lqin uzunligi, sinish burchagi, filtrlar.

Ключевые слова: аномальная дисперсия, дисперсия, призма, показатель преломления, спектры, поглощающие спектры, длина волны, угол разрыва, фильтры.

Key words: ous dispersion anomal, dispersion, prism, refractive index, spectra, absorption of spectra, wavelength, cornerof tearing, filters.

Har qanday mamlakatning kuch-qudrati uning intellektual salohiyati bilan belgilanadi. Bu esa bevosita ta'lim sifatiga bog'liq. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy va ijtimoiy o'zgarishlar, iqtisodiyotning innovatsion yo'nalishda shakllantirilishi, jahon iqtisodiyotiga integrallashuvi ta'lim tizimi oldiga dolzarb masalalaridan biri bo'lgan sifatli ta'limni amalga oshirishni va sifatli mutaxassislarni tayyorlash vazifasini qo'yadi. Fan-texnika va texnologiyalarning zamonaviy yutuqlariga tayangan holda talabalarning bilim malaka va ko'nikmalarini rivojlantirib borish izlanuvchanlikka fikrlash qobiliyatlarini yuksaltirishda axborot kommunikatsion texnologiyalar xizmatidan maqsadli ravishda samarali foydalanish imkoniyatlarini oshirishda talabalar mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish eng dolzarb muammolardan biridir. Texnik yo'nalishdagi oliy ta'lim muassasalari talabalari uchun fizikaning optika bo'limiga boshqa bo'limlarga nisbatan o'quv mashg'ulotlari uchun kam vaqt ajratilgan. Optikada interferentsiya, difraktsiya, dispersiya, qutblanish kabi hodisalarni faqat ko'rgazmalar, sxemalar, chizmalar bilan tushuntirish usullarining samaradorligi yetarlicha bo'lmaydi. Chunki, yuqorida qayd qilingan hodisalar optika bo'limidagi murakkab va ko'proq diqqat talab qiladigan mavzular sirasiga kiradi. Holbuki, bo'lg'usi mutaxassis amaliyotda foydalaniladigan optik qayd qilgichlar, spektral tahlil qilish imkoniyatini beruvchi laboratoriya qurilmalari, lazer texnologiyasi bo'yicha ishlaydigan barcha o'lchov asboblarining ish jarayonini optikadan egallagan bilimlariga asoslanib tushunish imkoniyatiga ega bo'la oladi[1:25]. Shularni inobatga olib, yorug'likning dispersiyasi va muhitda yutilishi hodisasini tushuntirish bo'yicha laboratoriya mashg'ulotlarining ahamiyati haqida to'xtalib o'tamiz. Nima uchun aynan yorug'lik dispersiyasi va yorug'likning muhitlarda yutilishi mavzularining tanlanganligiga sabab:

1) yorug'lik dispersiyaning munozarali ikkita turi normal va anomal dispersiya hodisalarining;

2) yorug'likning muhitdagi yutilish koeffitsientining qiymatini Lambert Buger qonunidan foydalanib, real tajriba usulida fizik mohiyatini ochib berishdir.

Dars jarayonida asosiy optik hodisalardan biri dispersiya mavzusi bo'yicha umumiy tushunchalar berish bilan birga dispersiyaning ikkita turi normal va anomal dispersiya haqida aytib o'tiladi. Sindirish ko'rsatkichini aniqlashda qo'llaniladigan har qanday metod (prizmalarda sindirish, to'la ichki qaytish, interferentsion asboblar) dispersiyani topishga xizmat qilishi mumkin. Yorug'likning dispersiyasi ustidagi dastlabki eksperimental tekshirishlarni I.Nyuton qilgan (1672- y) bo'lib prizmada sindirish usulida bajarilgan edi, bu tekshirishlar namoyish qilishda va ilmiy tekshirishda hozir ham yaxshi metod hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda sindirish ko'rsatkichi bilan dispersiya orasidagi bog'lanish ancha murakkab bo'lishi mumkinligi ma'lum; odatda dispersiyaning orta borishi bilan sindirish ko'rsatkichi orta borsada, lekin hamma vaqt bunday bo'lavermaydi. Hatto, dispersiyaning umumiy o'zgarib borishi ya'ni, to'lqin uzunlik kamaygani sari, sindirish ko'rsatkichining kattalasha borishi hamma vaqt ham o'rinli bo'lavermaydi [2:48]. Leru (1862- y) yod bug'i to'ldirilgan prizmada yorug'lik sinishini kuzatib, qizil nurlarga qaraganda ko'k nurlar kamroq sinishini topdi (boshqa nurlarni yod yutadi va ular ko'rinmay qoladi). Leru bu xususiyatni anomal dispersiya deb atadi, bu nom hozirgacha saqlanib keladi.

Dispersiya suyuqliklarda ham anomal o'zgarib boradi; batafsil tadqiqotlarning ko'rsatishicha, har qanday modda o'zining yutish polosalariga ega bo'ladi va sindirish ko'rsatkichining umumiy o'zgarib borishi (grafigi) bu polosalar spektrning qayerida joylashganiga bog'liq bo'ladi[4:225]. Shuning uchun, normal va anomal dispersiyani biri -biriga qarshi qo'yishning ma'nosi yo'q. Har qanday moddaga tegishli to'la dispersion manzara yutilish chiziqlari yoki polosalari ichidagi sohalarga mos anomal dispersiya sohalaridan va yutilish polosalari orasida joylashgan normal dispersiya sohalaridan iborat bo'ladi. Dars jarayonida o'qituvchi umumiy ta'riflar bilan chegaralanib qoladi. Talabada aynan anomal dispersiya hodisasi haqidagi tasavvurlar mavhumligicha qoladi. Xuddi mana shu mavhum tushunchalarni faqatgina tajriba ishi bilan ko'rsatib, anomal dispersiya tushunchasi haqida talaba aniq ma'lumotlarga ega bo'lishi mumkin. Anomal dispersiya hodisasini kuzatish bo'yicha tajriba ishi dispers suyuqliklarda turli suyuqliklarning sindirish ko'rsatkichlarini hisoblash va solishtirish; sindirish ko'rsatgichining qiymati to'lqin uzunligiga bog'liq bo'lgandagi sindirish ko'rsatgichining qiymati mingdan bir ulushlarda o'zgarishini topish suyuqliklarda yorug'lik dispersiyasini tahlil qilish imkoniyatini beradi. Mazkur tajribada 4 xil turlicha suyuqliklar (suv, toluol, skipidar, etiltsinnamat) bilan to'ldirilgan uchburchak shaklli g'ovak prizmadan foydalanamiz. Prizmaning har bir burchagi 60^0 ga teng shuning uchun agar yorug'lik nuri prizmaning ikkala tomoniga uchinchi tomoniga nisbatan parallel tushsa, sinish burchagi orqali quyidagi formula bilan topiladi.

$$(\lambda) = 2\sin(30^0 + \frac{\alpha(\lambda)}{2}) \qquad (1)$$

$$\alpha(\lambda) = \tan\frac{d(\lambda)}{D} \qquad (2)$$

Bu tajriba ishini bajarishda talaba geometrik optikaning qonunlaridan, geometrik o'lchov usullaridan foydalanib, sindirish ko'rsatgichining turli suyuqliklar uchun qiymatlarini aniqlash bilan bir qatorda anomal dispersiya hodisasining ro'y berishi natijasida sindirish ko'rsatgichining qiymatidagi to'lqin o'zgarishi bilan yuzaga keladigan farqni tajribaviy usulda olingan kattaliklar bilan hisoblab, yetarlicha tasavvur va xulosalarga kelishi mumkin (1-jadval).

1-jadval. Dispers suyuqliklarning sindirish ko'rsatgichlari.

Dispers suyuqlik turi	Sindirish ko'rsatgichi	Sindirish ko'rsat-gichining farqi
Suv	1,33	0,006
Spirt	1,36	0,006
Toluol	1,50	0,014
Skipidar	1,47	0,014
Etilsinnamat	1,56	0,028

1-rasm. Fuksin moddasining yutilish spektri.



Laboratoriya ishida yorug‘lik manbasiga tartib bilan bir safar qizil, keyingi safar ko‘k rangli filtrlarni qo‘yib har bir suyuqlik uchun natijalar olish mumkin [5:127]. Tajribada yorug‘lik manbasiga turli xildagi rang filtrlarini o‘rnatib har qaysi rang to‘lqin uzunligida moddaning sindirish ko‘rsatgichining qiymati o‘zgarishi topildi. Unga ko‘ra, suvning sindirish ko‘rsatgichi eng kichik, etiltsinnamat moddasida eng katta qiymatga erishadi.

Asosiysi, anomal dispersiya hodisasiga ko‘ra suyuqlikning yorug‘likni sindirish koeffitsientining qiymati to‘lqin uzunligiga bog‘liq bo‘lgan alohida holatlar ham laboratoriya usulida aniqlandi. Unga ko‘ra, qizil va ko‘k filtrlardan o‘tgan yorug‘lik nurlari dispers suyuqliklar bilan to‘ldirilgan prizmada sinishini kuzatib, qizil nurlarga qaraganda ko‘k nurlar kamroq sinadi, degan xulosaga kelish mumkin. Endi yorug‘likning muhitlarda yutilishi va yutilish spektrlari mavzusiga to‘xtalib o‘tamiz. Dastavval mavzuga tegishli nazariy ma’lumotlar beriladi. Yorug‘likning yutilish qonuni Buger tomonidan o‘rganilgan [4:228]. Keyinchalik esa Lambert va Ber tomonidan har tomonlama o‘rganildi. Bu qonunning qo‘llanilish sohasini Vavilov o‘rgangan va u tushayotgan yorug‘lik intensivligini 10^{-10} martagacha o‘zgarganda ham Buger qonuni o‘rinli ekanligini aniqlagan:

$$I = I_0 e^{-\beta x} \qquad (3)$$

(3) ifoda Buger qonuni nomi bilan ataladi. β- yutilish koeffitsienti deyiladi. Masalan, x_1 qalinlik uchun intensivlik I_1 bo'lsa va x_2 uchun I_2 bo'lsa unda yorug'likning berilgan suyuqlikda yutilish koeffitsienti quyidagicha topiladi:

$$\beta = \frac{1}{x_1 - x_2} \ln\left(\frac{I_1}{I_2}\right) \qquad (4)$$

Agar, ma’lum to‘lqin uzunlikli yorug‘lik nuri biror miqdorda aralashmali eritmadan o‘tganda fotonlar ko‘p bo‘lmagan miqdordagi yutuvchi kimyoviy birikmalar bilan to‘qnashadi va mos holatda yuqori shaffoflikni va past spektral yutilishni kuzatishimiz mumkin. Agar shu nur kontsentratsiyasi yuqori bo‘lgan eritmadan o‘tsa, fotonlar ko‘p miqdordagi yutiluvchi kimyoviy birikmalar bilan to‘qnashadi va mos holda past shaffoflikni va yuqori spektral yutilishni kuzatishimiz mumkin. Shunday qilib, spektral yutilish namuna kontsentratsiyasiga bog‘liq. Spektrofotometrda optik zichlikning yoki o‘tkazuvchanlikning to‘lqin uzunlikka bog‘liqligi o‘lchanadi. Bizni modda yutilish spektrining shakli qiziqtirsa, tajribada o‘lchangan optik zichlik D ning to‘lqin uzunligiga bog‘lanish grafigini chizish yetarli bo‘ladi. Agar, modda yutilish spektrining shakli bilan birgalikda intensivligini aniqlash talab qilinsa, tajribada D ni aniqlagach

$$\beta = \frac{1}{x_1 - x_2} \ln\left(\frac{I_1}{I_2}\right) \qquad (5)$$

bu formula yordamida yutilish koeffitsienti yoki yorug‘likning molyar yutilish koeffitsientining har bir to‘lqin uzunligiga mos keluvchi qiymati hisoblab topiladi. Lambert Buger qonuniga ko‘ra, yorug‘likning muhitlarda yutilish koeffitsienti qiymatiga ranglarni hosil qilish jarayonining bog‘liqligini ham aynan dasturiy vositalar yordamida bajarib ishonch hosil qilish mumkin. Masalan, RGB rang modeli (RGB – Red – qizil, Green – yashil, Blue – ko'k) barcha ranglar qizil, yashil va sariq ranglarning qo‘shilishidan hosil bo‘ladi [3:112]. Yorug‘likning yutilish hodisasidan absorbtsion spektral tahlilda foydalaniladi. Yutilish spektrlarining strukturaviy tuzilishiga qarab, molekulyar tuzilma va tarkib aniqlanadi. Shu sababli, yutilish spektrlarini o‘rganish moddani tekshirishning miqdoriy va sifatiy tekshirish usuli bo‘lib hisoblanadi. Nazariy bilimlar berish jarayonini tajribaviy usullar orqali ham boyitish mumkin. Laboratoriya usulida rangli suyuqlikda yorug‘likning yutilish koeffitsientining qiymatini Lambert Buger formulasi bilan aniqlashda ishchi modda sifatida fuksin qizil rangdagi sun’iy bo‘yoq bo‘lib hisoblanadi [5:204]. Fuksin mqddasining kimyoviy tuzilish bo‘yicha formulasi $C_{20}H_{19}N_3HCL$ bo‘lib, yashil yaltiroq kristall ko‘rinishida bo‘ladi.

Fuksinning suvdagi eritmasini tayyorlab, uning ma’lum qalinligidagi yorug‘lik yutilish koeffitsientining qiymatini va yutilish spektrlarini aniqlash mumkin. Fuksin moddasining yutilish spektrlari EMC-30 PC-UV Spektrofotometr qurilmasi yordamida kuzatilib, yorug‘lik to‘lqin uzunligi λ ning muhitning optik zichligi D ga bog‘liqlik grafigi hosil qilindi (1-rasm). Grafikdan to‘lqin uzunligining qiymati oshgan sari yutilish spektrlarining kattaroq va kengroq sohani egallashi ko‘rinib turibdi. Keng va katta soha yashil rang to‘lqin uzunligiga to‘g‘ri kelganligi uchun ham fuksinli qizil-binafsha eritmaning natijaviy rangi olov rangda bo‘lishini asoslash mumkin. Galogen lampa, yig‘uvchi linza, fuksinli qizil-binafsha rangli eritma solingan kyuveta, to‘g‘ri yo‘nalishli ko‘rish prizmasi bir xil balandlikda ketma-ket joylashtiriladi. Yorug‘lik manbasidan chiqqan yorug‘lik yig‘uvchi linzadan o‘tib kyuvetaga tushadi. Kyuvetadan o‘tgan yorug‘lik nuri to‘g‘ri yo‘nalishli ko‘rish prizmasidan ekranda rangli polosalar hosil qiladi. Polosalarda yashil rang ko‘rinmaydi, demak, fuksinli eritmada eng ko‘p yutiladigan spektr yashil rangga tegishli ekan. Bu laboratoriya ishini ayniqsa, neft va gaz sanoati yo‘nalishidagi talabalar uchun o‘ta muhim tajriba ishi sifatida sanash mumkin.

Bu orqali talabalar suyuq neft mahsulotlarining yorug‘likni yutish qobiliyatiga qarab sifatini tekshirish kabi amaliy ishlarni bajarish uchun bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lishadi. Fizikani o‘qitish ta’lim jarayonida axborot texnologiyalarini qo‘llash, ilmiy-metodik ishlarida, mashg‘ulotlar jarayonida internet tarmoqlari, elektron doska, virtual ishlanmalar, multimediali namoyish tajribalaridan faol foydalanish va talabalarning individual faolligini ta’minlashda ijodiy yondashish zaruriyati mavjudligi hisobga olinib, optika bo‘limiga tegishli Lambert-Buger qonunini tajribada tekshirishda dasturiy vositalarning ahamiyati ijobiy tomonlari o‘rganib chiqildi.

Demak, yorug‘likning anomal dispersiyasi, yorug‘likning muhitlarda yutilishi, yutilish spektrlari kabi murakkab mavzularni laboratoriya ishlari yordamida ko‘rsatilib o‘qitilsa, talabada mustahkam bilim va tushunchalar hosil bo‘ladi. Kelgusidagi ish faoliyatlarida ham foydalaniladigan optik asboblar bilan ishlash ko‘nikmalari shakllanadi.

Adabiyotlar

1. Hodjiyev M.T., Olimov Q.T. Elektron darsliklarni yaratish texnologiyasi va sifatini baholash metodikasi. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2005.
2. Kleyman G. Kompyuteri v prosessi obucheniya. – M.: “Progress”, 2013.
3. Sevenkov Yu. M., Semenova Y. Yu. Effektivnost kompyuternogo obucheniya // Noviye inform.texnologi v obrazovani. Obzorna-ya informasiya,vip.6,NIIVO(Efficiency of computer training). // New inform.technologies in education. Review information, vol. -M.: 2012.

4. Katalog programmnix sredstv uchebnogo naznacheniya.Fond algoritmov I program NIIVO.vip(Catalog of educational software. Fund of algorithms and programs). - M.: 2015.
5. Landsberg G.C. Optika (Optika). -Toshkent: "Uqituvchi" 1981.

REZYUME

Maqolada fizikaning optika bo'limiga tegishli yorug'likning dispers suyuqliklarda sodir bo'luvchi anomal dispersiya hodisasi; shuningdek yorug'likning muhitda yutilishi kabi murakkab mavzularni o'qitishda tajriba mashg'ulotlarining samaradorligi, tajribada fizik kattaliklarni tekshirish imkoniyatlari haqida mulohazalar va natijalar bayon qilinadi.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются аномальные дисперсионные явления, возникающие в дисперсионных жидкостях света, принадлежащих физическому факультету оптики; а также, эффективность экспериментальной подготовки при обучении сложным предметам, таким как поглощение света в окружающей среде; рассматриваются и приводятся результаты о возможности проверки физической величины в эксперименте.

SUMMARY

The article describes an anomalous dispersion phenomenon that occurs in the dispersion liquids of the light belonging to the physics department of optics; and the effectiveness of pilot training in teaching complex subjects, such as absorption of light in the environment; and discusses the results of checking physical quantities in the experiment.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАТЕМАТИКА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Н.Р.Саидова - *мустақил изланувчи*
Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бошланғич синф, математика, компетенция, рақамли таълим, ахборотли манба, рақамли формат, рақамли таълим ресурслари, ахборот-коммуникация технологиялари, ўқув-билув жараёни, тафаккур.

Ключевые слова: начальный класс, математика, компетенция, цифровое обучения, информационный источник, цифровой формат, ресурсы цифрового обучения, информационно–коммуникативные технологии, учебно-познавательный процесс, интеллект.

Key words: elementary form, mathematics, competence, digital education, information sources, digital format, resourcis of digital education, information communication technologies, studying-learning process, intelligence.

Бошланғич таълим жараёнида турли электрон таълимий ресурслардан фойдаланиш натижасида боланинг идрок, хотира, тафаккур каби ақлий операциялари, перцептив ва когнитив фикрлаши, интеллектуал сифатлари ривожлантирилади [1]. Чунки, "мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равонлиги, софлиги, ўткирлиги билан бошқа даврдаги инсонлардан кескин фарқланадилар. Онгли ҳатти-ҳаракат эҳтиёжларининг мавжудлиги, ўқитувчи шахсига ишонч ва юксак эҳтиром юқори бўлади. Бу ёш даврида тафаккурнинг фаоллиги кузатилади, ўқув фанларига ижобий муносабат, билим олишнинг ижтимоий аҳамиятини англаш туйғулари таркиб топади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда психик жиҳатдан ўқиши муносабати билан яратилган образларни, табиат ва жамиятнинг объектив қонунларига суянган ҳолда баҳолаш кўникмаси такомиллашади" [2]. Шу сабабли бошланғич синф ўқитувчиси математика таълимига АКТни татбиқ қилар экан, ушбу ҳолатларнинг барчасини инобатга олиши лозим бўлади. Шу билан бирга бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенция- ларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) воситаларини амалиётга татбиқ этишда қуйидаги заруратлар мавжуд: яратилган ўқув-услубий таъминотнинг машғулотларга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш; ўқитувчиларниинг маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш; фанни ўқитишга доир янги метод ва технологияларни оператив татбиқ этиш; математикадан таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш; уларнинг билим, кўникма ва малакаларининг доимий мониторингини олиб бориш;

Фикримизча, бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантириш жараёнида ўқитувчи (шакллантириш) ва ўқувчи (эгаллаш)нинг мақсадга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади (1-расм). Бунда ахборот-таълимий ресурсларнинг мавжудлиги, математика дарсларида ўқув-методик таъминланганлик моддий-техник базанинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг таркибий тузилмаси

1-жадвал

Ўқитувчи фаолияти	Бошланғич синф ўқувчиси фаолияти
1. Ўқувчиларда математикага оид қизиқишни ҳосил қилиш, мантиқий хулоса чиқаришга ўргатиш	1. Математикани ўрганишга ижобий мотивацияни ҳосил қилиш бўйича шахсий фаолият, индивидуалликнинг намоён бўлиши
2. Доимий равишда билимларни мустаҳкамлаш ва ўқувчиларни янги билимлар билан таниш-тириш, АКТ воситаларидан фойдаланиш	2.Аввал ўрганилганларини мустаҳкамлаш ва янги АКТ орқали билимларни идрок этиш; янги ахборотга эга бўлиш
3.Ўқувчиларнинг билиш жараёнларини бошқариш; АКТ воситалари триадаси (ўқитувчи-ўқувчи-АКТ)да ишлаш.	3. АКТ воситасида таҳлил этиш, умумлаштириш, таққослаш, тизимлаштириш
4. Мустақил фикрлашни шакл-лантиришга имкон берувчи қонуниятларни билиш жараёнини бошқариш	4. АКТ воситаси орқали мустақил фикрлаш 5. Мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини эгаллаш, уларни тизимлаштириш
5. Назарий билимлардан амалий фойдалана олиш жараёнини бошқариш	6. Юзага келувчи муаммоларни мустақил амалий фаолият
6. АКТ воситаларидан фойдаланиш орқали эвристик ва тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш	
7.Мустақил фикрлашнинг шаклланишидаги ўзгаришларни назорат қилиш ва кейинги ривожини башоратлаш	7. Мустақил фикрлай олиш даражасини ўз-ўзининг ташхис этиши; Кинестетик сезгиларнинг ривожланиши; Таълим жараёнида когнитив ва перцептив англашнинг содир бўлиши

1-жадвалда бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг таркибий тузилмасида кўрсатилганидек, бошланғич таълим жараёнида дидактик муҳит механизмларини такомиллаштиришда сифатли билим, кўникма, малака эгаллашнинг мақсади, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, мазмун, метод, шакл, восита, натижа иштирок этади. Мазкур таркибий қисмлар мустақил фикрлаш жараёнини яхлит тизим сифатида қарашга имкон беради ҳамда ўқувчиларнинг математикавий компетенцияларини шакллантириш имконини беради.

Бугунги кунда ахборот ҳажми ва кўлами кенгайиб бораётган шароитда анъанавий таълим жараёнида ўқитувчи ҳоҳлаган маълумотни Интернет тармоғидан танлаб олиши мумкин [3]. Ахборот хизмати контекстида ўқитувчи билиш жараёнларини ривожлантиришга мўлжалланган ахборотни тақдим қилиб қолмасдан, балки дидактик характерга эга бўлган вазиятли, махсус топшириқларни ишлаб чиқишни, бошланғич синф ўқувчисининг математикадан “бўшлиқлар”ни тўлдиришга қаратилган коррекцион тадбирларни уюштиришга, индивидуал ёндашув асосида таълим сифатини оширишга муваффақ бўлади. Бундай ёндашув педагог ролини ўзгартириб қолмасдан, замонавий тавсифга эга бўлган ахборот-коммуникацион муҳитда ўқувчини ҳам таълим жараёнининг фаол субъектига айлантиради.

Бошланғич синф ўқитувчиларида барча билимларни ягона рақамли формат (матн, визуал, видео, аудио)га ўтказиш орқали уларни йиғиш, жамлаш, саралаш, ишлов бериш, қайтатдан идрок қилиш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, таҳлилларимиз натижасида, бундай малакалар тадқиқотимизда қатнашган барча бошланғич таълим ўқитувчиларида ривожлантирилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Натижада, бу ўқувчилар қаторида уларнинг ҳам АКТ саводхонлиги бўйича компетентлилиги даражасини унификация қилишга имконият яратди. Шунингдек, тажрибаларимиз давомида биз бошланғич синф ўқитувчилари томонидан рақамли таълим ресурслари (РТР)дан педагогик фаолиятларида фойдаланиш малакаларини ўргандик. “Чунки, замонавий таълим мақсадларининг ижросини таъминлашга қаратилган рақамли таълим ресурслари – ахборотли манба (график тасвирлар, матнлар, рақамли, мусиқали, овозли, видео, фото тасвирли маълумотлар)дан фойдаланиш компетентлилиги ривожланган ўқитувчигина сифатли таълим бериши мумкин” [4, 5].

Бошланғич таълим жараёнида АКТдан фойдаланиш муҳитини шакллантиришда ўқитувчи учун қуйидаги вазифалар аҳмиятли бўлиб ҳисобланади: АКТга асосланган ўқув-билув жараёнининг барча босқичлари ва унинг натижаларини педагогик нуқтаи назардан таҳлил қила олишлари, ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишларига имкон берадиган ўқув-билув жараёнининг мақсади, мазмуни, педагогик воситалари аниқ намоён бўлишини таъминлашлари; таълим мазмуни, ўқитиш методикаси ва технологияларига киритилган янги ўқув элементларини назарий-дидактик жиҳатдан асослаб бера олишлари; олинган натижаларга таянган ҳолда келгусидаги педагогик фаолиятлари, ҳатти-ҳаракатларини тузатиб, такомиллаштириб боришлари талаб этилади.

Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларининг такомиллашуви ўқитувчининг ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнига раҳбарлик қилишида яққол намоён бўлади. Бу ҳолатда уларда ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш мезонларини ўзлаштирганликлари; касбий, шахсий ривожланишини таъминловчи педагогик моделни ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнида қўллай олишларида намоён бўлади.

АКТ асосида ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг ҳамжиҳатликда ривожланиш даражаларини ташхислайдиган методларни қўллай билиш, таълим жаранёнини лойиҳалаштира олиш кўникмасига эришиш – буларнинг барчаси ўзаро ҳамкорликда ишлаш механизмларининг оқилона ташкил қилинганидан далолат беради.

АКТ асосида ўқув-билув вазияти ўз характерига кўра мунтазам, ривожланувчи, жараёнли фаолиятдир. Ушбу педагогик жараённинг муваффақиятини таъминлаш учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хоҳиш-иродаси, онглилиги, фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, анъанавий ўқув вазияти, усуллари, методлари ва воситаларидан воз кечиш бир қадар мураккаб бўлмоқда. Бунинг учун ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ҳамкорлик қилишга руҳан тайёр бўлишлари керак [4].

Бунинг учун дастлаб ўқитувчилар педагогик фаолиятнинг янги тури бўлган ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнини ташкил этишга тайёр бўлишлари лозим.

АКТга асосланган ўқув-билув жараёнини мақсадга мувофиқ ҳолда таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак: электрон таълимий ресурсларга асосланган ўқув жараёни мазмунини бойитиши, ўқувчиларнинг когнитив ва сензитив идрок этишларини шакллантиришга йўналтириши; ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг биргаликда муваффақиятга эришишлари учун қулай шароит яратиши, ўқув материалларини ўзлаштирганда саломатлик усулларини таъминлаши, яъни компьютер технологияларидан фойдаланишда бола организмига унинг таъсирини ўрганиши; ўқув-билув жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишлари, интилишларини изчил тарзда диалог асосида ривожлантиришга йўналтира олиши; ўқув-билув жараёнида ўқитувчи ўқув материалларини ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари, билимлари билан уйғунлаштирган ҳолда тақдим эта олиши лозим.

Математика дарсларида ўқув мақсади билан боғлиқ ҳолда педагогик жиҳатдан таъминланиши ҳам муҳим дидактик аҳамиятга эга. Ўқув-билув жараёнида муайян ўқув вазиятини коммуникативлик, биргаликдаги фаолиятга йўналтирилганлик жиҳатидан таъминлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Математика дарсларида биринчи навбатда, ўқувчиларнинг биргаликдаги умумий тараққиётлари таъминланиши зарур. Бу типдаги ўқув жараёнларида ўқувчи билан ўқитувчи, ўқувчи билан ўқувчилар орасида ўзаро мулоқот, диалог тарзидаги суҳбат, фикр алмашиш учун қулай педагогик вазият вужудга келтирилиши талаб этилади. Ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг ҳамжиҳатлик асосидаги умумий ривожланишлари учун аҳамиятли бўлган натижалар қўлга киритилади. Ушбу натижалардан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорликнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги ҳақида хулоса чиқара олади [6].

Математика дарслари самарадорлигини таъминлашда касбий маҳоратга эга бўлган ўқитувчилар билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликлари, бир-бирларининг тажрибаларидан ижодий фойдалана олишлари муҳим аҳамият касб этади. Ўқув-билув жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти

ўқувчиларнинг тараққиётига йўналтирилади. Амалдаги анъанавий таълим жараёнида ўқитувчининг бутун эътибори ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилгани ҳолда ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнида бу фаолият ўқувчиларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстона муносабатлар асосида ижодий ривожлантиришга қаратилади. Бунинг учун ўқитувчи нафақат педагогик маҳорат, балки замонавий билимлар, таълим технологиялари билан қуролланган бўлиши керак. Ўқитувчи ҳамкорликка асосланган ўқув-билув жараёнининг туб моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифаларини ҳам яхши билиши талаб этилади.

Ўқитувчи АКТдан фойдаланиб, ташкил этилган таълим жараёнининг дидактик хусусиятлари ва тамойилларини ўрганиш билан бир қаторда, биргаликдаги ўқув фаолиятини методик жиҳатдан узлуксиз таъминлаш йўллари, ўқувчиларда ўз фаолиятларини ташкил этиш тажрибасининг шаклланиши, таълим олувчиларни ривожлантириш имкониятлари, ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган вазиятларнинг дарс жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини англаб олади.

Математика дарсларида ўқув-билув жараёни натижаларини ташхислашда ўқитувчилар қуйидагиларга амал қилишлари керак: ўқув-билув жараёни ўқувчиларни ривожлантириш имкониятини таъминлай олиши ва ўқитувчининг ўзаро ҳамкорлик жараёнини ташкил этишга тайёрлиги; асосланган ўқув-билув жараёнининг ўқувчилар орасида дўстона муҳитни таркиб топтиришга қодирлиги. ўқитувчининг АКТ воситасида таълим жараёнини ташкил этишга йўналтирилган фаолияти самарадорлиги [7].

Ўқитувчиларнинг АКТ воситасида таълим жараёнини ташкил этишда таяниладиган тамойиллар ва назарий ёндашувларни билишларини қуйидаги параметрлар ёрдамида аниқлаш мумкин: таълим жараёнига технологик жиҳатдан ёндаша олишлари, ҳамкорликка асосланган таълим жараёнига инсонийлик тамойиллари асосида ёндашишлари ҳамда ўқувчиларнинг имкониятларини билиш ва баҳолай олиш йўналишлари орқали.

Хулоса қилиб айтганда, илмий-педагогик, социологик, фалсафий, информатика ва коммуникация соҳасидаги манбаларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш ҳам педагогик ҳам психологик жиҳатдан катта аҳамият касб этиши аниқланди. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда АКТ воситаларидан фойдаланиш технологияси мазмунини такомиллаштириш, уни татбиқ қилиш йўналишлари, босқичлари, усулларини, педагогик шарт-шароитларини ўрганишга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Диванова М.С. Бошланғич синфларда математика фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш. Услубий қўлланма. – Тошкент: 2013, 46-б.
2. Абдуллаева Ш.А. Педагогик диагностика. Дарслик. –Тошкент: Университет, 2019, 310-б.
3. Якушина Е.В. Методика обучения работе с информационными ресурсами на основе действующей модели Интернета. Дисс... на соиск. учен. степ, канд. пед. наук. – Москва: 2002, -С.197.
4. Красильникова В.А. Использование информационных и коммуникационных технологий в образовании. Учебное пособие. –Оренбург: 2012, -С. 291.
5. Черняева Э.П. Реализация индивидуальных образовательных траекторий студентов вузов в процессе использования электронного учебника. Автореф. дисс... на соиск. учен. степ, канд. пед. наук. – Владикавказ: 2007, –С. 21.
6. Касимов Ф.М. Бошланғич синф математика дарсларида ижодий топшириқлар тизими // Педагогика фанлари номзоди бўйича диссертацияси автореферати. –Тошкент: 2008, 23-б.
7. Мухамедшина А. В. Электронный учебник по математике в средней школе-образовательный ресурс нового поколения. Концепт: научно-методический электронный журнал официального сайта эвристических олимпиад «Совёнок» и «Прорыв». 1 квартал 2011, ART 11-1-04. Киров: 2011 г. URL: http://www.covenok.ru/koncept/2011/ 11104.htm. Гос. рег. Эл № ФС 77-414. – ISSN 2225-1618.

РЕЗЮМЕ

Бошланғич синф ўқувчиларининг математикавий компетенцияларини шакллантиришда ахборот-коммуникацион воситалардан фойдаланиш жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш бу соҳада мавжуд бўлган ёндашувлар, тушунчалар, қарашлар, таълимотларни тўплаш, тасниф қилиш ва уни ўқитувчи фаолиятига жорий этиш зарурлиги бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш заруриятига қаратилган масалалар бўйича мақолада тадқиқот олиб борилган.

РЕЗЮМЕ

Определение педагогических условий организации процесса применения средств информационно-коммуникативных технологий при формировании математических компетенций учащихся начальных классов исследована на основе необходимости разработки научно-методических рекомендаций с целью классификации в этой сфере существующих подходов, понятий, взглядов, сборов учений и её внедрения в деятельности учителя.

SUMMARY

The definition of the pedagogical conditions for organizing the process of using information and communication technologies in the formation of mathematical competencies of primary school students is investigated on the basis of the need to develop scientific and methodological recommendations in order to classify existing approaches, concepts, views, collection of teaching in this area and its implementation in the teacher's activites.

ОРФОЭПИЧЕСКАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ, СТРУКТУРА

Н.К.Саримсакова - *старший преподаватель*

Академия Вооружённых Сил Республики Узбекистан

Таянч сўзлар: рус тили, нутқ маданияти, орфоэпик компетенция, курсантлар, профессионал-контекстли нутқ фаолияти.

Ключевые слова: русский язык, культура речи, орфоэпическая компетенция, курсанты, профессионально-контекстная речевая деятельность.

Key words: Russian language, speech culture, orthoepic competence, cadets, professional-contextual speech activity.

Перед военными вузами Узбекистана ставится задача языковой подготовки курсантов, способных к лаконичной и эффективной коммуникации средствами профессиональной культуры речи [1:5-9, 50-54].

В рамках государственного стандарта республики Узбекистан основное назначение языковой подготовки курсантов военных вузов состоит в формировании профессиональной коммуникативной компетенции, в контексте которой понятие «языковой компетенции» позиционируется как многоаспектный речеосознаваемый и речепродуктивный феномен, проявляющий себя совокупности отдельных самостоятельных компетенций [2:248].

Республиканский компонент государственного образовательного стандарта, охватывающий общеобразовательную и профессиональную сферы, определяет тот

должный объем знаний, умений и навыков, который в дальнейшем обеспечивают профессиональную подготовку будущих военнослужащих высокого качества и уровня. Региональный компонент стандарта (в нашем случае в области военной профессии) ориентирован, в основном, на профессиональный цикл, направленный на удовлетворение требований и нужд работодателей, а также законодательной сферы и сферы власти. При этом контроль уровня качества профессиональной подготовки играет главную и регулирующую роль [3:93-95].

Усиление внимания в рамках социального и государственного заказа к владению узбекскими обучающимися военных вузов русским языком как языком межнационального общения связано, прежде всего, с тем, чтобы обеспечить высокий профессиональный уровень выпускника военного вуза, довести его [уровень] до высококлассности зарубежного специалиста.

Так, в составе языковой компетенции, определяемой как сумма знаний словарных единиц во владении ими согласно определенным формальным правилам, в рамках которых осуществляется трансляционное соответствие передаваемых и воспринимаемых в вербальной коммуникации лексических единиц, придающих информации осмысленность и максимальную эффективность высказывания [4:248].

Говоря о структуре языковой компетенции в контексте освоения русского языка как межнационального, необходимо отметить, что в ней [структуре] выделяют ряд составляющих относительно самостоятельных компонентов, к которым относят: лексическую компетенцию, грамматическую и семантическую компетенции, фонологическую, орфографическую и орфоэпическую компетенции. Важность формирования данных компетенций в рамках языковой подготовки неоспорима. Каждый из компонентов языковой компетенции определяет особую функцию коммуникационного взаимодействия, среди которых в условиях современных реалий поликультуризации профессионального сообщества (включая военную профессиональную сферу) особое внимание привлечено к формированию орфоэпической компетенции.

Эта значимость подчеркивается необходимостью эффективного общения в военной профессии, призванной зачастую решать задачи экстренного назначения, в рамках которых вербальная коммуникация должна максимально учитывать произносительные нормы языка на фоне сформированности профессионального языкового портфолио [5:185-189, 52-54].

Согласно результатам контент-анализа, в спектре рассмотренных определений понятия «орфоэпическая компетенция» были выделены следующие базовые семантические компоненты, среди которых: а) способность использовать произносительные нормы; б) отсутствие орфоэпических ошибок; в) продуцирование речи на основе норм и правил.

Таким образом, считаем необходимым отметить, что результаты контент-анализа, а также структурно-частотного анализа лексемы «орфоэпическая компетенция», позволяют сформулировать следующее определение данного понятия: орфоэпическая компетенция – это способность владения нормами устного и письменного литературного языка, реализуемых в речевой деятельности на основе правил произношения в языке, а также орфоэпических знаний, умений и навыков, что позволяет избегать допущения орфоэпических ошибок в речевых действиях, демонстрируя должный уровень произносительно-слуховой и речевой культуры, способствующей достижению соответствия с целями высказывания, коммуникативной целесообразностью и условиями общения на фоне высокой культуры мышления, обусловленной отчетливостью и ясностью произношения, соотнесенностью звуков и букв, лексическим ударением, интонационностью, дикцией, громкостью, темпом, ритмом речи говорящего [6].

Однако, необходимо отметить, что при акцентированной орфоэпической подготовке курсантов достижение задач формирования правильного исследования различных ученых на сегодняшний день акцентируют внимание на том, что преподавание курсантам военных вузов Узбекистана русского языка и культуры речи в рамках развития их орфоэпической компетентности имеет свои особенности, обусловленные реальными потребностями будущих военнослужащих в области русского языка [7:24].

Одной из таких потребностей является формирование у курсантов военных вузов орфоэпической компетенции. Её значение в языковой подготовке будущих военнослужащих достаточно велико и обусловлено приобретением различных языковых умений и навыков, составляющих структуру самой орфоэпической компетенции.

В ней [орфоэпической компетенции] интегрируются фонетические, фонационные, интонационные и пр. умения и навыки, позволяющие говорить о структуре самой компетенции наиболее объективно.

Считаем необходимым отметить, что, согласно требованиям государственных стандартов нового поколения, курсанты в течение всего периода обучения должны овладевать языковыми нормами русской речи, включая различные нормативные языковые средства.

Однако, тем не менее, очень важным при этом становится орфоэпический концепт, так как владение орфоэпическим навыками, являющимися многоплановыми и многоаспектными, позволяет на этапе обучения и в дальнейшем более успешно организовывать коммуникативное взаимодействие на так называемом эмотивно-эмпатийном и регулятивно-организационном уровнях русскоязычного военноориентированного общения [8:144-148, 31-35].

Обучаясь правильному владению звуковым строем русского языка, правильным произношением, а также культурой голоса, курсанты совершенствуют свои орфоэпические навыки, позволяющие им впоследствии прибегать к общению в любой его форме.

Если же орфоэпические навыки не будут сформированы должным образом, то курсант как будущий военнослужащий, чья профессиональная деятельность реализуется в порой экстремальных условиях, может столкнуться с такой проблемой, когда с трудом будет воспринимать обращенную к нему быструю, эмоционально окрашенную речь, а также речь, произносимую в условиях различных шумовых помех. Коммуникативный контакт в таких условиях выполнения, например, срочной служебно-боевой задачи, будет всецело нарушен, если собеседник не будет владеть произносительными навыками или грубо нарушать произносительные нормы.

Таким образом, формирование орфоэпических навыков будущих военнослужащих на этапе профессионального образования и начальной профессиональной самореализации является важной и постоянной задачей, так как сформированность у обучающихся устойчивых норм произношения и должный уровень развития их орфоэпической культуры обеспечит в дальнейшем нормальное функционирование монологической и диалогической устной речевой деятельности.

Таким образом, подводя итоги, можем отметить, что владение орфоэпическими нормами русского языка (особенно в его устной форме) для будущих военнослужащих является значимой основой успешного выполнения профессиональной деятельности, в которой многие ее аспекты (принятие решения в рамках иерархического коммуникационного взаимодействия, отдача

приказов и распоряжений, от которых зависит правильность и четкость выполнения служебно-боевой задачи и мн. др.) обусловлены эффективной коммуникацией.

В этом понимании значимости орфоэпической компетенции и совершенствования орфоэпической грамотности данные явления представляют собой сложнокомпозицонную структуру. Однако, освоение орфоэпической компетенции в сфере военно-профессиональной деятельности позволяет избегать двусмысленности понимания высказывания, выстраивания догадок об информативном контексте в процессе восприятия, а также исключать нелепости при речепродуцирующей деятельности, находиться постоянно в состоянии готовности к четкому речевому изъяснению и выражению тех мыслей, которые необходимо точно передать.

Формирование орфоэпической компетенции имеет концептуальную включенность в контекст методики обучения в рамках современной методической теории. Данная теория предопределяет наличие и своевременную разработку (обновление) следующих основных аспектов:

-разработку методики обучения, имеющей направленную включенность в профессиональную подготовку будущих военнослужащих;

-реализацию интегративного компонента, обусловленного связями с такими науками как педагогика, лингвистика, психология и т.д.;

-соответствие методики современных преобразований и тенденций перспективного развития военной профессиональной сферы;

-методика должна иметь отечественный, а не зарубежный концептуально-идеологический и теоретико-методологический базис.

Формирование орфоэпической компетенции курсантов военных вузов является на сегодняшний день достаточно актуальной проблемой, которая, осуществляя опору на современные инновационные дидактико-методологические и развивающе-воспитательные подходы и технологии, реализуемые в образовательном учреждении, накладывает ответственность как на преподавателя русского языка, так и на самого курсанта.

Литература

1. Ахтамбаев Р.П. Особенности речевой культуры в работе военных переводчиков. Вестник Томского государственного университета. Культурология и искусствоведение. 2014. № 1 (13). -С.5-9; Барышников Н.В., Шевцов И.О. Культура речи офицера: идеал и реальность. Интернет-ресурс: https://docviewer.yandex.ru/view/0/?page (Дата обращения 18.10.2019); Мельникова А.Ю. Проблемы обучения русскому языку как иностранному студентов из Узбекистана. Вестник Челябинского государственного педагогического университета. 2017. № 2. -С. 50-54.
2. Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. -М.: МГЛУ. 2005, -С. 248.
3. Гойибназарова Г.Н., Латыпова А.Р. Государственный образовательный стандарт в республике Узбекистан. Вопросы науки и образования. 2018. № 5 (17). -С. 93-95.
4. Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка. -М.: МГЛУ. 2005, -С.248.
5. Тюменева Н.П. Речевая культура курсантов вузов ФСИН. Человек: преступление и наказание. 2014, № 3 (86). -С. 185-189; Тараканова А. М. Формирование фонетико-фонологической компетенции у студентов языкового вуза. Наука, образование и культура. 2016. № 8 (11). -С. 52-54; Миханцева А. И. Формирование орфоэпической компетенции в процессе освоения норм произносительной речи родного языка. Международный студенческий научный вестник. 2014. Интернет-ресурс: https://scienceforum.ru/2014/article/2014005954 (Дата обращения 20.10.2019).
6. Уточнено автором.
7. Чухлебова И.А. Обучение иностранных военнослужащих научному стилю речи русского языка: автореф. ... дис. канд. пед. наук. -Елец: 2007, -С. 24.
8. Лавринова Н.Н. Особенности культуры общения военнослужащих. Аналитика культурологии. 2009. № 15. -С. 144-148; Петрусевич А.А., Жумаханов А.З. О соотношении личностно-ориентированного и социально-ориентированного в военно-профессиональном воспитании курсантов. Вестник Оренбургского государственного университета. 2017. № 11 (211). -С. 31-35.

РЕЗЮМЕ

Мақолада курсантларнинг орфоэпик компетенцияси тушунчаси, моҳияти ва тузилиши долзарб масала қилиб қойилган. Муаллиф ушбу муаммони келажак харбий хизматчиларининг орфоэпик компетенциясини шакллантириш доирасида кўриб чиқади. Мақола орфоэпик компетенцияни шакллантиришнинг тобора кучайиб бораётган аҳамиятини исботлайди, касбий йўналтирилган оғзаки нутқни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Муаллиф курсантларнинг орфоэпик компетенциясининг тузилишига этибор қаратади, ушбу компетенцияни шакллантириш учун «Рус тили» фанини ўқитишнинг асосий имкониятларини кўрсатади. Шунингдек, мақолада курсантларнинг орфоэпик маҳоратини шакллантришнинг методологик воситалари, улардан фойдаланиш бўйича мисоллар келтирилган. Муаллиф бошланғич касбий ўзини англаш босқичида курсатларнинг орфоэпик компетенциясини шакллантириш муҳим ва доимий вазифа эканлигини такидлайди, чунки талаффузнинг барқарор стандартларини ва нутқ маданиятини тўғри ривожлантириш келажакда монологик ва диалогик нутқ фаолиятининг нормал ишлашини таъминлайди.

РЕЗЮМЕ

В статье актуализируется понятие, сущность и структура орфоэпической компетенции курсантов. Автор рассматривает данную проблему в рамках формирования орфоэпической компетенции будущих военнослужащих. В статье обосновывается возрастающая значимость формирования орфоэпической компетенции, перечисляются основные причины, указывающие на необходимость совершенствования профессионально-ориентированной устной речи. Автор уделяет внимание структуре орфоэпической компетенции курсантов, показывает основные возможности преподавания дисциплины «Русский язык» для формирования данной компетенции. В статье также представлены методические средства формирования орфоэпической компетенции курсантов, приводятся примеры их использования. Автором обосновывается, что формирование орфоэпической компетенции курсантов на этапе начальной профессиональной самореализации является важной и постоянной задачей, так как сформированность устойчивых норм произношения и должный уровень развития культуры речи обеспечит в дальнейшем нормальное функционирование монологической и диалогической устной речевой деятельности.

SUMMARY

The article actualizes the concept, essence and structure of the orthoepic competence of cadets. The author considers this problem in the framework of the formation of the orthoepic competence of future military personnel. The article substantiates the growing importance of the formation of orthoepic competence, lists the main reasons indicating the need to improve professionally oriented oral speech. The author pays attention to the structure of orthoepic competence of cadets, shows the main possibilities of teaching the discipline «Russian language» for the formation of this competency. The article also presents the methodological means of forming the orthoepic competence of cadets, provides examples of their use. The author substantiates that the formation of the orthoepic competence of cadets at the stage of initial professional self-realization is an important and constant task, since the formation of stable pronunciation standards and the proper level of development of speech culture will ensure the normal functioning of monologic and dialogical oral speech activity in the future.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ГРАММАТИК САВОДХОНЛИКНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

С.С.Тажбенова– *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: назарий билим, имло, термин, таъриф, қоида, қиёслаш, изоҳлаш, фаолият, ёдлаш, саводхонлик, тавсиф, тавсия, усул.

Ключевые слова: теоретические знания, орфография, терминология, определение, правило, сравнение, толкование, деятельность, запоминание, грамотность, описание, рекомендация, метод.

Key words: theoretical knowledge, spelling, terminology, definition, rule, comparison, interpretation, activity, memorization, literacy, description, recommendation, method.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида тубислоҳотлар бошлаб юборилди. Шу жумладан, таълим сохасида, бевосита бошланғич таълим тизимида ҳам янгиланишларга юз тутилди. Бу янгиланишларнинг замирида фарзандларимизга ёшлик давриданоқ самарали таълим ва тарбия бериш ётади. Айниқса, ёшларимизнинг она тилида тўғри, маъноли ва чиройли гапириш сингари бугунги куннинг ижтимоий ҳаётида талаб этилаётган вазифаларни айнан бошланғич синфлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг она тилида тўғри, равон гапиришлари, саводли ёзишлари, адабий тил қонун-қоидаларига риоя қилишлари кўп жиҳатдан дарсларда олинаётган назарий билимларни амалда қўллай билиш билан боғлиқдир.

Бошланғич синфлар учун она тилидан яратилган дарсликларда айрим тил ҳодисаларини кузатиш учун мисоллар берилади, лекин на ўқувчилардан улар юзасидан хулоса чиқариш талаб этилмайди ва на назарий билим даражасига олиб чиқилмайди. Масалан, 1-синф «Ona tili» дарслигида қуйидаги машқлар ҳавола қилинган:

43-mashq. So`zlarning aytilishi va yozilishini taqqoslang. Qaysi tovushlarning aytilishi bilan yozilishida farq bor?

1. Kitob, oftob, savob, javob, janub. 2. Ozod, obod, avlod, ajdod.

Ko`chiring. b va d harflarining tagiga chizing.

2-qatordagi d harfi talaffuzda qaysi tovush kabi aytilyapti?

44-mashq. Katakchalarga b va d *mk* undoshlaridan mosini qo`yib ko`chiring.

choysha
hiso
rubo

So`z oxiridagi unli harfni tushirib o`qing. Oxirgi tovush qanday talaffuz qilinyapti?

45-mashq. Nuqtalar o`rniga tegishli uncloshni qo`yib o`qing.

Yaxshi bola

Sevgan do`sti — **kito.-ofto.,**
Qoidasi axloq-odo.,
Maqtanishning hech o`zi yo`q,
Gaplarida «sen» so˛zi yo'q.
Obid Rasul

Ko`chiring. Ajratilgan so`zlarning talaffuzi va yozilishidagi farqni ayting.

46-mashq. So`zlarning talaffuzi va yozilishini taqqoslang.

tug — tuk yod — yot
qars tub — tup

Ko`chiring. So`zlarning ma'nosini o`z-gartirayotgan harfning tagiga chizing.

Berilgan harflar qaysi tovushni ifo-dalaydi? Ular so`zda qaysi tovush kabi aytilishi mumkin? Bo`sh kataklarga shu tovushni ifodalovchi harfni yozing.

47-mashq. Nuqtalar o`rniga b-p, **JBi** d-t, g-k, z-s undoshlaridan mosini qo`yib, so`zlarni yozing.

Davla., ozo., tu., tarvu., hiso., rubo., bar., Zayna., kopto., Abbo., talaffu..

48-mashq. o`qing. Topishmoqning JL javobini toping.

Dur shodalar uzilgandek
Ko`kdan** tushar **patirlab.
Yer yuzida turar andak
*Suv bo`lguncha **yaltirab*** (Ziyod Komilov).

Ko`chiring. Ajratilgan so`zlardagi aytilishi yozilishiga mos kelmagan undosh-ning tagiga chizing/

Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларга назарий билим бериш турли даражаларда амалга оширилади. Бундай даражаланишнинг меъёрий асослари «Она тили» давлат таълим стандарти ва ўқув дастури талаблари билан белгиланади. Ушбу талабларда грамматик назарияни ўргатиш зарурлиги инкор этилмайди, фақат унинг оз даражада ўрганилиши кераклигига ишора қилинади, холос. Чунки назарий билимсиз имло билан боғлиқ бирор грамматик амални тўғри бажариш қийин бўлганидек, машқларсиз тўғрилик сифатига эга бўлган на нутқий кўникмани, на орфографик малакани ҳосил қилиш мумкин эмас.

Грамматик назария ўрганилар экан, у асосийми, асосий эмасми, қай даражада бўлмасин, ўқувчиларнинг билимига айланиши керак. Бола *фонетика* сўзини билса, фонетика соҳаси нималарни ўргатиши ҳақида тушунчага эга бўлса, бунинг ҳам билим саналиши шакшубҳасиздир. Назарияни бу каби билиш даражаси кўпроқ методик тушунчаларни ўзида акс эттирувчи феълларда яққол намоён бўлади. Масалан, термин-тушунчани билиш, таърифни эслаб қолиш, қоидани тушуниб олиш, билимни амалий эгаллаш ва бошқа шу сингарилар – бир хил даражадаги ўқув ҳаракатлари эмаслиги аён ҳақиқат.

Дарсда ўқув ҳаракатлари икки томонлама амалга ошади: бир томондан, ўқитувчининг фаолияти, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг фаолияти натижасида юзага чиқади. Методист олимлар ўқитувчининг билим бериш фаолияти ҳақида гапирганда, қуйидаги методик тушунчалардан фойдаланадилар: *билим бериш, ўргатиш, тушунтириш, тушуниб олишларига эришиш, тушунчаларни шакллантириш, аниқлаш, билмаганларини тўлдириш.*

Ўқувчининг билим олиш фаолияти: *ўрганиш, назарий билим олиш, англаш, тушуниб олиш, билиб олиш, ўзлаштириб олиш, қуруқ ёдлаш, тушунчаларни шакллантириш, кузатиш, таҳлил қилиш (изоҳлаш), солиштириш (қиёслаш), умумлаштириш, хулоса чиқариш, мисол келтириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш.*

Кўриниб турганидек, она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга назарий билим беради, шу мақсадда дастлаб ўргатиш ҳаракатида бўлади, янги билимни тушунтиради, турли йўллар билан ўқувчиларнинг тушуниб олишларига эришиш учун тегишли чоралар кўради, пировардида ўқувчиларда тил ҳодисаси юзасидан тушунчани шакллантиришга интилади, ўқувчиларнинг олган билимларини аниқлайди ва тўлдиради. Кўринадики, назарий билим бериш хусусида ўқитувчининг фаолияти ўргатишдан назорат қилишгача тасаввур қилинади. Методик тавсияларни баён этишда бу тушунчаларнинг айримлари (*билим бериш, ўргатиш, тушунтириш)* маънодошлар сифатида ишлатилса-да, уларда муайян даражаланиш, фарқланиш мавжуд. Ту-

шунтириш билим бериш усулларидан бири бўлса, ўргатиш таълим жараёнини тўлиқ қамраб олади. Ўргатишда аниқлик етишмайди.

Ўқувчиларнинг назарий билим олиш йўлида бажарадиган таълимий ҳаракатлари қуйидагича тартибланиши мумкин: *ўрганиш, англаш: таҳлил қилиш (изоҳлаш), солиштириш, хулоса чиқариш, тушуниб олиш, ёдлаш, билиб олиш, ўзлаштириб олиш, тушунчани шакллантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш, мисол келтириш.*

Айрим методистлар ўқитувчиларнинг фаолият турларига билимларни ўрганиш учун замин яратиш, ўқувчиларни ўйлашга, изланишга, хулоса чиқаришга ундаш, уларнинг ижодий фикрлай олишларини, мулоҳаза юритишларини таъминлаш, қизиқишларини, фаоллигини оширишни [1-4] киритадилар.

А.Палекеева ўқувчиларга теран билим бериш, тил ҳодисасини тўлиқ тушунтириш, икки хил қўлланиш сабабини сўраш тариқасида ўрганиш даражасини чуқурлаштириш сифатини қўшиб тавсия беради [3].

Айрим методист олимлар назарий сўзини ишлатмаслик учун «амалий ўргатиш», «амалий таништириш» каби ифодалардан фойдаланадилар. Бу ердаги амалий тушунчасини икки маънода англаш мумкин: 1) амалий йўллар билан ўргатиш (таништириш); 2) амалий мақсадларда ўргатиш (таништириш). Биринчи ҳолат бугунги кунда кенг тарғиб қилинаётган индуктив усулга хосдир: тил ҳодисаси дастлаб мисоллар асосида кузаттирилади, яъни уни ўргатиш (таништириш) амалий машқ бажаришдан бошланади. Амалий йўл билан назарий билимга қараб борилади. Шунга кўра «Амалий билан назарийнинг фарқи нимада?» деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, амалий идуктив усулга ишора қилса, назарий тил ўргатишдаги дедуктив усулдан фойдаланишни кўзда тутади.

Билимни амалий мақсадларда ўргатиш (таништириш) деганда асосан билимни амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш тушунилиши мумкин. Лекин, биламизки, назарий маълумотларнинг ҳаммаси ҳам амалда қўлланавермайди.

А.Палекеева ўқитувчининг маҳоратига ҳам муайян талабларни илгари суради. Чунончи, «…sawatlı, o'z kasibinin' mamanı, teren bilimge iye, o'z kasibin su'yetug'ın, qa'dirleytug'ın oqıtıwshı bolıwı za'ru'r» (7-bet). Унинг фикрича, ўқитувчининг сўзи қисқа, аниқ, тиянақли, таъсирли, далилли, қизиқарли бўлиши зарур [3-4], …дарс давомида ўқитувчи нуқул гапираверса, болалар жалиғип кетади…

Таъриф ва қоидалар мазмунини ***тушуниб олиш*** назарий билимни ўрганишдаги дастлабки қадам, энг қуйи даража ҳисобланиши мумкин. Ушбу даражада дастлабки тушунчалар ҳосил қилиниши мумкин. Булар амалий ишлар асосида ***шакллантирилади***. Билим (назарий билим) беришнинг дастлабки қадами ўқитувчининг тушунтириши, ўқувчиларнинг берилган билим мазмунини тушуниб олишлари саналади. Демак, методик тавсиялардаги билим бериш ўқитувчининг фаолиятига тегишли, тушуниб олиш тушунчаси ўқувчилар фаолиятига тегишли. Фақат тушуниб олиш билимни англашнинг дастлабки даражасини, қадамини ифода этади. Бизнингча, методик тавсияларда ўқитувчининг қадамлари ҳам, ўқувчиларнинг қадамлари ҳам билимни ўзлаштириш даражаларига монанд баён этилиши аниқликни юзага келтиради.

Ўзлаштириш деган методик тушунча билимни ўзлаштириш, қоидани ўзлаштириш каби бирикмаларда ишлатилгани тўғри бўлади. Лекин қайси унлиларнинг йўғон эканлигини ***ўзлаштириб олиш*** мумкин эмас. Буни билиб олиш, эслаб қолиш мумкин.

Она тили дарсларида тил ҳодисаларини ўрганиш бир алоҳида йўналиш бўлса, олинган билимлар асосида нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш ҳам алоҳида йўналиш деб топилади. Лекин ушбу икки йўналиш бир-бири билан узвий боғланишда бўлади. Ушбу йўналишлар ўқитувчи ва ўқувчилар олиб борадиган ўргатиш ва ўрганиш фаолиятидаги ўзига хосликларга эга.

Қоидалар асосида нутқнинг тўғрилигига эришиш ўқувчининг билимни амалда қўллаш кўникма ва малакаларидан далолат беради. Демак, методик йўриқ бошқача таърифланиши керак: ўқувчиларга назарий билимни амалда қўллашни ўргатиш ва шу асосда нутқининг тўғрилигини (саводхонликни) таъминлаш.

Агар ўқувчиларнинг сўзларни қорақалпоқ тилининг имло қоидалари асосида ***тўғри ёза олишларига эришиши*** кераклиги айтилса, бу билан таълимдан кўзланадиган мақсад ва пировард натижани ифодалаган бўлинади, лекин ўргатиш метод ва усуллари ноаниқлигича қолади. Аввал нималар ўргатилиши, қайси метод ва усуллар ёрдамида ўргатилиши аниқ кўрсатилмоғи, ўқувчиларнинг босқичиа-босқич бажарадиган вазифалари даражаданган ҳолда баён этилмоғи лозим.

Хуллас, таълим жараёнини ёритишда фойдаланиладиган методик тушунчалар, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу жараёндаги фаолияти кенг тавсифланган тавсиялар тайёрланса, муаллимлар асосий мақсаддан чалғимаган ҳолда дарс ўтадилар. Бир ўқитувчининг эришган натижаларини ушбу таувсиялардан фойдаланган ўқитувчиларнинг ҳам такрор эришишлари реал ҳақиқатга айланади.

Адабиётлар

1. Qutlimuratov B. Qaraqalpaq tili 1-kl. Metodikalıq qollanba. Red. S.Aytmuratova. – Nókis: «Bilim», 2003. 32-b.
2. G'ulomova X., G'afforova T. Ona tili darslari: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: «Sharq» NMAK, 2003. 3-4-b.
3. Palekeeva A. 4-klasta qaraqalpaq tilin oqıtuw boyınsha metodikalıq qollanba. – Nókis: «Bilim», 2003. 92-b.
4. Xudoyberganova M., Fuzailov S., Muxtorova M. 3-sinfda ona tili darslari: Óqituvchilar uchun metodik qo`llanma. – Toshkent: «O`qituvchi», 2004. 128-b.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчилар назарий билимларини амалда қўллашнинг долзарб муаммолари, ўрганилаётган назарияни амалиётда қўллай билиши ва билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена актуальным проблемам практического применения теоретических знаний на уроках родного языка в начальной школе, умению применять изученную теорию на практике и развитию знаний, навыков.

SUMMARY

The article is devoted to the actual problems of practical application of theoretical knowledge in the lessons is the native lang in primary school, the ability to apply the studied theory in practice and the development of knowledge, and skills.

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ЎҚИТИШДА МАХСУС МОБИЛ ИЛОВАЛАР ЯРАТИШ ЗАРУРИЯТИ (жисмоний тарбия мисолида)

С.С.Тажибаев – *педагогика фанлари доктори (DSc), доцент*
Е.Ю.Дауренов - *доцент*
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
А.И.Олимов - *катта ўқитувчи*
Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таълим, жисмоний маданият ўқитувчилари, инновацион технология, мобил иловалар.
Ключевые слова: образование, учител физкультуры, инновационные технологии, мобильные приложения.
Key words: education. physical culture teacher, innovative technology, mobile applications.

Долзарблиги: "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилган [1].

Концепцияда бир қатор замонавий технологияларни жорий этган холда миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш. Шунингдек таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш назарда тутилган.

Бугунги кунда бутун дунёда ахборот алмашишнинг қулай воситаси сифатида мобил технологиялар кенг қўлланилмоқда. Мобил технологиялар турмушимизнинг турли соҳалари, жумладан, ишлаб чиқаришда, саноатда, тиббиётда ва таълим жараёнида ўз ўрнини мукаммал эгаллаб келмоқда [3,4].

Шу нуқтаи назардан, олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга ва уларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, жумладан, махсус мобил иловалар яратиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий фаолиятга оид ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситалари, янги инновацион технологияларини ўқув жараёнига қўллаш, ихтисослик фанларидан бўлажак мутахассисларни касбий билим кўникмаларини ошириш учун ўқув-услубий таъминотларни яратиш каби ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Мақсад ва вазифалар. Юртимиз педагогика олий ўқув юртларининг жисмоний маданият йўналиши талабаларининг бугунги кунда таълим олиш жараёнларида энг кўп ва қулай бўлган замонавий иннавацион технологиялар ва дастурий воситалар жумладан мобил иловалардан фойдаланишларини ўрганиб тахлил қилишни мақсад қилганмиз. Шу асосда:

1. Жисмоний маданият йўналишида кадрлар тайёрлашда ахборот технологиялардан фойдаланиш даражаларини ўрганиш, таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишга муносабатларини ўрганиш илмий педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш;
2. Бўлажак мутаҳасис-талабаларнинг фанлардан маълумотларни олиш ва мутахассислиги бўйича фанларни ўқишда бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қайси восита ёки усул қулайлиги тўғрисида уларнинг фикрларини анкета сўровномаси орқали ўрганиш, каби вазифалар қўйилди.

Тадқиқот натижалари ва хулосалари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 06.04.2016 йил 137- сонли буйруғи билан тасдиқланган 5112000-Жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларининг иккинчи боб иккинчи бўлимида ушбу йўналиш бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига бўлимлар бўйича малака талаблари қўйилган. Ушбу бўлимларнинг деярли барчасида рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши, глобаллашув шароитда кечаётган жараёнларда замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини оқилона танлай олиш, ижодий ёндошув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилятларига эга бўлиши белгилаб қўйилган [2]. Шуларга асосланган холда биз Жиззах давлат педагогика институти ва Гулистон давлат университети жисмоний маданият таълим йўналишининг юқори курсларида таҳсил олаётган бўлажак мутахасислардан бугунги кунда касбий билимларни эгаллашда қандай воситалар ва усуллар қулайлигини анкета саволномаси орқали ўргандик.

Ахборот олиш ва ўзаро алмашиш, маълумотларни йиғиш манбалари сифатида биз бўлажак мутахассисларга жисмоний тарбия ва спорт бўйича маълумотларни олиш ва мутахассислиги бўйича фанларни ўқишда улар учун қайси восита қулайлигини ўргандик (1-диаграмма).

1-диаграмма

Диаграммадан кўриниб турибдики Жиззах Давлат педагогика институти талабалардан 24,7%, Гулистон Давлат университети талабаларининг 29,5% ахборот ресурс марказидан ўз соҳалари бўйича маълумотларни олишда ва фанлардан билимларини оширишда фойдаланар эканлар. Албатта бугуги кунда хар бир ОТМ ахборот ресурс марказида яратилган шароитларни холати, таълим йўналишлари кесимида мавжуд ўқув адабиётларини бугунги кун талабидан келиб чиқиб шакллантирилганлигини хам эътиборга олиш лозим.

Ахборот технологияларнинг шиддат билан ривожланиши ушбу сохада хам катта ўзгаришларга олиб келмоқда. Мобил телефонлардан фақат алоқа воситаси сифатида фойдаланилган бўлса, хозирда

турли операцион тизимли смартфонлар комьютер бажарадиган ишларни деярли хаммасини амалга оширмоқда. Шу сабабли респондентлардан ЖДПИ 54,5%, ГулДУ 52,6% мобил телефонлар орқали, шахсий компьютерда эса, ЖДПИ 20,8%, ГулДУ 17,9% ишлашни афзал кўришар экан.

Бундан бир неча йил олдин интернетдан фойдаланиш учун фақатгина шахсий компьютерлардан фойдаланилар эди. Бугунги кунда эса интернет фойдаланувчиларининг аксарияти мобил телефонлари орқали фойдаланаётгани бизга маълум. Ушбу масалада ёшларни берган маълумотлари хам фикримизга яққол исбот бўлди. Интернетдан фойдаланиш учун кўпрок шахсий компьютерданми ёки мобиль телефондан фойдаланишларини ўргандик (2-диаграмма).

2-диаграмма

1. Юқоридаги маълумотларга асосланган холда бугунги куннинг ёшлари, бўлажак мутахассисларимизнинг хаётларига мобил телефонлар борган сари кириб бормоқда. Албатта бунинг учун зарур меъёрий-хуқуқий хужжатлар хам ишлаб чиқилмоқда. Замонавий смартфонлар учун зарурий дастурий воситалар ишлаб чиқишдан олдин талабаларнинг шу русмдаги мобил телефонлари билан таъминланганлик даражасини ўргандик (*3-диаграмма*). Хозирда талаба ёшларимизнинг аксарияти яъни ЖДПИ 92,2%, ГулДУ 91,0% замонавий операцион тизимга эга бўлган мобил телефонлардан фойдаланишларини маълум қилишди.

3-диаграмма



Бугун мобил қурилмалар ҳаётимизда алоҳида аҳамиятга эга. Турли сохаларда ва бизнес вазифалар учун ҳар бир фойдаланувчи смартфон ёки планшетлардан фойдаланади. Бундай қурилмалардан таълим олиш ва билимни бойитиш учун зарур дастурий махсулотлар керак бўлади. Ёшларимиздан шундай дастурий таъминот, мобиль иловалар хақида тушунчага эгаликларини билиш ва улардан фойдаланишларини ўрганиш мақсадидаги сўровимизга қуйидагича жавобларни олдик. ЖДПИ 45,5%, ГулДУ 53,8% бўлажак мутахассисларимиз мобил иловалар хақида тўлиқ тушунчага эга эканликларини билдиришди. Қисман деб ЖДПИ 50,6%, ГулДУ 41,0% жавоб беришган. Етарли даражада тушунчага эга эмасликларини ва кам фойдаланишларини ЖДПИ 3,9%, ГулДУ 5,1% юқори курс талабалари маълум қилишган (4-диаграмма).

4-диаграмма



Хулоса. Юқоридаги таҳлилимиздан хулоса қилишимиз мумкинки, бугунги кундаги бўлажак ёш кадрларимиз АКТни, жумладан, замонавий мобил курилмаларни жуда яхши ўзлаштириб олганлигини инобатга олиб, ўз билимларини касбий малака ва махоратларини ошириш учун восита сифатида фойдаланишимизни жамиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Турли техник муаммоларга таянган ҳолда, мобил қурилмаларни қўллаш инсоннинг шахсий ҳаёти ва шахсий ҳавфсизлигида негатив акс этиши мумкин. Мавжуд камчилик ва чегаралашларга қарамай, мобил технологиялар тез тарқалмоқда ва келажакда энг самарали ўқитиш методларидан бири бўлиши мумкин. Мобил иловалар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қизиқарли, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилиши ўқитишнинг самарасига ва бўлажак мутахассислар ўз билимларини, касбий малака ва маҳоратларини оширишга олиб келиши мумкин. Талабаларга билим беришда мобил иловалардан фойдаланиш ғоясини амалга оширишининг кўпгина аспектлари мавжуд. Ўз олдимизга тўғри мақсад қўйиб, барча афзал ва камчилик томонларини кўриб чиқиб, замонавий таълим жараёни сифатини ошириш учун мустаҳкам база яратиш зарур, бу эса замон билан ҳамнафас бўлишдир.

Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сон Фармони 2019 йил 8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими «LexUZ».
2. 5112000-Жисмоний маданият бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. –Тошкент: 2016, 28-б.
3. Доскажанов Ч.Т., Даненова Г.Т., Коккоз М.М. Роль мобильных приложений в системе образования. // Международный журнал экспериментального образования. № 2. 2018, -С.17-22.
4. Камалов Р.Р. Реализация мобильного обучения на самостоятельных занятиях физической культурой в вузе. КамаловР.Р., Касаткин К.А., Наговицын Р.С. // Вестник развития науки и образования. 2013, № 5. -С.162-168.

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим жараёнида инновацион технологияларнинг роли ва бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий билимларини ошириш учун бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш учун зарурий дастурий воситалар, жумладан, махсус мобил иловалар яратишнинг зарурияти ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется роль инновационных технологий в образовании и необходимость создания специальных мобильных приложений, в том числе использование современных мобильных приложений для повышения профессиональных знаний будущих учителей физкультуры.

SUMMARY

The article examines the role of innovative technologies in education and the need to create special mobile applications, including the use of modern mobile applications to enhance the professional knowledge of future physical education teachers.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 5-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИНФОРМАТИКАДАН БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ МУАММОСИ

Б.Н.Тлегенов – *ассистент ўқитувчи*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: таълим, тарбия, малака, билим, кўникма, муаммоли ўқитиш, моҳият, функция, технология, метод, вазифа, , структура, дарс.

Ключевые слова: образование, воспитание, умение, знания, навыки, проблемное обучение, сущность, функции, технологии, методы, задачи, структура, урок.

Key words: education, knowledge, skill, experience, problem-based teaching, essence, functions, technology, methods, tasks, structure, lesson.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида малакали мутахассис ва баркамол шахсни тарбиялашда узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичларидан бири бўлган – мактаб таълими муҳим ўрин тутади. Бу ўз навбатида, ўқувчиларга илмий билимларни чуқур ўргатиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, тафаккурини бойитиш ҳамда мустақиллик, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ижодкорлик каби касбий сифатларини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Мактабда ташкил этилаётган таълим сифати ўқувчиларнинг ўқув фанлари, жумладан, информатика фанини пухта ўзлаштириши билан белгиланади. Ўқувчиларга бу фанга оид билимларнинг муайян тизим асосида берилиши уларнинг фаоллигини, мустақиллигига асосланишини, уларда мазкур фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни шакллантиради, илғор хориж тажрибалари ва методлари билан бойитилиши, уларда ўзлаштириладиган билимнинг сифат даражасини оширади ва унинг барқарор хусусият касб этишига замин яратади.

Мактабда ўқув фанлари ўртасидаги интеграция, ўзаро боғлиқликни таъминлаш, ўқувчиларга информатика фанига оид билимларининг муайян таснифга мувофиқ бериш уларда бу фанни ўзлаштириш сифатини оширишда яна бир муҳим омил сифатида кўзга ташланади. Чунончи, ўқиш, она тили, технология каби фанларни ўрганишда ўқувчилар йил фаслларининг ўзгариши, табиий ҳодисаларнинг моҳияти билан танишиш асосида, биринчидан, дастлабки ўқиш ва ёзиш кўникмаларни ўзлаштирсалар, иккинчидан, тасаввурлари бойийди, учинчидан, нутқ бойлиги ўсади, тўртинчидан, информатика фанига оид билимларини турли шароит, фаолият муҳитида ўзлаштириш натижасида маълум объект, предмет, жараён ва ҳодисаларнинг турли жиҳатларини ўзлаштирадилар.

5-синф ўқувчиларида информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш муаммосининг назарий жиҳатдан ўрганилиши бу борада қуйидаги вазифалар борлигини кўрсатди:

- информатика фанини ўқитиш мазмунини замонавий талаблар асосидаги билимлар билан бойитиш, уларга оид янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш, мазкур фанни ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, муайян омиллар ёрдамида ўқувчиларнинг касбий сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш вазифаларини маълум даражада амалга ошириш;
- 5-синф ўқувчиларига информатика фанига оид билимларни бериш масаласини асосан вариатив ўқув дастурлари, янги авлод дарсликлари ва қўлланмаларини яратиш доирасида ҳал этиш;
- республика миқёсида 5-синф ўқувчиларига информатика фанига оид билимларни бериш йўлида ҳамда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга оид тадқиқотларни йўлга қўйиш.

Мактабларнинг 5-синфларида информатика фанига оид билимларнинг ўзлаштирилиш сифати ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида бу жараёнда бир қатор муаммолар борлиги аниқланди. Бизнинг назаримизда муаммоларнинг сабаблари қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- информатика фанида берилган материаллар 5-синф ўқувчиларини фикрлашга, мустақил фаолият юритишга ундаса-да, ўқитувчилар бу имкониятдан талаб даражасида фойдаланмайди;
- информатика фани ўқитувчиларининг кўпчилиги муаммоли дарсларни ташкил этишга нисбатан ижодий, технологик ёндашув малакаларига етарлича эга эмас;
- ўқитувчилар муаммоли дарсларни ташкил этиш технологиялари, ўқувчиларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга оид услубий кўрсатмаларга эга эмас;
- информатика фани бўйича ташкил этилаётган дарсларда фанлараро интеграция, ўзаро боғлиқликка таяниб иш кўришга етарлича эътибор қаратилмаган ва ҳаказолар.

Баён этилган ҳолатлар 5-синф ўқувчиларида информатика фанига оид билимларни мажбурият юзасидан ўзлаштириш кўникмасини ҳосил қилади. Билимларнинг мажбурий ҳолда ўзлаштирилиши эса, уларнинг пухта бўлмаслигига олиб келади. Замонавий ижтимоий-педагогик талаблар эса ўқувчиларнинг илмий дунёқарашга эга бўлишларини тақозо этади. Улар томонидан информатика фанига оид назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи омил – бу уларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш ҳисобланади.

Информатика фани асосларини, мазмун ва моҳиятини англашга интилиш 5-синф ўқувчиларининг информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишни жадаллаштиради, уларда ана шу мақсадга йўналтирилган фаолликни шакллантиради. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг информатика фанидан ўқув материалларини матн, тасвир, кўргазмали қуроллар, компьютер ва бошқа воситалар асосида ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Ушбу жараёнда ўқувчи ўз фикри, ўрганилаётган жараёнга муносабатини ифодалашни эмас, кўпроқ ўқитувчининг дарслик, кўргазмали қуроллар мазмунини қайта тиклаш ҳақидаги талаби хусусида ўйлайди.

5-синф ўқувчиларининг информатика фанидан билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган ҳаракатлари айрим вақтларда самарасиз ҳам бўлиши мумкин, бунга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин:

- ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш фаолияти аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилмаса;
- ўқувчилар эътиборига информатика фанидан билимларни ўзлаштиришдан кўзланган мақсад ва вазифалар асосида муаммоли ўқув савол ва топшириқлари берилмаса;
- ўқувчиларнинг информатика фанидан билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари муаммоли ўқитиш шакл, метод ва технологиялари асосида олиб борилмаса;
- информатика фани ўқитувчилари мавжуд ҳолат ва ўқувчиларнинг шахсий имконият ҳамда тажрибаларининг ўзаро уйғунлашувига эриша олмаса ва ҳаказолар.

Таҳлиллардан аниқланишича, турли дидактик ўйинлар ҳамма вақт ҳам ўқувчиларда ўқув

материалларини мукаммал ўзлаштиришга қизиқишни уйғота олмайди, дарсларнинг ўйинлар шаклида олиб борилиши уларнинг қизиқарли ва самарали бўлишини таъминловчи омил бўлавермайди. Аксинча, ўқитувчи томонидан узлуксиз равишда ўқувчилар фаолиятининг ўйин сифатида баҳоланиши уларда таълим олишга бўлган қизиқишни сусайтиради. Ўқувчиларда билим олишга, шунингдек, информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда, улар олдига муаммоли вазиятларни қўйиш самарали ҳисобланади. Бу ўз навбатида ўқувчиларда информатика фанига оид билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришни кафолатлайди.

Бугунги кунда таълим жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш ўқитишнинг самарали бўлиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини таъминловчи етакчи омил сифатида қаралмоқда. Ушбу технологиялар таълим жараёнини аниқ мақсад ва вазифаларга мувофиқ пухта асосланган лойиҳалаш ёрдамида ташкил этиш бўлиб, унинг мазмунида ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришга нисбатан сезиларли таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи таъсирлар, шунингдек, зиддиятли вазиятларнинг юзага келиш эҳтимоли инобатга олинади.

Лойиҳалаш асосида ташкил этиладиган дарсларнинг қизиқарли элементлар билан бойитилиши ўқувчиларнинг информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишга олиб келади, уларни турли муаммоли ўқув саволлари ва топшириқларини бажаришга нисбатан масъулиятини оширади. Натижада, улар ўқув материалининг мазмун ва моҳиятини тўлақонли тушунишга ҳаракат қиладилар.

5-синфларда ўқув ишларини йўлга қўйишда асосий эътибор уларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш масаласи эътибордан четда қолаётганлигидан далолат беради. Бунда дарслик ва ўқув қўлланмалар муҳим восита ҳисобланади. Уларда берилаётган ўқув материаллари вазифаси ва таркибий тузилишига кўра ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш талабларига жавоб бера олиши муҳим.

Мазмуни ва вазифасига кўра ўқув манбалари информатика фанига оид билимларнинг мазмун-моҳияти билан ўқувчиларнинг билиш фаолияти усулларини ўзаро мувофиқлаштиришга ёрдам бериши зарур. Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаблари амалиётида фойдаланиб келинаётган дарслик, махсус нашр этилган – кузатишлар кундалиги, турли жадваллар, ишчи дафтарлар, назорат ишларини ташкил этишга хизмат қилувчи ёрдамчи ишланмалар (график топшириқлар, тезислар), тестлар каби ўқув манбаларини бугунги кунда такомиллаштириш зарур.

Ушбу манбалар ичида дарслик марказий ўринни эгаллайди. Бинобарин, дарслик ўқувчиларга информатика фанига оид билимларни узатувчи манба бўлса, иккинчидан, ўқув дастурида белгилаб берилган меъёрларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши учун ёрдам берувчи омилдир, учинчидан, янги авлод дарсликлари ўқувчилар турли оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўзлаштираётган маълумотларни ўзида акс эттирган ахборотлар билан интеграциялашга хизмат қилувчи восита ҳисобланади [1].

Амалдаги дарсликларнинг барча жиҳатлари: асосий ва қўшимча матнлар, савол ва топшириқлар, тасвирлар турли даражадаги ахборот узатиш ҳамда ўқувчиларни билиш фаолиятига ундаш каби вазифаларни бажаради. Ўқувчиларнинг маълумотларни ўзлаштириш даражаси матн, савол ва топшириқларнинг мазмуни, савияси, йўналиши, шунингдек, методик аҳамиятга эгалиги билан боғлиқ.

Ўқувчиларнинг психологик хусусиятларига таянган ҳолда дарсликда ўз аксини топган савол ва топшириқларнинг ўқувчилар томонидан идрок этиш, назарий билимларни умумлаштириш, улар асосида муайян хулосаларга келиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, уларнинг мазмунини ишлаб чиқишда бу ёш даври ўқувчиларининг психологик хусусиятлари, уларнинг ривожланиш динамикаси инобатга олиниши зарур [2].

Билдирилган фикрлар ҳамда Б.З.Вульфов [3] кўрсатмаси асосида 5-синф ўқувчиларида информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятларини, имкониятларини, шахсий мавжуд тажрибаларини ўрганиш, уларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш;
- мазкур жараённи амалга оширишга имкон берувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш;
- информатика фани бўйича дарсларнинг замонавий, муаммоли ташкил этилишига эътиборни кучайтириш;
- муаммоли дарсларни аниқ мақсад ва вазифаларга асосланувчи лойиҳалаш асосида ташкил этиш;
- муаммоли дарс жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари ва фаоллик кўрсатишларига эришиш;
- самарали назорат усуллар воситасида ўқувчиларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатининг ошганлик даражасини ўрганиб бориш ва таҳлил этиш.

Шундай қилиб, 5-синф ўқувчиларида информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш мураккаб педагогик масала бўлиб, унинг ижобий ҳал этилиши мазкур фан дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Сўз юритилаётган жараёнда бир қатор психологик ва педагогик хусусиятлар кўзга ташланадики, ўқитувчи томонидан уларнинг ўз вақтида илғай олиниши кутилган натижаларни қўлга киритишга имкон беради.

5-синфларда информатика ўқитувчисининг асосий вазифаси ўқувчиларга ўрганилаётган маълумотларнинг алоҳида элементлари ўртасидаги мавжуд алоқаларни кўрсатиб беришдан иборат. Ана шу мақсадга йўналтирилган топшириқларнинг ўқув йили давомида ортиб бориши натижасида, ўқувчилар дарс жараёнида ўзлаштирилаётган тушунчаларни, улар ўртасидаги нисбатларни ўзаро таққослаш асосида тавсифлашни ўрганадилар.

Дарсликда ўқув материалларини беришда инобатга олинган муҳим тамойил – бу кўргазмалилик тамойили саналади. 5-синфлар учун тавсия этилган информатика дарслигида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини тўлиқ топа олмаган. Ушбу ҳолатни матн ва қўшимча материаллар (хусусан, расм, шакл ҳамда жадвал) нисбатида яққол кўриш мумкин. Асосий ахборот, маълумотлар матн ёрдамида эмас, балки тасвирлар орқали етказилиб берилади. 5-синфда матнлар фақатгина ёрдамчи вазифани бажаради.

Ўқув материалининг тасвир кўринишида ўқувчига етказилиши у томонидан информатика фани асосларининг пухта ўзлаштирилишини таъминлайди. Улар ёрдамида ўқувчи объект ва унинг ички ҳамда ташқи хусусиятларини таҳлил этиш, уларни муҳим белгилари асосида тавсифлаш, муайян хулосаларни чиқариш имконига эга бўлади. Бу ўз навбатида ўқувчиларда информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатининг ошишига туртки беради. Шу мақсадда ҳар бир расм ёки тасвирлар гуруҳига мос ҳамда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятининг ижодий хусусият касб этишига хизмат қилувчи муаммоли савол ва топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзлаштирила-

ётган мавзу юзасидан ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган муаммоли саволлар мавзунинг мазмун ва моҳиятини очишга хизмат қилиши, уларни муайян даражада фикр юритишга ундаши зарур. Таҳлиллардан кўринадики, дарсликда берилаётган айрим саволлар тўпламидан 5-синф ўқувчилари нутқини бойитиш мақсадида бериладиган саволлар ўрин олган бўлиб, улар ўқувчиларни фикр юритишга ундай олмайди. Бундай содда саволларнинг берилиши ўқувчиларда ўқув материалларини ўзлаштиришга нисбатан масъулиятсизликка олиб келади.

5-синфда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўқув фаолиятини ташкил этишга нисбатан масъулиятли ёндашиш кўникмаларини эгаллай бошлайдилар. Бу босқичда уларда ўқув материаллари моҳиятини мустақил ўзлаштиришга қизиқиш уйғонади, улар информатика фани борасидаги дастлабки тасаввурларига таянган ҳолда топшириқлар моҳиятини назарий таҳлил ва синтез қилиш асосида мантиқий хулосалар чиқаришга интиладилар. Бу ўринда уларнинг эътиборларига турли расмлар ҳавола этилади. Расмлар орқали ифода этилаётган мазмунни англашлари учун қуйидаги саволлар илова қилинади: “Расмларда нима акс этган?”, “Нима учун шундай деб ўйлайсиз?” Ўқувчилар эътиборига бундай саволларнинг ҳавола этилиши уларни фикрлашга, тафаккур юритишга ундайди [4].

Информатика фанидан билимларни ўзлаштиришдаги имкониятларнинг ортиб бораётганлиги 5-синф ўқувчиларида юзага келган қизиқишни янада оширишга ёрдам берувчи ўқув материалларининг дарсликлар саҳифасида ўз аксини топишини тақозо қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфлари учун тавсия этилган информатика дарслигида бу жиҳат ўз аксини топиши, матнларнинг ўрни ва салмоғи юқори, информатика ҳақидаги умумлаштирувчи ва тизимли назарий билимларнинг кўлами кенг бўлиши зарур. Шундагина, ўқув материаллари ўқувчиларнинг мазкур фан мазмуни ва моҳияти ҳақидаги илмий тушунчаларини бойитади.

Дарс жараёнида кузатиш, тажриба ва амалий машғулотларга кенг ўрин бериш ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини оширади, уларни назарий билимларни мустақил, ижодий ёндашув асосида ўзлаштиришга рағбатлантиради.

Кузатишлардан аниқланишича, тайёр илмий маълумотларни ёдлаш, ўқитувчи томонидан информатика моҳиятини оғзаки равишда ифодалаш ўқувчиларда интеллектуал фаолиятнинг мураккаб кўринишлари, жумладан, кузатиш, таҳлил этиш, тизимлаштириш, қиёслаш, умумлаштириш, сабаб ва оқибатлар ўртасидаги муносабатларни белгилаш, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларини шаклланишига имкон бермайди. Ушбу ёш даврида информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини ошириш бевосита ўқитувчилар томонидан интеллектуал фаолиятнинг мураккаб шакллари асосида ташкил этилиши билан боғлиқ.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар, информатикага оид муаммоли билимларни муайян тизим (осондан қийинга, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориш) ҳамда назарий билимларни таснифлаш асосида бериш 5-синф ўқувчиларида информатика фанидан билимларни ўзлаштириш сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, бу ёш даври ўқувчиларининг психологик хусусиятлари, улар томонидан мураккаб ўқув материаллари моҳиятини чуқур англашга имкон бермайди. Шунингдек, маълумотларнинг улар тасаввур эта олмайдиган далиллар ёрдамида берилиши фанни ўрганишга бўлган қизиқишларининг пасайишига олиб келади [5].

Шу сабабли, информатика фани бўйича ташкил этилаётган муаммоли дарслар жараёнини юқорида таъкидланган омиллар билан бойитиш кутилган натижанинг қўлга киритилишини кафолатлайди.

Адабиётлар

1. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1996, - С. 336.
2. Бошланрич таълим Концепцияси. – Т.: ЎзПФИТИ, 1994, 15-б.
3. Вульфов Б.З. Учитель: профессиональная духовность. // “Педагогика”. 1995, № 2. - С. 48-52.
4. Громова М.Т. Технология образовательных процессов. – М.: Педагогика, 1992, -С.106.
5. Журавлев В.И. Взаимосвязь педагогической науки и практики. – М.: Педагогика, 1990, -С. 32.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада муаммоли ўқитиш, унинг моҳияти, қарама-қаршилик, муаммоли ўқитиш функцияси, технологияси, методлари, вазифа, муаммоли дарс структураси каби тушунчалар кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются основные понятия как проблемное обучение, его сущность, функции проблемного обучения, методы, задачи, структура проблемного урока и другие вопросы.

SUMMARY

The article discusses the basic concepts of problem-based teaching, its essence, the functions of problem teaching, methods, tasks, problem lesson structure and other issues.

О ВОЗМОЖНОСТЯХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ОЦЕНОЧНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ

Ё.И.Турганов – *докторант*

Джиззахский государственый педагогический институт

Таянч сўзлар: баҳолаш, баҳолаш компетенцияси, педагогик имкониятлар, АКТ, масофавий таълим, рақамли технология.

Ключевые слова: оценка, оценочная компетенция, педагогические возможности, ИКТ, дистанционное образование, цифровые технологии.

Key words: assessment, evaluative competence, pedagogical opportunities, ICT, distance education, digital technologies.

Глобальная массовая сетевая коммуникация, характерная для современного этапа развития мирового образования, отражает общие тенденции информационного общества, что определяет активное использование информационных и коммуникационных технологий в процессе подготовки будущих специалистов в высших образовательных учреждениях и управления его качеством. Значимость совершенствования профессиональной подготовки будущих педагогических кадров в области современных ИКТ, в частности, дистанционного образования, отмечается в «Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», утверждённой Указом Президента Республики Узбекистан № ПФ-5847 от 8 октября 2019 года, в которой определены приоритетные задачи по «индивидуализации учебного процесса на основе цифровых технологий, развитию дистанционных образовательных услуг путём широкого внедрения в учебный процесс онлайн технологий - вебинаров, "blended learning", "flipped classroom", организации дистанционных обра-

зовательных программ на основе современных информационно-коммуникационных технологий» [1] и т.д.

Проблема развития дистанционно-коммуникационной компетентности будущих педагогических работников особо актуализируется в современных условиях глобальных угроз человечеству, одним из эффективных способов избавления от которых сегодня является самоизоляция личности. В этих условиях, естественным образом многократно возрастает важность решения качественной подготовки будущих учителей в области профессиональной деятельности, одним из значимых компонентов которой является оценка результатов обучения и воспитания на основе современных ИКТ.

В современной научно-педагогической литературе отмечается актуальность вопросов совершенствования оценочной деятельности будущего учителя, о чем говорит возросшее количество научно-исследовательских работ по данной проблеме. Исследования таких ученых стран СНГ как Б. Амонашвили, Р.В. Селюков, З. Васильева, А. Веретенникова, В. Кузьмин, В.Байденко, В. Беспалько, Б.Гершунский, В.Лазарев, А.Моисеев, М. Поташник посвящены приоритетным вопросам современной образовательной политики в сфере реализации компетентностного подхода при разработке образовательных программ и совершенствования системы оценки качества образования, оценочной деятельности с позиции субъектов оценки, то есть кем или в какой области педагогики (обучение или воспитание) она осуществляется. В работах Т. Ахаяна, М. Казакиной, Л. Рувинского, А. Тряпицыной основное внимание уделяется на воспитательные аспекты оценочной деятельности.

В научных работах зарубежных исследователей в лице Р.Берк, Р.Бренан, Д.Кэттел, С.Фельдт, Р.Торндайк, E.Chew, D.Parsons, H.Ogata, J.Cross, A.Mateia рассмотрены возможности педагогической диагностики и оценок, новых электронных образовательных средств, системы образовательных платформ (LMS/CMS), дистанционного образования.

А вопросы использования ИКТ в педагогическом контроле как одно из направлений информатизации образования для повышения его качества были объектом изучения научных изысканий М. Арипова, А. Абдукадырова, У. Бегимкулова, Н. Муслимова, С. Турсунова, А. Аскарова, С. Быкова, Г. Кручининой, И. Роберт и т.д. Активно проводятся исследования по совершенствованию оценочной компетентности будущих учителей начальных классов на основе современных информационно-коммуникационных технологий.

В современной педагогической науке отдельное внимание уделяется развитию системы оценки качества образования (В. А. Кальней, Н. В. Селезнев, Н. А. Субетто, Н. Ф. Талызина, Л. Ф. Фридман); вопросам самооценки, самоконтроля, самодостаточности личности (Н.В.Бордовская, А.М.Матюшкин, А.А.Реан и др.); проблемам разработки современных методов и средств оценивания (В. С. Аванесов, А. С. Белкин, А. Н. Майоров, Н. Н. Самылкина); формированию оценочной деятельности, компетенции студента по оцениванию качества образования (А. К. Маркова, А. Н. Суббетто, В. Б. Щербакова) и др.

В данных исследованиях авторы указывают на слабую подготовленность молодых специалистов к осуществлению оценочной деятельности на основе современных ИКТ. Значительная часть выпускников педагогических ОУ испытывают реальные затруднения в осуществлении педагогической оценочной деятельности с использованием современных ИКТ. Анализ учебных планов и программ по направлению бакалавриата «511700-начальное обучение и спортивно-воспитательная работа» показывает, что в процессе подготовки студентов к профессиональной деятельности недостаточно внимания уделяется формированию и развитию их оценочной компетентности на основе ИКТ. Тем более вопрос об оценочной деятельности учителя как составляющей его профессиональной педагогической деятельности, которая включает в себя оценивание не только деятельности учащихся, но и оценивание собственной профессиональной деятельности, и оценивание взаимодействия учащихся и учителей, не рассматривается.

Таким образом, на основе анализа научно-педагогической литературы и учебно-нормативных документов, а также изучения состояния практики преподавания специальных дисциплин (психолого-педагогических) можно сделать вывод: педагогические ВОУ не обеспечены научно-обоснованной, целостной системой подготовки будущих учителей к осуществлению оценочной деятельности с использованием ИКТ. Следовательно, вопрос о целенаправленной подготовке студентов педагогических вузов к оценочной деятельности на основе современных информационных и коммуникационных и педагогических технологий становится актуальной проблемой исследования, которая ждёт своего практического решения.

Решение данной проблемы связано с реализацией следующих частных задач исследования:

1. Определить сущность и содержание оценочной педагогической деятельности на основе компетентностного подхода;

2. Показать и реализовать педагогические возможности современных информационно-коммуникационных и педагогических технологий в совершенствовании оценочной компетенции будущих учителей;

3. Разработать структурно-функциональную модель совершенствования оценочной компетенции будущих учителей и путём экспериментальной работы проверить ее эффективность.

4. Разработать программу совершенствования оценочной компетенции студентов педвузов на основе современных информационно-коммуникационных и педагогических технологий, научно-методические рекомендации по её реализации.

Литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан № ПУ-5847 от 8 октября 2019 года.
2. Хўжаев А.А. Олий таълим муассаларида таълим сифати мониторингини такомиллаштириш. Пед.фан.фал.док.(PhD)….автореф. – Т.: 2019. 49-б.
3. Субетто А.И. Качество образования: проблемы оценки и мониторинга. // Образование. 2002, № 2. – С. 18-21.
4. Нурманов А.Т. Технология подготовки студентов к эффективному общению. LAP LAMBERT Academic Publishing (2014-01-22).
5. Бешенков С.А. Информационная безопасность учащихся и их интеграция в информационный социум. С.А.Бешенков, Э.В.Миндзаева // Дистанционное и виртуальное обучение. 2016, №5. – С. 11-18.
6. Зайцева С.А. Совершенствование ИКТ-компетентности будущего учителя начальных классов посредством педагогической практики. / С.А. Зайцева, О.В. Чадаева. // Школа будущего. 2016, №2. – С. 9-15.

РЕЗЮМЕ

Мақола замонавий олий таълимнинг долзарб муаммоларидан бири, яъни замонавий ахборот, коммуникация ва педагогик технологиялар асосида бўлажак ўқитувчининг баҳолаш компетенциясини такомиллаштириш масаласига бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается одной из актуальных проблем современного высшего образования, а именно проблеме совершенство

вания оценочной компетенции будущего учителя на основе современных информационно-коммуникационных и педагогических технологий.

SUMMARY

The article is devoted to one of the actual problems of modern higher education, namely, the problem of improving the evaluative competence of a future teacher based on modern information'communication and pedagogical technologies.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТИНИНГ АМАЛДАГИ МОДЕЛИ

А.А.Турғунов – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги

Таянч сўзлар: мактабгача таълим ташкилоти, педагог-психолог, психологик хизмат модели, мактабгача ёшдаги болалар, модель, стратегия, фаолият турлари, функционал вазифа, диагностик, коррекция, “тез ёрдам”.

Ключевые слова: дошкольное образовательное учреждение, педагог-психолог, модель психологической службы, дошкольники, модель, стратегия, виды деятельности, функциональная задача, диагностика, коррекция, “скорая помощь”.

Key words: preschool educational institution, psychologist, model of psychological service, preschool children, model, strategy, activities, functional task, diagnostics, correction, “emergency care”.

Мактабгача таълим тизими учун истиқболли психологик хизмат моделини таклим қилишда ҳозирда мавжуд моделларни турли вазиятлар (болалар боғчасидаги педагогик шарт-шароитлар, болалар контингенти, психологларнинг касбий маҳорати даражаси, ижтимоий ва маъмурий буюртмалар ва бошқ.) туфайли мактабгача таълим психологик хизматининг барча афзаллик ва камчиликларини юзага чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Психологлар фаолиятининг устувор йўналишларни ўрганиш асосида, мактабгача таълим психологларининг касбий фаолиятларини ўрганишга йўналтирилган сўровномаларга мактабгача таълим мутахассисларининг жавоблари, психологик курс, семинар, ижодий гуруҳ талабалари билан психологларнинг функционал вазифаларини муҳокама қилиб, мактабгача таълим психологик хизматининг икки модели ва стратегияси ҳақида гапириш мумкин. Улар психологнинг функционал вазифаларидан бирининг устунлиги натижасида ва психолог фаолиятидаги муайян вазифаларни ҳал этишнинг устунлиги асосида шаклланган.

Биринчи модель: психологнинг асосий фаолияти боланинг психик ривожланишида олдин юз берган нарсаларни тузатиш билан боғлиқ. Бу модель ўтмишдаги, бола руҳиятида пайдо бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Ўтмишдаги юз берган нарса ва ходисаларни тузатишга асосланган психологик амалиёт жуда кенг тарқалган ва кўплаб илмий мактаблар ва йўналишларга эга. Бу қайсидир маънода бола психологиясининг бир тури бўлиб, у болалик таассуротларининг қатламларини муваффақиятли чиқариб олади ва “бўлакчалардан” инсоннинг йўқолган яхлитлиги ва психик саломатлигини қайта тиклайди. Шунинг учун, биринчи модель учун устувор вазифалар бу диагностик ва унга асосланган коррекцион функциялар ҳисобланади.

Психологик хизматнинг иккинчи модели асосан ўзининг мафкураси билан *ҳозирги кунга* йўналтирилган. Иккинчи модель учун устувориклар бошқача қурилади: энг аввал бу профилактик, маърифий, ахборот-ривожланиш, башоратли ва мактабгача таълим психологик хизмат вазифасини лойиҳалаштирувчи функциялардир.

Ушбу умумий моделлардан ташқари, мактабгача психологик хизматларда пайдо бўлган учта стратегия ҳақида гапириш мумкин.

1983 йилда (26-27 октябрь) Таллинда ўтказилган “Мактабда психологик хизмат” номли Бутуниттифоқ симпозиумида қуйидаги савол кенг муҳокама қилинган экан: ўқувчиларнинг шахсиятининг ривожланишини таъминлаш ва назорат қилиш орқали мактабда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муносабатлари учун қулай муҳитни яратиш мақсадида психолог мактабдаги барча ишларда иштирок этиши шартми, ёки психолог турли психологик оғишларга эга, тарбияси оғир ва ўзлаштириши паст бўлган болалар билан шуғулланиши керакми? [5].

Шунча йилдан кейин ҳам бу муҳокама юзасидан оқилона хулосасига келинмаган. МДҲ давлатлари ва мамлакатимиз мактабгача таълим психологик хизматларнинг ҳозирги фаолият амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, (*Россия бу баҳсли масалани ҳал қилишнинг ўзига хос йўлларини танлаб бўлган*). Қуйидаги стратегиялардан, юқоридаги масалани хал этиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

<u>Биринчи</u>: психолог МТТнинг барча муаммоларига фаол киришади, муассаса фаолиятининг барча тур ва шакллари билан ишлайди, ўзига ахборот, шакллантирувчи, коррекцион функцияларни олади, МТТ ходимларига таъсир кўрсатишнинг коммуникатив воситаларини бошқаради, диагностика воситаларини максимал даражада бойитади ва болалар, катталар ва педагогик жараёнда улардан фаол фойдаланади.

Психологнинг бу фаолиятининг марказида бурч, масъулият, ўз имкониятларига ишонч, боланинг ривожланишига аралашиш кераклиги нуқтаи назарини эътиборга олиш, нафақат бунинг учун шароит яратиш, балки шахснинг фаол шаклланиши ётади. МТТ муваффақияти унинг касбий фаолияти, малакаси, иш сифати, ўқитувчилар, ота-оналар ва болаларга таъсири билан бевосита боғлиқ.

Иккинчи: МТТ педагог-психологи таълим-тарбия жараёнининг барча субъектларига бевосита таъсир кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олмайди.

У ўз вазифаси ва хизматини билвосита, олдиндан тайёрлаш орқали бажаради. Психолог ўз фаолиятини қуйидагича ташкиллаштиради: тарбиячиларнинг психологик компетенциясини максимал даражада ривожлантириш, уларни болаларни ўргатиш восита ва усуллари билан таъминлаш, боланинг ақлий ривожланиши учун таълим жараёнининг психологик асослари ҳақида кенг маълумот бериш, катталарга ривожлантирувчи мулоқот усулларини ўргатиш, болалар билан ишлайдиган катталарнинг психологик компетентлигини ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларини бошқаради, ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий ўсишида ауто-психологик компетентлигининг ривожланишига кўмаклашади.

Болалар билан ишлашда психолог бола ўзини кўра оладиган “кўзгу” бўлиш тамойилига амал қилади ва кейинчалик мустақил равишда бола “ўзини тартибга” сола олсин. Бошқача қилиб айтганда, психолог ўзаро таъсирнинг барча субъектларида ўзини-ўзи тартибга солиш, ўзини-ўзи билиш ва ўз ҳаракатини ривожлантириш учун шароит яратади.

МТМ психологик хизматининг ушбу стратегияси профессионал ва олий таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг психологик тайёргарлигининг камлигини қоплайди ва профилактик ахборотнинг ижро

этувчи қисмини босқичма-босқич ўтказишни (психологик ахборотга қизиқишни ривожлантириш орқали), ўқитувчилар, ота-оналар ва болаларда психологик хизматларни шакллантиришни ўргатади.

